

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
ЎЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“АМАЛИЙ САНЪАТ” (турлари бўйича) йўналиши

**“АМАЛИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИНИ ЛОЙИЎАЛАШДА
ИННОВАЦИЯ”
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент 2018

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 201__ йил __ _____даги __-сонли буйруғи билан
тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчилар: К.Беҳзод номидаги МРДИ “Маҳобатли рангтасвир”
кафедраси профессори
Худайберганов Рустам Адамбаевич

Такризчилар: К.Беҳзод номидаги МРДИ “Маҳобатли рангтасвир”
кафедраси профессори
Бекмиров Чори Джумаевич

Ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
Кенгашининг 201__ йил _____даги __-сонли қарори билан нашрга
тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	3
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	9
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	16
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	Ошибка! Закладка не определена.
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	90
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	91
VII. ГЛОССАРИЙ	92
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	106

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур ривожланган мамлакатлардаги мавжуд халқаро тажрибалар асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони ҳамда 2017 йил 20 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2909-сон Қарорларидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда

тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига камраб олади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

“Амалий санъат асарларини лойиҳалашда инновация” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- “Амалий санъат асарларини лойиҳалашда инновация” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Амалий санъат асарларини лойиҳалашда инновация” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- Ўзбекистон ҳудудида бадий кулолчиликнинг шаклланиши ва ривожини;
- археологик ёдгорликлар ва улардаги амалий санъат асарларини;
- меъморий ёдгорликлар ва уларнинг безакларини;
- қадимги ва ўрта асрлар бадий кулолчилиги;

- бадий кулолчиликдаги замонавий мактабларни;
- ёдгорликларни хужжатлаштиришни;
- таъмирлаш ва кулолчиликнинг назарий асослари усулларини;
- таъмирлаш ва кулолчилик тарихини;
- лойиҳалаш турлари («отмывка», графика “нукта-нукта” ва ҳ.з.)ни;
- ашёда ишлаш фани бўйича инновацияларни;
- таъмирлашда замонавий кимёвий моддалар ва технологияларни;
- санъат асарларини яратиш ва реконструкция қилиш усулларини;
- амалий санъатда композицион ечим масалаларини;
- санъат соҳасида муаллифлик ҳуқуқини таъминлашнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини;
- замонавий арт маркетингнинг назарий асосларини;
- мазкур фан бўйича илмий адабиётлар, объектга бевосита алоқадор манбалар, архив хужжатлари ва интернет ресурсларни билиши керак.

Тингловчи:

- амалий санъат асарларини бойитиш ва модернизациялаш;
- амалий санъат асарларини сақлаш ва музейлаштириш;
- **амалий санъат фанидаги янгиланишлар ва ўзгаришларни, мазмун-моҳиятини етказа билиш;**
- **таъмирлаш ва кулолчиликда лойиҳалаш бўйича инновациялардан фойдаланиш;**
- **хорижий тилдаги манбалардан педагогик фаолиятда фойдаланиш;**
- гуруҳли ва якка машғулотларни режалаштириш;
- санъат маҳсулининг бозор қийматини аниқлай олиш;
- **амалий санъат соҳасидаги инновацияларни илмий-тадқиқот ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиши лозим.**

Тингловчи:

- таъмирлаш ва кулолчиликнинг назарий асосларини ўзлаштириш;
- лойиҳалаш турлари («отмывка», графика “нукта-нукта” ва ҳ.з.)ни амалда қўллаш;
- Ашёда ишлаш фани бўйича инновацияларни тадбиқ қилиш;
- таъмирлашда замонавий кимёвий моддалар ва технологияларни қўллаш;
- санъат асарларини яратиш ва реконструкция қилиш;
- лойиҳалашда туш билан ювиш орқали ҳажм бериш;
- арт маркетингда тарғиботга оид фаолиятни ташкил этиш;
- гуруҳли ва якка тартибдаги машғулотларни ташкил этиш **малакаларига эга бўлиши зарур.**

Тингловчи:

- амалий санъатда янги усуллар орқали асарлар яратиш;

- лойиҳалашда перспектив ва аксонометрик проекцияларни тузиш ва такомиллаштириш;
- таъмирлашдан олдинги ва кейинги тарз, кесма чизмаларини чизиш, нухалар яратишни ноанъанавий усулларини ишлаб чиқиш;
- амалий санъат соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш;
- гуруҳли ва якка тартибдаги машғулотлар учун тегишли фанлар бўйича модулларни ишлаб чиқиш ва модул тизими асосида машғулотларни ташкил этиш;
- амалий санъат асарларини лойиҳалаштириш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Амалий санъат асарларини лойиҳалашда инновация” курси маъруза ва амалий машғулот, кўчма машғулот ҳамда мустақил таълим шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот - коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, бирор бир асарни тасвирлаш каби усулларини қўллаш назарда тутилади.

- кўчма машғулотда Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Амалий санъат музейи, Бадиий академия Марказий кўرғазмалар зали, Ў.Тансиқбоев уй музейи, Карвон сарой кўрғазма зали, Замонавий санъат галереяга ташриф буюрилади ва бирор бир асар танланади. Танланган асарлар машғулотлар сўнгида таҳлил қилинади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Амалий санъат асарларини лойиҳалашда инновация” модули мазмуни ўқув режадаги “Арт маркетинг”, “Шакл тасвири психологияси ва идрок қилиш назарияси” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар амалий санъатда янги композицион ғоялар устида ишлаш, ижодий тафаккур юритиш ва бадиий

талқин этиш, тасвирий ва амалий санъатнинг эстетик жиҳатлари ва бадиий дидни ривожлантириш, йўналиш ва оқимлардаги (классик-модерн) услубларини ижодий ривожлантиришга доир касбий **компетенцияларига** эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимооти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил таълим
			жумладан				
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	Амалий санъат асарларини лойиҳалашда инновацион услублари, аҳамияти ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.	8	6	2	4		2
2.	Амалий санъат асарларини бадиий таҳлил қилиш тамойиллари.	10	8	2	6		
3.	Амалий санъат асарларини яратишнинг ўзига хос технологияси.	12	12	2	10		2
Жами: 30		30	26	6	20		4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-маву: Амалий санъат асарларини лойиҳалашда инновацион услублари, аҳамияти ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

(2 соат)

Амалий санъат турлари ва уларнинг ўзига хос томонлари. Амалий санъатда инновация ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Амалий санъат асарларини лойиҳалашда инновацион услубларнинг асослари ва аҳамияти.

2-мавзу: Амалий санъат асарларини бадиий таҳлил қилиш тамойиллари. (2 соат)

Амалий санъатда миллий тимсол ва рамзлар алифбоси. Амалий санъат асарларида миллий тимсол ва рамзларнинг қўлланилиши. Амалий санъат турлари: наққошлик, ганчкорлик, кандакорлик, гиламдўзлик, ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик ва бошқа санъат асарларини бадиий таҳлил қилиш тамойиллари.

3-мавзу: Амалий санъат асарларини яратишнинг ўзига хос технологияси. (2 соат)

Санъат асарлари яратишнинг инновацион ёндашув. Амалий санъат турларини бажариш технологияси. Яратилган асарларни бадиий идрок қилиш қодалари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Амалий санъат асарларини лойиҳалашда инновацион услублари. (4-соат).

Амалий санъатнинг замонавий услублари ва ўзига хос хусусиятлари. Амалий санъатнинг ўзига хос жиҳатлари ва бадиийлик. Амалий санъатда ижодий услублар.

2-амалий машғулот: Амалий санъат турларидан бирини бадиий таҳлил қилиш. (6-соат).

Амалий санъатда анъанавий услублар ва бадиий дидни ривожлантириш. Амалий санъатда анъанавий услубларни таҳлил қилиш.

3-амалий машғулот: Амалий санъат асарларини яратишнинг ўзига хос технологияси. (10-соат).

Амалий санъатнинг ривожланиш тенденциялари ва услублари. Компьютер технологиялари, интернет сайтлари ва репродукциялардан фойдаланиш. Амалий санъатнинг руҳий таъсирчанлиги.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хулосалар

чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш мезони	Максимал балл	Изоҳ
1.	Тест;	2.5	0,5 балл
2.	Бадий асар танлаш ва уни тасвирлаш;		1 балл
3.	Мустақил иш.		1 балл

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

“Ақлий ҳужум” методи

Ақлий ҳужум усули

Ақлий ҳужум (брейнстроминг - ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жавоавий юзага келтириш.

Ақлий ҳужум ва масалани ечиш босқичлари

1. Мустақил фикрланг хаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қоғозга ёзинг.
2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, агар улар такрорланаётган бўлса, махсус белги қўйинг.
3. Ғояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гуруҳ ғояси сифатида шакллантиради.
5. Барча ёзилган ғоялар гуруҳ муаммосини ечиш
6. Гуруҳнинг умумий жавоби шакллантирилади.

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)

- кучли томонлари

W – (weakness)

- заиф, кучсиз томонлари

O – (opportunity)

- имкониятлари

T – (threat)


- тўсиқлар

Намуна: Ҳунарманд ижодкорлар учун SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Ҳунарманд ким ? Амалий асар яратувчи.	Ҳунарманд бу тинмай изланувчи ижодкор инсон
W	Умумбашарий аҳамиятга эга бўлган ҳунармандлар.	Замонавий йуналишда ижод этаётган таниқли ҳунарманд О.Файзуллаев асарларида нафислик, жозибалик, тарбиявий ва жамиятда ижод этаётган ижодкорлардандир
O	Ҳунарманд чизиқлар, шакллар, ранглар, амалий санъат воситалари ёрдамида бадий асар (буюм) ярата оладиган инсонлар.	Улар амалий санъат воситалардан, чизиқлар, шакллар ва воситалар билан ашёлар орқали ўз ғоясини, фикрини баён эта оладилар.
T	Тўсиқлар (ташқи)	Ҳунармандларга эркинлик бўлмаса чизиқлар, шакллар, амалий санъат воситалари билан ўз асарлари орқали баён эта олмайдилар.

“Балиқ скелети”

Ҳунармандлик буюмлари композициясини “Балиқ скелети” чизмаси. Бир қатор муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.



**Мисол: “Хунарманд устолар” мавзусидаги матн.
Биламиз. Билишни истаймиз? Билиб олдик. (БББ)**

Биламиз	Билишни истаймиз	Билиб олдик
1.Хунарманд усто янги ғояда асар яратадиган инсон.	1.Хар бир изланувчи инсонни хунарманд деб аташ мумкинми?	Амалий изланишларни олиб борувчи, янги усул ва воситаларни қўллай оладиган инсонни хунарманд деймиз.
2. Хунарманд усто амалий асбоблардан, чизиқлар шакллар, воситаларни ўз асарлари орқали баён эта оладиган инсонлар.	2.Дунёдаги амалий санъатда ғоявий композицияларни тасвирла оладиган хунармандлар қаторига кимларни киритса бўлади.	О.Файзуллаев яратганган асарлар ҳозирги устолар учун амалий методик ўқув жараёнидаги ривожланишида фойдаланилмоқда.
3. Хунармандлар асарида инсонларни маънавий-маърифий эстетик тарбияловчи инсонлардир.	3. Хунарманд бўлиш учун нима қилиш керак?	Усто Ширин Муродов бутун ўзбекистондагина эмас балки европа давлатларида ҳам марок билан томоша қиладилар.
4. Хунарманд бу тинмай изланувчи инсон	4.Ижодий асарларни яратиш паёни борми?	О.Файзуллаев ижод этган таниқли устлардандур.
5.Умумбашарий аҳамиятга эга бўлган рассомлар.	5.Компютерда ижодий асар яратса бўладими ?	Замонавий йуналишда ижод этаётган таниқли О.Файзуллаев яратган асарлар жамиятда ижод этаётган ижокорлардандир.
6.Ўзбекистонлик Хунармандлар	Ўзбекистонда таниқли методик қўлланмалар, услубий қўлланмалар устида ишлаб келаётган таниқли хунарманд ва устолардан кимларни биласиз?	Ўзбекистонда таниқли методик қўлланмалар, услубий қўлланмалар устида ишлаб келаётган таниқли педагоглардан: Б.Бойметов, М.Набиев, О.Эгамов,

Интерьерда ганч ўймакорлигини ишлаш



хонани ички кўринишини перспективада акс этирилади. Хунармандлик амалий санъат турларидан: ганч, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги, кандакорлик, сўзана кўринишларда безак вазифасини ўтайди.

Интерьерда уйни эшик деразаларнинг шакли, ҳажми, девор ва шифт беаги ва уй жиҳозларининг беаги орқали қайси даврга мансублигини

билиб олишимиз мумкин. Интерьер - ички меъморий мухит ҳолати орқали хонадон соҳибасининг диди ҳақида ёки бинонинг жиҳозланишига қараб амалий тараққиёти ҳолати ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Интерьерда амалий санъат безакларини перспективада акс этириш жараёнлари кўрсатилган.

Интерьер композицияси мавзусида амалий санъат ўқитишнинг замонавий технологиясини қўллаш.

Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («саце» – аниқ вазият, ҳодиса, «стади» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибиде қўлланилган. Кейсде очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким? (Who), Қачон? (When), Қерде? (Where), Нима учун? (Why), Қандай? Қанақа? (How), Нима-натиха? (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш

асослаш, тақдимот.	имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш
--------------------	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

“Инсерг” методи.

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;


➤ “Амалий санъат” бўйича янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намоён этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, рангтаълим бўйича ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифода қилишади. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга кўйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			


Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар профессор - ўқитувчи томонидан таҳлил

қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.



“Брифинг” - (инг. Briefing - қисқа) Рангтасвир бўйича бирор – бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишланган қисқа пресс - конференция.

Ўтказиш босқичлари:



Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, бирор бир асарни чизишдан олдин бир шакл сифатида олдин чизилган биор асар масалан: “Монализа” портретини олайлик тингловчилар билан бирга шу асар қачон ва ким томонидан яратилганлиги муҳокама қилинади ва бошқа рассомларни чизган портретитаҳлил қилинади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган янги асар такдимоти ўтказилади.

“Портфолио” методи.

“Портфолио” – (итал. Portfolio - портфель, ингл. ҳужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув - методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, ҳар бир тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуйидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гуруҳий
Таълимий фаолият	Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Талабалар гуруҳи, тингловчилар гуруҳи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

Ҳар бир тингловчи курс мобайнида ўзининг шахсий портфолиосини киритиб борадилар.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Амалий санъат асарларини лойиҳалашда инновацион услублар, аҳамияти ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Режа:

- 1.1. Амалий санъат асарларини лойиҳалашда инновация.
- 1.2. Меъморий безакларни астрологик, мантиқий ва психологик таҳлили.
- 1.3. Амалий санъат асарлари бадиий таҳлили ва ундаги инновация.

1.1. Амалий санъат асарларини лойиҳалашда инновация.

Ўзбекистон халқларининг тарихи, қадриятлари, илм-фан, маданият дурдоналарини ҳар томонлама илмий ўрганиш ва таҳлил этиш ғоят муҳим. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” маърузасида “Улуғ аجدодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий мерос фақат

бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир”¹.

Шу мақсадда республикаимиз ҳукматининг қатор ҳужжатлари Ватанимизнинг ҳар томонлама жаҳон андозалари асосида ривожланишига қаратилмоқда. Жумладан, ёшларга таълим-тарбия беришда маданиятимиз, кадриятларимиз, миллий санъатимиз намуналаридан, аجدодларимиз томонидан яратилган ва бутун жаҳонга машҳур бўлган ажойиб санъат намуналаридан кенг фойдаланишга катта аҳамият берилмоқда.

Самарқанд неча асрлардан бўён тенгсиз тарихий обидалари гўзал меъморий ёдгорликлари билан доврқ қозониб келмоқда. Бу кўхна шаҳарга келаётган турфа сайёҳларни ёдгорликларнинг маҳобатию рангин нақшлари билан бирга уларнинг пештоқларга битилган миллий тимсол ва рамзлар ҳам қизиқтириши табиий. Бу пештоқларга битилган миллий тимсол ва рамзларда нималар ифода этилганлигини билиш юртдошларимиз учун ҳам, сайёҳлар учун ҳам ниҳоятда қизиқарлидир.¹

Дунёдаги ҳеч бир жойда мусулмон меъморчилиги сингари бу қадар мукамал тарздаги безак санъатини мукамал қўлланилган эмас.²

Бутун жаҳон астрономия дунёсини ларзага солган, олти юз йилдан ортик вақт ичида жаҳон олимлари тилида ва дилида дoston бўлган буюк Султон, беназир аллома олим Мирзо Улугбек хаёти, илмий фаолиятини ўрганиш ва тадбиқ этиш натижасида маълум бўлаётган илмий кашфиётлар ҳанузгача башариятни лол қолдирмоқда. Кўплаб илмий монографиялар, унинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори Тошкент шаҳри, 2017 йил 23 июнь маърузаси. Маърифат газетаси, 2017 йил 24-июн, №50 (9011).

¹ Ҳасанов Қ., Маъруфий Б. Регистон обидалари ёхуд битиклар тилга кирганда//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2008. 19 декабрь.

² Мамадазимов Т. “Мирзо Улугбек даври архитектураси.”, Монография, Т., “ТАҚИ”, 2014, 94-бет.

сёсатчилик ва иқтисодёт соҳасидаги фаолияти, илмий ва маърифий меросини ўрганиш бўйича очилган жабҳалар Мирзо Улуғбекнинг кўп қиррали фаъолиятини очиб бериш билан бирга, унинг номини мангуликка муҳрлади. Шундай бўлсада, кейинги даврда Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти, ҳукмдорлик сиёсати ва иқтисодий ислохатлари, меъморчилик, ислом дини ва маънавиятини кенг тадбиқ этиш йўлидаги янги қирралари очилаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Кейинги йиллардаги олимларимиз томонидан буюк мунажжимнинг юқоридаги фан ва ижтимоий ҳаёт жабҳаларини ёритиш ишлари объектив – холисона равишда очилмоқда.

1.2.Меъморий безакларни астрологик, мантиқий ва психологик таҳлили.

Мирзо Улуғбек яратган меъморий ёдгорликларига боқсак ўша даврда тасвирий ва амалий санъат турларини нақадар даражада ривожланганлигига иқдор бўламиз. Мирзо Улуғбек қурдирган расадхонасининг ички деворларида ва шифтларида фалакиёт, ер шари, етти иқлим билан боғлиқ бўлган кашфиётлар, муҳим белги, рамз, тимсол ва рақамлар тасвирлари ишланган. Бу тасвирларни Абдураззоқ Самарқандий қуйдагича таърифлаган: “...у олий бунёд ва улуғсифат иморатнинг хоналари ичига тўққиз фалакнинг ҳайъатию тўққиз (осмон)доиралари шакллари даражалар, дақиқалар, сониялардан тартиб то ошираларгача (чизилди)ҳамда айланувчи фалаклар, етти сайёра, собита юлдузлар кўриниши ва ер курраси ҳайъатию иқлимлар сувратларини тоғлар, биёбонлар ...дилназар нақшлару беназир рақамлар билан”чизилди³

Мирзо Улуғбекнинг дўстлари ва яқинлари орасида Қозизода Румий, Ғиёсиддин Коший, Али Қушчи каби машҳур математик-астрономлар , Улуғбек мадраса деворига(расадхонада ҳам чизилган бўлган) етти иқлим

³ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдийи ва мажмаи баҳрайн. –Т.; 1969, 278-б.

харитаси чизганлар. Ҳозирда қоғозга етти иқлим харитаси кўчириб олинган нусҳаси сақланади. (1-расм.)



1-расм. Улуғбек мадраса хужраларидан бирининг деворига (кейинчалик расадхонада ҳам чизилган) чизилган етти иқлим харитасининг қоғзга кўчириб олинган нусҳаси.

Улуғбек мадрасаси пештоқиданги қаносид композиция гулли гирихдан ташкил топган. Гўёки юлдузли осмони инсон кўз ойнасида намоён бўлади. Бу юлдузлар ўймакор кошин бўлақларидан ҳосил қилинган. Гирихлар орасида майда ислимий нақшли ўйма мармар безаклар ишланган. Сангтарош усталар қанос безакларида жуда маҳорат билан ислимий нақшлар билан безатганларки, узоқдан ҳам яқиндан ҳам жозиблага эга. (2-расм).



2-расм. Улуғбек мадрасаси. (1417-22)

Тарихий ёдгорликларини тасвирини таҳлил қилишда бадий, астрологик, фалсафий, психологик, рамзий ва синергетик таҳлил қилиш турларининг мезонлари асосида ўрганилади. Чунончи Самарқанддаги Улуғбек меморий ёдгорликнинг

каносидаги астрологик безакларини синергетик таҳлил қилиб кўрамиз ва улардан тегишли хулосалар чиқариб оламиз.

Синергетика (юнон. *Sunergeia* – ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик) системаларнинг ўз-ўзидан ташкил бўлиш назарияси, ўз-ўзини бошқариш, ҳозирги замон назарияси, ночизикли ҳодисаларни ўрганиш, дунёни янгича изоҳлаш, табиий ва ижтимоий-иқтисодий мураккаб тизимли жараёнларнинг табиатини билишга қаратилган илмий йўналиш, тафаккур услуги.

Синергетикани ХХI асрда пайдо бўлиб, тараққиётнинг янги қирраларини тушунишга ёрдам бераётган янги тафаккур услуги деб баҳолаша бўлади.

Синергетика жамият, инсон ҳаётида, фан тараққиётида илгари учрамаган янги муносабатларни фалсафий таҳлил қилишга ҳаракат қилувчи, илмий йўналиш сифатида пайдо бўлди. Синергетиканинг энг муҳим томони шундаки, у ижтимоий ва ўз-ўзини бошқарувчи тизимларда фаолият кўрсатаётган тадқиқотчи-олимлар ишларини маълум бир йўналишда бирлиштиришга хизмат қилади.⁴

Улуғбек мадрасасининг меъмори – Қавомиддин Шерозий (? -1440, 15 аср.) бўлган. У Улуғбек Мирзонинг отаси Шохруҳ Мирзо саройида хизмат қилган.

XV асрда Регистонда қурилган барча иншоотлардан бизгача етиб келгани Улуғбек мадрасасидир. Унинг тархи шу йўсиндаги ўқув юртларининг композициясига хосдир. Ҳовли айланасида икки ошёнли қилиб талабалар учун хужралар қурилган, ғарб томонида — масжид, бинонинг тўрт томони талабалар ёз кунлари шуғулланадиган эндор айвонлар жойлашган, шарқ томонда — икки ёнини юксак миноралар эгаллаган, анча ичкарилаб қирган даромад равокнинг бурчакларида юлдуз нақшли гириҳ — юлдузли осмон тасвирланган. Улуғбек учун бу мавзу тасодифий эмас: у ҳаётини фалакиёт илмига бағишлаган, мадраса

⁴Фалсафа қисқача изоҳлм луғот /Муаллифлар: /М.Н.Абдуллаева ва бошқалар. – Т. “Шарқ”, 2004-284 бет.

ўқувчилари фанни эгаллашлари, таълим бсриш тартибини диний қойидлар доираси билан чеклаб қўймаслик кераклигига ишора килар эди. Интилиш — хар бир эр ва аёл мусулмоннинг бурчидир», деган сўзлар маърифатпарвар подшоҳнинг ўзига хос ақидаси эди.

Хандасий нақшлардан иборат гирих равоқ тоқнинг асосий нақш китъаларига ажратилиши белгилайди.


Ён пештоқларнинг йирик микёсидаги нақшлари узокдан кузатишга мўлжалланган. Уларнинг осуда устида хандасий нақшли гилам тўшаб қўйилгандек.

Улуғбек мадрасаси безакларида геометрик нақшлар, ёзувли нақшлар ва ўсимликсимон нақшлар эгаллаган. Энг қўп ишлатилган нақш геометрик гирих яъни хандасий нақшлардир. Хандасий нақшлар жуда катта математик аниқликни талаб қилади. Геометрик нақшлар борликни хаммаси аниқ ўлчамга ва шаклга эгалилигига ишора қилинган. Юлдузсимон нақшларни қўп ишлатилишини Улуғбек бор умрини фалакиёт илмига бахшида этганлигини билдиради.⁵ Минораларга геометрик нақшлар ичига ёзувли нақшлар уйғунликда бажарилган. Қаносда эса 5-8-16 рахли юлдизли гирих композиция ишланган бўлиб, улар айланма харакат кўринишида тасвирланган. Гирихлар бир-бирлари билан узвий боғланган. Улуғбек мадрасаси қаносидаги безакларда галлактикаларнинг тўрсимон бир-бири билан занжирсимон умумий ўзъаро тортишиш кучи билан боғланган чексиз гравитацион системалар тизиминини яъни дунё харитаси ўз аксини топган. Ушбу фикримизни исботлаш учун муқаддас китобимиз бўлган Қуръони Каримга мурожат қиламиз “Раббингиз осмонлару Ерни олти кунда яратган...- қуёш, ой юлдузларни ўз амрига мусаххар (муте) қилиб қўйган Аллоҳдир.” (Қуръони Карим, Аъроф сураси. 54 – оят.) Бу билан бизнинг фикримизча бутун


⁵Мамадазимов Т. “Мирзо Улуғбек даври архитектураси.”, Монография, Т., “ТАҚИ”, 2014, 100-104-бетлар.

оламни Аллоҳ мукаммал ва бир – бири билан узвий ва занжирсимон умумий ўзъаро тортишиш кучи билан боғланган. Рене Декарт айтадики, “Дунё аъло даражада мойлаб қўйилган механизм ва уни кимдир харакатга келтириб туриши аниқ.” дейди. 3-расмда бутун олам галактикаларининг тизими берилган ва уларнинг умумий кўриниши акс эттирилган.

4-расмда Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси қаносидаги безакларини тахлили берилган бўлиб, шу безакларни бирма-бир рамзий тахлил қилиб чиқамиз. 1. Галактика. 2. Галактика ядросидаги туйнук 3. Галактика ядросидаги халқа. 4. Митти юлдузлар. 5. Тўрсимон ислимий нақшлар. 6. Юлдузлар. 7. Юлдузлар ўқи. 8. Геометрик нақшлар орасидаги ўсимликсимон нақшлар. 9. Саккиз қиррали юлдуз маркази. 10. Ўн олти қиррали юлдуз. 11. Ўн олти қиррали юлдузнинг ўқи. 12. Саккиз қиррали юлдуз. 13, 14- мунаббат нақшнинг тўрт томонга такрорланиши. 15. Мехроб. 16. Морпеч яъни арқонсимон бурама нақш. 17. Олти қиррали юлдузчадан ташкил топган хошиясимон нақш. қиррали юлдузча.



3-расм. Улуғбек мадрасаси қаносидаги безакларда галактикаларнинг ўрсимон бир-бири билан занжирсимон умумий ўзъаро тортишиш кучи билан боғланган чексиз гравитацион системалар тизиминини яъни дунё харитаси ўз аксини топган.



4-расм. Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси қаносидаги безакларини тахлили.

МИНОРАЛАР.

Улуғлик, тантанавийлик, ғалаба, инсон билан койинотнинг уйғунлиги ва узвий боғлиқлик рамзи. Икки минора эса тил билан дил уйғунлиги. Икки олам уйғулиги, икки олам

саодатини билдиради. Улуғбек мадрасасидаги тўртта минора эса дунёни тўрт устунини билдиради. Дунё тўрт унсурдан ташкил топган.

МИНОРА ТЕПА ҚИСМИДА ГУЛДАСТАДАГИ МУҚАРНАСЛАР. Минора тепа қисмидаги гулдастадаги муқарнаслар бамисоли галактикадаги юлдузлар тизимини ҳаракатларини айланма ҳаракатини рамзий ифодасини бидиради.

МОРПЕЧ. Ҳаракат ва ҳаёт рамзи. Оламдаги барча нарсалар ҳаракатда. Ҳаракатни абадийлигини, дунё абадий ҳаракатдан иборатлигини билдиради. Ҳаракат бўлмаган жойда ҳаёт бўлмайди. Равоқдаги арқонсимон безак яъни морпеч меҳроб шаклда берилган. Морпеч спиралсимон ҳаракатни яъни оламдаги барча нарсалар спиралсимон ҳаракат қилади. Улар коинот билан узвий боғланганлигини англатади. Дунёдаги барча ҳаракатлар бир нуқтадан бошқариб турилишига ишора қилинган.

МЕҲРОБ ШАКЛИ. Бир дунёдан иккинчи дунёга ўтиш дарвозасини билдиради. Яна қалб дарвозаси ҳисобланади. Меҳроб шакли илоҳий дарвоза ҳисобланади, кеча кундузни алмашиб туришини тил билан дил бирлигини билдиради. Меҳробдаги нақш қадимдан коинот билан боғланиш дарвозаси тимсолидир. Мадраса меҳроб шаклига ўхшаш нақш турлари билан безалади. Мадрасада меҳроб шаклида ишланган токча, тахмон, эшик ва б., меҳроби эшиқ меҳроби токча кабилар ишланган ва безалган.

Энди Улуғбек мадрасаси қаносдаги безакларни элементларини бадиий таҳлил қилиб кўрамиз.

УЛУҒБЕК МАДРАСАСИ ҚАНОСИДАГИ МУНАББАТ ГУЛЛИ ГИРИҲ КОМПОЗИЦИЯСИ. Улуғбек мадрасасидаги қаносидаги гулли гириҳ мураккаб нақш турига киради. Бу билан олам мураккаб тузилганлигини рамзий маънода ишора қилинган. Геометрик шакллар орқали бутун олам тузулишини берилган бўлса, ўсимликсимон нақшлар орқали тириклик яъни ҳаёт рамзида ифодаланган. Бу билан бутун олам бир-бири билан узвий боғланганлигини ишора қилинган.

Мунаббат яъни тўрт томонга чексиз такрорланадиган нақш олинганлиги оламнинг чексизлигини билдиради.

ЎСИМЛИКСИМОН НАҚШЛАР. табиатни ва ҳаёт рамзидир. Борлиқни ипсиз тўрсимон қувват билан боғлаб турилишини рамзий ифодасидур.

ГЕОМЕТРИК НАҚШЛАР Гириҳ – геометрик нақш ҳисобланиб, унинг келиб чиқиши ўрта асрларда математиканинг равақ топишига боғлиқ бўлган. Мирзо Улуғбек даврига келиб, баъзида қаносларни ва пештоқ равоқлари ён деворларини безатишда мураккаб “юлдузсимон” гириҳлардан фойдаланилган.

Мирзо Улуғбек даврига келиб, баъзида қаносларни ва пештоқ равоқлари ён деворларини безатишда мураккаб “юлдузсимон” гириҳлардан фойдаланилган. XV аср полихромли безакларида ўсимликсимон нақшлар билан мозаикали ёзувлар саҳифаси ўзаро боғланган тарзда ҳам намоён бўлган. Бу ёзувлар “сулсий” ҳатида ёзилган. Сулсий ёзувларини бажаришда тажрибали хатотлар ишлашган. Улар ўзлари учун ажратилган жойга узун оятларни усталик билан (баъзида икки ёки уч қават қилиб) жойлаштирилган. Кўпинча, бу ёзувлар заминида спиралсимон ўсимликлар тасвирлари туширилган. Баъзида сулсий ёзувлари тепасига кўшимча унча баланд бўлмаган кўфий ёзувлари ҳам туширилган. Бу безаклар заминини одатда кўк рангда, ёзувлар оқ ёки сариқ рангда, ўсимликсимон бурамалар мовий рангда, гуллар ва ғунчалар оқ ёки сариқ рангларда ишланган.

Геометрик нақшлар сайёраларни қатъий тартибда жойлашганлиги ва ўз мовзанатига эгаллигини англатади. Улар маълум тартибда ҳаракат қилишини ва бир-бири билан ипсиз қувват билан боғланганлиги тасвир орқали берилган.

Улуғбек мадрасаси қаносидаги тасвирланган геометрик нақш тўғри чизиқлардан ташкил топган гириҳ композиция тасвири бутун оламни ҳаритасини рамзий ифодалашдир. Олам ҳаритасига кўз ташласак барча сайёралар мукамал жойлашганлиги уларнинг ҳар бири узвий ва узлуксиз боғланганлиги ҳамда сайёралар қатъий қонуниятлар асосида айланма (спиралсимон) ҳаракатланиши кўрсатилган. Ҳар бир сайёра ўз ўқи


атрофида айланишини юлдузлар ўртасида нукталар билан рамзий ишора қилганлигини кўриш мумкин. Сайёралар ва бутун олам мукамал яратилганлигини рамз ва тимсолларда акс эттирилган. Ҳар бир сайёраларни дунёда ўз мувозанатини сақлаб туради. Муозанатини бузилиши ҳаётни тугашини билдиради.

ЎН ОЛТИ ҚИРРАЛИ ЮЛДУЗЛАР. 16 қиррали юлдуз ичига чизилган нақшлар бамисоли қуёшни оламга таралаётган ҳаракат яъни марказдан ҳамма томонга нур таралаётгандек ҳолатда мадохил нақш оппоқ куртаклар берилган. Бу эса қуёшни (зиё) тарқалишини ва қуёш сайёрасини бутун олам билан узвий алоқада боғланганлиги тимсолида акс эттирилганлиги кўзга яққол ташланади. Бу битта оламда эмас балки ўзга 18 минг оламда шу ҳолатни нақшларни такрорланишини кўриш мумкин. 5 ва 8 қиррали юлдуз шаклларда ҳам ўсимликсимон нақшлар эса ҳаётни, иккинчиси сайёраларни бир бирлари билан боғлиқлигини ҳамда чархпалак шаклини беради. Чархпалак эса оламни абадийлигини билдиради. Намоёндаги барча нақшлар яхлитликка эга бўлиб, ўсимликсимон нақшлар, геометрик нақшлар билан узвий яхлит мантиқий ғояга эга.

Галактика. Галактика (юн. Galaktikos)- сутли, сутсимон, умумий ўзаро тортишиш кучи билан боғланган ҳамда қуёшни ҳам ўз ичига олган 200 млрд.дан ортиқ юлдузнинг улкан гравитацион системаси.⁶ Галактика юлдуздан ташқари юлдузлараро муҳит-газ, чанг ва турлари майда космик зарралар ҳам бор. Галактика грекча-“Сомон йўли”. Галактиканинг кўндаланги тахминан 100 минг ёруғлик йилига баробар. Бундай галактикаларни бир нечтаси метагалактикани ташкил этади. 5,6,7-расмлар. Галактика марказида эса зич, деярли шарсимон юлдузлар тўплами бўлиб, у Галактика ядросини ташкил қилади. Барча юлдузлар ана шу Галактика ядроси атрофида айланади. Қуёш ўз атрофидаги сайёралар билан бирга Галактика ядросини 180 миллион йилда тўлиқ айланиб чиқа олади. Ана

⁶Ўзбекистон миллий энциклопедия. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Т.; 2001, 2-том, 545-б.

шу ниҳоятда катта вақт оралиғи Галактика йили деб аталади. Юлдузлардан ташқари, Галактика таркибига майда қаттиқ космик чанг ва газларнинг жуда йирик сийрак булути ҳам киради. Улар чанг ва газ туманликлари деб



аталади.


5-расм. Галактика қисмлари. 1-Галактика 2-Галактиканинг ядроси (ҳалқаси ва туйнуғи) 3-Юлдузлар 4-Юлдузларнинг айланиш ўқи.

Галактика ядроси, ҳалқаси ва унинг туйнуғи. Галактика ядроси туйнук халқадан ва бошқалардан



иборат бўлади. 5,7-расмлар.

6-расм. Улуғбек мадрасаси қаносидаги галактика ва коинотдаги галактиканинг фото суратини солиштирма кўриниши ҳамда уларнинг ядроси.



7-расм. Галактика ядросидаги халқа. Галактикани фото нусхалари ва уларнинг тузилиши акс эттирилган.

Галактикадаги митти юлдузлар. Коинотдаги барча митти юлдузлар ҳам маълум қонунят асосида муалақ ҳолати ва уларнинг маълум тизимда ҳаракатланиши рамзий ҳолда ишора қилинган.

Тўрсимон ўсимликсимон нақшлар. Ушбу тўрсимон ўсимлик нақшларини берилиши дунёдаги барча заррачадан тортиб галактикаларнинг барчаси тўрсимон бир-бири билан занжирсимон ва тўрсимон умумий ўзъаро тортишиш кучи билан боўланганлиги акс эттирилган.

Ўн олти қиррали юлдуз марказидаги сариқ кичик доирача. Ўн олти қиррали юлдузсимон ислимий нақш марказида сариқ доира берилган бўлиб, ҳар бир галактика марказларида худдий шу сариқ доира нуқтасини кўриш мумкин. Сариқ доирасимон нуқта Галактика ядросининг туйниги жойлашганлиги акс эттирилган. Галактикани туйнугини берилиши ўз ўк атофида айланишини билдиради.

БЕШ ҚИРРАЛИ ЮЛДУЗЛАР. Юлдузлар сайёралар рамзида берилган бўлиб, улар доим маълум қонуниятлар асосида ўз ўқи атрофида ва галактика спиралсимон айланиш ҳаракатини билдиради. Беш қиррали юлдуз инсон умрини қисқалигини ва ўткинчилигини билдиради. юлдузларни ритмик такрорланиши оламда ҳар бир сайёраларни ўз ўқи атрофида маълум қонуният асосида айланиб ҳаракатланиб ўз муозанатини сақлаб туришини англатади. Юлдуз инсон умрини ўткинчилигидан ташқари исломни 5 та устинини инсоннинг 5 сезгисини, ҳаётни бу дунёга келиш ва кетиш нуқтасини, ҳар бир инсон ўткинчи дунёдан ҳеч нима олиб кетмаслиги ва бошқаларни рамзий маъноларини билдиради. ҳар бир юлдузларни марказида нуқталар қўйилиши бу билан ҳар бир сайёралар ўз ўқи атрофида айланишини билдиради.

САККИЗ ҚИРРАЛИ ЮЛДУЗ. қуёш, ой, юлдуз, икки олам ва унинг уйғунлиги, бирлик, жуфтлик, абадийлик, даврий ҳаракат, коинот муозанати, мунтазам тартиб, чархпалак ва бошқалар рамзи. Яна жаннатнинг кўриниш шакли Хитойда бахт рамзи. Бу дунё ўткинчилигини билдиради. Саккизбурчакли нақш франциялик олим Р. Лават фикрича, қадимий Шумерда осмондаги худо рамзини ифодалаган). Бундай нақш Марказий Осиёда жуда кенг қўлланилиб келган. Мазкур нақш қадимда

бутун Шарқда юқоридаги рамзий ифодага эга. Ислом дини ўрнатилгандан сўнг бундай нақш самодаги қуёш, ой, юлдузлар рамзини ифодалай бошлаган.

Саккиз қиррали юлдуз мусулмон архитектура обидалари ва бошқа санъат наъмуналарида саккиз қиррали юлдуз ҳам акс этади. Мутахассилар фикрига кўра, мазкур октограмма аршни тутиб турувчи саккиз фариштани англатади. Расмда саккиз рахли юлдуз ва унинг ичида нур таралиб турганлиги тасвирланган. Бу шакл саккиз жаннатнинг бири ва ундаги саккиз дарвозасига ишора қилган бўлиши мумкин.

РАНГЛАР. Амир Темур ва темурийлар даври архитектурасида асосан кўк, мовий ва оқ сирли ғиштлар текис юзаларни безатишда кўпроқ ишлатилган. Шунингдек, оч кўк, мовий, оқ, сариқ, қора каби ранглардан девор нақшларини ишлашда кенг фойдаланилган. Ўймакор кошинларни яратишда эса кўк, мовий, оқ, камроқ яшил, сариқ, қора, баъзи жойларда кизил ва тилло ҳал ранглардан кенг фойдаланилган. Иморатларни безатишда баъзида мрамр плиткалардан ҳам фойдаланилган. Кошинкор мозаика безаклари темурийлар давлатига Эрондан кириб келган ва кенг ёйилган. Улар бу ерда олдинги даврларга ўхшаб геометрик, эпиграфик ва ўсимликсимон мотивларнинг синтезлашган кўринишида намоён бўлсада, ўзининг янги бадий сифатига ҳам эгадир. Улуғбек мадрасаси композицияда асосий ранг ер ранги ва ҳаво ранг ва оқ ранглардан ташкил топган.

ЕР РАНГИ. Ер ранги она заминни билдиради.

ҲАВО РАНГ. Композицияда ҳаво ранг етакчи ранг бўлиб, у коинотни билдиради.

ОҚ РАНГ. Нур ва руҳий поклик рамзи.

ЯШИЛ РАНГ. Яшил рангларни берилиши бу табиатни, тирикликни, ҳаётни ўсиш ва ривожланишини билдиради.

ОЛТИН РАНГ. Зиё яъни илм ранги.

НАҚШ КОМПОЗИЦИЯЛАРИДАГИ ҲАРАКАТЛАР

ТИЗИМИ. Геометрик нақш яъни гириҳ орқали ҳар бир сайёрани ўз ўқи атрофида ҳаракати ва сайёраларни қуёш атрофида айланма ҳаракатини акс эттирилган. 8,9,10-расмлар. Ушбу ҳаракатлар бутун олам ҳаракатлар тизимини ташкил этади. Ҳаракатлар маълум қонуниятлар тартибида айланиши ҳаётни билдиради. унинг ҳаракатларни озгина ўзгариши фақат бу сайёрага эмас бошқа сайёралар ҳаракатига ҳам таъсир этади. Расмда сайёралар ҳаракати тизими. Бутун олам мураккаб тузилишга эга бўлган спиралсимон ҳаракатлар тизимидан иборат. Уларнинг ҳар бири ўз ўқи атрофида айланиши нуқталар билан ифодаланган.

Муқаддас китобимиз бўлган Қуръони Каримда бутун олам ва уни мукамал яратилганлиги ҳақида шундай дейилган. “У (яна) осмонлар ва Ернинг ҳукумронлигига эга, фарзанд туғмаган, подшоҳликда шериги бўлмаган ва барча нарсани яратиб, (аниқ) ўлчови билан ўлчаб қўган зотдир” .”(Қуръони Карим, Фурқон сураси. 2 – оят.) “Раббингиз осмонлару Ерни олти кунда яратган...- қуёш, ой юлдузларни ўз амрига мусаххар (муте) қилиб қўйган Аллоҳдир.”(Қуръони Карим, Аъроф сураси. 54 – оят.) Яна “Осмонда буржларни барпо қилган ва унда чироқ (қуёш) ва нурафшон ойни пайдо қилган зод баракотли (буюк)дир” (Қуръони Карим, Фурқон сураси. 61 – оят.)




8-расм. Спиралсимон галактика фото нусхаси.

Мирзо Улуғбек даврида хозирдагителескоплар бўлмаган бўлсада ўз тасавурида олтинчи сезгиси яъни қалбдан ғоёбона бутун оламни тасаввур қила олган.


Чунки инсон коинот билан доим боғланишда бўлади. Инсон ғоёбона олтита йўл билан боғланади, биринчиси туш орқали, иккинчиси илхомланиш, учунчиси ҳаёл, тўртинчиси ибодат, бешинчиси само тадбири,



9-расм. Бутун олам галлакти каларининг харакатлар тизими.



10-расм. Бутун олам галактикаларининг тизими, яъни бутун олам харитаси. Дунё аъло даражада мойлаб қўйилган механизм ва уни кимдир ҳаракатга келтириб туриши аниқ. (Рене Декарт)



11-расм. Инсон билан коинотни боғланиш тизими. (А- Аллоҳ, S- инсон 1-Туш, 2-Илхомланиш, 3- Хаёл, 4-Ибодат, 5-Само тадбири, 6-Вахий)

олтинчиси вахий орқали (вахий фақат пайғамбарларга хабар келади). (11-расм). Мирзо Улуғбек ҳам ушбу ғояни туш, илхомланиш ва бошқа жарёнларда олган бўлиши мумкин. Бу холатлар Юсуф алайхиссалом, Д.И.

Менделев, Исак Нютон, Алишер Навоий Жалолиддин

Румий, Ат-Термизий кабиларда ушбу ғоёбона боғланишларни ҳаётларида бўлиб ўтганликларини манбаъларда учратиш мумкин.

Масалан: Ёқуб алайхиссалом Юсуф алайхиссаломга дилбанди ёшлигида кўрган тушининг таъбири, яъни ўн бир юлдуз ҳамда қуёш ва ой унга таъзим ила сажда қилганлиги ўз исботини топганини эслатади. Юсуф “Шоҳ: “Келтиринглар уни хузуримга, уни ўзимга хос кишилардан қилиб олай!” – деди. У билан сўзлашгач (шоҳ): “Сен бугун (дан бошлаб)” бизнинг хузуримизда мартабали ва ишончли (шахс)дирсан”, - деди. (Қуръони карим. Юсуф сураси, 54 оят.)

Д.И. Менделев ўзининг Химиявий элементлар даврий системаси жадвалини туши орқали яратган. Исаак Нютоннинг бутун олам тортишиш қонуни кашф этилишига тасодифан дарахтдан тўкилган олма сабабли, хаёл ва илхомланиш жарёнида бутун олам тортишиш қонунини кашф этади.

Алишер Навоий ҳам “Сабъаии сайёр” асарини ёзишини туш орқали кўрсатилганлиги ҳақида бундай дейди: “Мана энди, вақти соати етгач, яна калам тебратиб, тўртинчи номани, яъни, “Ҳамса” нинг тўртинчи достони

бўлмиш “Сабъаии сайёр”ни ҳам ёзадиган бўлдинг.”, яна “У, менга бу мулкни (ижод мулкни) фатҳ” этиб – эгаллашни насиб этмиш. Агар, тангри бировга бирор нарсани насиб айлаган бўлса, бу бобда дунёнинг сўз ва сознинг аҳамияти йўқдир. Бу нарса насиб бўлган одамнинг қанчалик узрли юмуши бўлса ҳам, барибир, шу ишга киришмай иложи йўқ.”⁷

Мирзо Улуғбек мадрасани меъмори - Қавомиддин Шерозий, олимлар, уломлар, хаттотлар ва наққошлар билан маслахатлашиб бутун олам харитасини геометрик шакллар ва ўсимликсимон нақшлар воситасида астралагик тасвирлашга мувофиқ бўлганлар. Мирзо Улуғбек фан оламида анча илгарилаб кетганлиги учун ушбу нақшлардаги коинот фалсафасини англашга халқ тайёр эмас эди. Шунинг учун Мирзо Улуғбек ўз илмий фаразини астрологик безакларида акс эттириган. Мирзо Улуғбекнинг фалсафий ғояси бирор бир архитектура ёдгорликлари безакларида учрамайди. Баъзи-бир архитектура ёдгорликларида умумий ўхшашлик бўлсада, унинг деталлари мантиқан тўғри келмайди. Масалан коинотдаги юлдизларни ўз ўқи атрофида айланиши, галлактикаларни ядросидаги туйнук ва халқаларни берилиши ва бошқалар мисол бўла олади.

Бизнинг илмий фаразимизча, Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси қаносида тасвирланган юлдузсимон шакллардаги гулли гирихли безак композициясида Мирзо Улуғбек галактикаларнинг тўрсимон бир-бири билан занжирсимон умумий ўзъаро тортишиш кучи билан боғланган топганлиги маълум бўлди. Бутун коинотдаги барча жисмлар, сайёралар чексиз гравитацион системалар тизимини яъни дунё харитаси ўз аксини хаттоки барч галактикалар тортишиш қонунига бўйсинганлигини илмий фараз қилган. Натижада Мирзо Улуғбек фикр мулоҳазалари ва илмий фаразларни астрологик нақшлар орқали акс эттиришга мувофиқ бўлади. Ўша вақтда галактика термини ишлатилмаса ҳам дунёни тузилиши ва мазмунини етарли даражада билар эди.

⁷ Навоий Алишер. Сабъаи сайёр. Насирга айлантирувчи И. Махсум. Т., Адабиёт ва санъат нашрети, 1977. 6-бет

Мирзо Улуғбек **илми қол** (Зохирий ва расмий мадраса илмлари.), **илми ҳадис**, **илми ладуни** (Худо томонидан берилган илму дониш бўлб, бирор устоз ёки шахснинг ёрдамисиз Ғайбдан эгалланган илм), **илми хайъат** (астрономия, космография.), илми ҳикмат (фалсафа илми, физика илми), **илми ҳол** (ботиний-руҳий илм, тасаввуф), **илми ҳузури** (хаёлий жисмларнинг суратини ақли идрок этиш илми.), **илми жафр** (бўлажак ходисалардан огоҳ бўлиш илми, яъни башорат қилиш), **Илмул яқин** (воқеа ёки нарсаларнинг шакку гумонсиз билиб олиш моҳияти ҳақидаги илм), **илми нужум** (юлдузшунослик, астрология, астрономия), **илми нафс** (психология), **илми риёзи** (матиматика) ва бошқа қатор илмларни билган учун бутун дунё харитаси таффақурига эга бўлган. Шунинг учун Мирзо Улуғбек бутун дунё харитасини тасавур қила олган деб ҳулосалаймиз.⁸

Бизнинг илмий фаразимишча, Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси қаносида тасвирланган юлдузсимон шакллардаги гулли гирих безакларда, Мирзо Улуғбек галлактикаларнинг тўрсимон бир-бири билан занжирсимон умумий ўзъаро тортишиш кучи билан боғланган, чексиз гравитацион системалар тизимини яъни дунё харитаси ўз аксини топганлиги маълум бўлди.

1.3. Амалий санъат асарлари бадий таҳлили ва ундаги инновация.

Умрида бир қарра илҳом чашмасидан баҳраманд бўлиб, дилидан чиқариб расм чизаолган одам бахтли инсондир. Ҳар биримиз ҳам, болалик чоғларимизданок қўлимизга мўйқаламу бўёқ олиб, қуёш , гуллар, қушлар, дарахтларнинг расмини солишга уринамиз. Худди ана шу нарса кишин инг бевосита ҳаётдан олган бахтиёр ва фараҳли туйғуларинининг ёрқин ифодасидир.⁹

Қамолатга эришган расом эса ўзининг тўплаган тажрибасига таяниб, табиатдан илҳом олиб, гул ва япроқлардан турли-туман шакллар ясайди, уларга жимжимадор бўёқлар беради, турли нақшлар ва чизиқлар билан бежайди. Шу тариқа нақшу нигоралар дунёга келади.

Ўзбекистон бири-биридан гўзал нақшу нигораларга ғоятда бой. Унда биз энг оддийдан тортиб энг мураккабгача бўлган, жуда кичкина ҳажмдан

⁸ Комилхон Каттаев. Самарқанднома. "MASHNUR-PRESS", Т.:2017, 101-103-бетлар.

⁹ Азимов И. Ўзбекистон нақшу нигоралари. Т., Ф.Фуллом ном. Адабиёт ва санъат нашрети 1987, 5-бет.

тортиб маҳобатли даражагача етган юксак санъат намуналарини кўришимиз мумкин. Ўзбек усталарининг маҳобатли асарларида халқ маданияти ва турмиши ўз аксини топган. Санъатимизнинг бу тури асрлар оша такомиллашиб келди ва айниқса Ўзбекистоннинг мустақиллик даврида камол топмоқда.

Ўзбекистон маҳобатли безак санъатига оид ажойиб асарларнинг шон-шуҳрати бутун дунёга ёйилган. Бироқ жаҳонга машхур бу санъат намуналари, асосан Варахша, Тупрқалъа, Болаликтепа, Афросиёб саройларидаги деворий ёзув ва нақишлар ҳамда Ўзбекистон музейларида намойиш этилаётган, сўнгги пайтларда оид уй-рўзгор буюмларидаги нақш ва гуллар билан чекланиб қолмоқда. Ҳолбуки, кўпгина меъморчилик обидалардаги нафосот дудоналари, ёрқин ва қувноқ рангларда ўта юксак дид билан адо этилган безакларнинг рамзий маънолари тўлиқ ўрганилмаган. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Ўзбекистон нақшу нигор санъатининг узок муддатли изланиш ва кашфиётларини бир қур назардан ўтказишўга жазм қилдик.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” китобига ёзилган сўзбошида уқтирилгандек, “ўзлгимизни англаш, бизнинг кимлигимизни, қандай буюк аждодларнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва кадриятларга эга эканимизни ҳис этиб яшаш” мустақил республикаимиз ҳар бир фуқоросининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиб қолди.¹⁰

Мамлакатимиз худудида бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Уларни Ўзбекистон ва дунё олимлари ҳар томонлама ўрганиб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Лекин хозиргача баъзи бир қирралари ўрганилмасдан келинмоқда. Масалан тарихий ёдгорликларни безакларидаги миллий тимсоллар ва рамзлар чуқур илмий тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган. Доно аждодларимизнинг айниқса обидалар пештоқидаги тасвирларни рамзий ифодаси салкам 400 йил бўлибдики, дунё олимлари ҳам Ўзбекистон олимлари сирли тилсимларни ечолмай келмоқда




эди. Булардан Самарқанддаги Шердор мадрасаси, Бухородаги Нодир девонбеги мадрасаси, Кўколдош мадрасаси пештоқидаги тасвирлар каби минглаб ёдгорликлардаги миллий тимсоллар ва рамзлар ечими топилмаган. Шунинг учун биз Бухородаги Нодир девонбеги мадрасаси пештоқидаги безагини мантиқий ечими топилди. Хозиргача пештоқдаги рамзий тасвир олимларимиз томонидан ўз ечимини топмаган эди. Биз бу ҳақида илмий тадқиқотлар олиб бориб қуйдаги илмий хулосага келдик ва ўзимизни илмий фаразимизни баён этамиз. (12-расм.)

12-расм. Нодир девонбеги мадрасаси.

¹⁰ И.А.Каримов “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар”, -Т.: Қзбекистон, 2000.- 3 б.


Бухородаги меъморий ёдгорлик. Бухоро хони Имомқулихоннинг вазири Нодир девонбегим (Нодир мирзо Тоғай ибн Султон) курдирган (1622-1623) Нодир девонбеги мадрасаси Лабиҳовуз мажмуасининг шарқий қисмида жойлашган. Дастлаб карвонсарой сифатида қурилган, хоннинг қарори билан мадрасага айлантирилган. Унда мадрасаларга хос айвон, масжид ва катта дарсхона йўқ, ҳовли атрофи 4 томондан 2 қаватли кичик хужралар билан ўралган. Хужраларга ўймақори усулида безатилган эшиклар, эшиклар тепасидаги табодонга панжаралар ўрнатилган. Ҳовлига пишиқ ғишт ётқизилган. Бош тарзи майдонга қараган. Олд томонида ҳовуз бор. Пештоғи ўзига хос маҳобатли ва серҳашамдир. Ундаги ўсимликсимон нақшлар орасида қуёшга интилаётган авсонавий хумо қуши ва оёғида олиб кетаётган оппоқ тўнғиз тасвири кошинкори безаклари ёрқин бўйёқларда акс эттирилган. Ҳошияларига, китобасига арабий ёзувлар битилган.

Хумо – афсонавий қуш бўлиб, бахту-иқбол рамзи ҳисобланади. Шунинг учун хумо тасвирини қадимдан амалий санъат турлари наққошлик, ганчкорлик, заргарлик, зардўзлик, каштачилигида кулолчилик каби турларида ҳамда меъморий безакларида рамзий ҳамда тумор сифатида фойдаланиб келганлар.(13-расм.) Бадиий адабиётларда ҳам хумо қуши қадимдан рамзий маънода ишлатиб келинган. Масалан Алишер Навоий ҳам «Лисон ут-тайр»да қушлар ҳақидаги халқ хаёлотини анъаналарига асосланади. Достонда айнан Хумо тимсоли ҳам яратилган. Шоир уни Хумой тарзда тилга олган. Хумо тасвири Ўзбекистон Давлат гербида бахт тимсолида ҳам олинган. Халқимиз орасида шундай гап борки, «Бу қуш кимнинг бошига соя солса, бахти чопиб у тожу тахт эгаси бўлади» дейдилар. Тасвирдаги хумо қушини харам лукма нафсидан ғалаба қилганлиги ва комиллик сари парвози акс эттирилган. Қаносдаги тасвирни симметрик жойлашиши тил билан дил бирлигини билдирса, яна инсонларнинг ҳаётида ҳошиш билан имкониятни уйғунликда келишини билдиради. Хумо қушининг баданидаги оқ халқалар коинотдаги сайёрлар рамзида ифодаланган. Хумо қушини думининг




13-расм. Нодир девонбеги мадрасаси қаносидаги безаклар.

Композиция заминида ўсимликсимон нақшларни спиралсимон ҳаракатда берилиши ва коинот ҳаракати билан уйғунликда ҳаракати.



14-расм. Комиллик йўлининг модели тасвирда кўриниши. А-комиллик нуқтаси, Н-ҳумо, S-тўнғиз.



15-расм. Комиллик модели.

Икки чархпалак (Хумо) динамикаси ойна аксидек тасвирланган. S-Комиллик нуқтаси, S1,S2 нуқталар-ҳаром луқма. S1,S2 чизиғи – ҳаёт чизиғи (яъни инсон туғилгандан то ўлгунча инсон ҳаром луқмадан эҳтиёт бўлишлигига ишора). тўлқинсимон ҳолатда акс эттирилиши, инсон ҳаёт йўли нотекислигини билдиради. Арқонсимон икки думи, ҳаётда инсонларни икки йўл борлигини, бири ҳалол, иккинчиси ҳаром йўлдир. Яъни инсонларни ёвузлик йўлини эмас, балки, эзгулик йўлида юришга чақирилади. Чунки, яратган ҳамма нарсани кўргувчи ва билгувчидир. Вақти келиб бу ўткинчи дунёда ҳар бир инсон қилган эзгулик ёки ёвузлик ишларига ажри мукофотини олади дейилади муққадас китобларимизда. Ушбу тасвирни комиллик модели орқали мантиқий ечими шакллар воситасида акс эттирилган. (14,15-расм.)

Тўнғиз-ҳаром луқма. Дунёда ҳар-бир жонзод рискни билан туғилади. Шу рискни топиб йишда эҳтиёт бўлингиз чунки луқма икки хил бўлад бири ҳалол иккинчиси ҳаром. Кимки ҳалол луқмага ҳаром луқмани аралаштирса оқибати ёмон бўлади деб такидланади муқаддас китобларимизда. Бу ҳақида кўплаб ривоят , мақол, ҳикоят ва бошқаларда ўз аксини топган.

Қуёш- комиллик даражаси. Руҳий поклик чўққиси. Қуёш ичида тасвирланган қиёфа “Аллоҳ ҳамма нарсани кўргувчи ва билгувчи” ояти қаримни рамзий маънода тасвирланган.

Ўсимликсимон нақшлар динамик ҳолатда берилиши, бутун олам спиралсимон абадий ҳаракатдан иборатлигини билдиради. Демак инсон ҳар доим комилликка даражасига интилиб, ҳаракат қилиб яшаши кераклигини билдиради. Оқ гуллар руҳий поклик рамзида берлган. Сарик гул эса зиё

гулларига ишора. Ҳаво ранг- тинчлик, коинот, чексизлик. Оқ гул- поклик, гўзаллик. Оппоқ тўнғиз- ранги оқ бўлсада лекин ҳаром луқма эканлиги яъни ҳамма нарсалар ҳам оппоқ бўлсада ҳалол луқма бўлмаслиги уқтирилади. Демак суратига эмас сийратига қара дейилмоқчи. Яшил ранг – табиатни, исломни билдиради. Инсонларни ислом йўлида юришларини ишора қилинган. Сарик ранг – зиёни, илмни билдиради.

Ҳулоса қилиб айтганда Ўзбекистон ҳудудидаги бизга қолдирилган аجدодларимизнинг маънавий меросидаги миллий тимсоллар ва рамзлардаги фалсафий асосларини илмий асосида ўрганиш, уларни замонавий цивилизация ривожига фойдаланиш ҳамда уларни келажак авлодга етказиш ҳар биримизнинг Ватан олдидаги бурчимиздир. Аждодларимиз келажакни ўйлаб ватанпарварлик руҳида ўз сармоясини аямаганлар. Бухорои Шарифда Нодир девонбеги мадрасаси пештоқидаги безакларни миллий тимсол ва рамзлар алифбоси асосида ўқисак комилликни асосий калити берилган экан. Яъни тасвирда рамзий куйдаги шиор ёзилганлиги бизга аён бўлди: **“Бу ўткинчи яъни синов дунёсида кимки, ўз нафсини ҳаром луқмадан тия олса, у дунёда энг бахтли инсондир.”** Бахтли инсон ким ўзи? “Кимки жамиятда инсонлар орасида ўзининг ҳалол меҳнати, ахлоқ-одоби, бошқалар билан одилона, ҳалол муносабати асосида обрў-эътибор орттирса, ўша бахтли одамдир”.¹¹

Ушбу шиор инсонларни эзгулик йулида юриб, ҳалол ризқни топиб, ўз нафсини тийиш кераклиги уқтирилади. Тасвирни фақат чиройлилигини эмас балки, гўзаллик қалбидаги ҳақиқатни ўқиб, уларни тарбиявий, фалсафий, руҳий ва шифовий қирраларини ёшларимизга етказайлик. Юксак маънавиятли ўқувчи-ёшларимиз бизнинг келажакимиздир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар”, -Т.: Қзбекистон, 2000.- 3 б.
2. Азимов И. Ўзбекистон нақшу ниғоралари. Т., Ғ.Ғулом ном. Адабиёт ва санъат нашрети 1987, 5-бет.
3. Булатов С.С., Жабборов Р. “Тасвирий санъат асарларининг фалсафий ва психологик таҳлили” (монография) “Фан ва технологиялар маркази Т.; 2010
4. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Т., Ғ.Ғулом ном. Нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009. 66-б.

¹¹ Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Т., Ғ.Ғулом ном. Нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009. 66-б.

Назорат саволлари

- 1.Шакл ва қиёфаларда иссиқ ва совуқ ранглар уйғунлигини ажратиб беринг?
- 2.Рангасвирда образ ва колорит ечими қандай акс этади?
- 3.Бадиий асарда ғоя ва фикр ечими ҳақидаги фикрингиз?
- 4.Мой бўёқли рангасвирга қайсилар киради?

2-мавзу: Амалий санъат асарларини бадиий таҳлил қилиш тамойиллари. (2 соат)

2.1. Амалий санъатда миллий тимсол ва рамзлар алифбоси.

1-жадвал

НАҚШ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ РАМЗИЙ МАЪНОЛАРИ

1. ГЕОМЕТРИК НАҚШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Т.р.	Рамзлар	Маъноси
1.	Нуқта	Ҳаётнинг бошланиши, тангрининг ягоналиги, ҳаётнинг тугаганлиги ва бошқа рамзлар
2.	Тўғри чизиқ	Ҳаётдаги тўғри йўл, ҳаётнинг равонлиги
3.	Тўлқин чизиқ	Ҳаётнинг нотекислиги, ойнанинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғулиги
4.	Олти қиррали юлдуз	Ҳаётнинг бошланиши ва охири
5.	Тик турган ҳолатдаги тенг томонли учбурчак	Ҳаётнинг бошланиши
6.	Тесқари турган ҳолатдаги тенг томонли учбурчак	Ҳаётнинг охири
7.	Тенг ёнли учбурчак	Яхлит бўлинган бўлак, айрилик, олам
8.	Тўғри тўртбурчак	Дунёнинг тўрт томони
9.	Ромб	Ишонч, аёл, яъни она ер, серфарзандлик
10.	Айлана	Олам, мукамаллик, бахт, ҳаёт, қуёш, инсонларни ёвуз ниятдан қайтариш рамзи, абадийлик, яъни олам доимийдир, лекин инсон умри ўткинчидир
11.	Беш қиррали юлдуз	Ҳаётнинг қисқалиги, беш кунлик дунё. Ислоннинг беш устун
12.	Ярим айлана	Бахт
13.	Янги ой	Ислон динининг ифодаси. Мусулмонлик
14.	Қуёш	Ҳаёт, ёруғлик, илиқлик
15.	Қуёш нури	Зиё

16.	Булут, олов	Ғолиблик, улуғворлик
17.	Кўшув белгиси	Дунёнинг тўрт томони, яъни шимол, жануб, шарқ ва ғарб. Туғилиш ва ўлишни англатади
18.	Квадрат	Дунёнинг, оламнинг чексизлиги, қуёш фарзанди, абадийлик, ёруғлик, мустаҳкамлик, борлик, ер-сув, олов ва ҳаводан иборат эканлиги, мукамаллик, тенглик, гўзаллик.
19.	Чархпалак	Омад, абадий ҳаракат, ўсиш, кўтарилиш
20.	Саккиз қиррали юлдуз	Мустаҳкамлик, «Икки дунёнинг обод бўлсин» дегани
21.	Бешбурчак	Табиат

2. ИСЛИМИЙ НАҚШ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ РАМЗИЙ МАЪНОЛАРИ

Т.р.	Рамзлар	Маъноси
1.	Чиннигул	Ҳаёт рамзи
2.	Узум	Тўкин-сочинлик
3.	Куртак	Тўкинчилик, баҳор, уйғониш, наврўз
4.	Боғлам	Бахт бойланиши
5.	Барг	Баҳорги уйғониш
6.	Қалампир	Ҳар хил ёмонликлардан ва ёмон кўзлардан асраш
7.	Зирк гули (гулсафсар)	Осойишталик ва умр узоқлик
8.	Анор	Эзгулик, тўқчилик
9.	Ойгул	Бахт, иқбол, гўзаллик
10.	Жингалак	Тўкин-сочинлик, бойлик
11.	Олма	Муҳаббат
12.	Навда	Бойлик, фаровонлик
13.	Япроқ	Баҳорги уйғониш, наврўз
14.	Атиргул	Гўзаллик рамзи
15.	Исирик	Ёмон кўздан асраш
16.	Лола	Баҳор белгиси
17.	Шобарг	Баҳорги уйғониш рамзи
18.	Тўлқинсимон гул пояси	Бойлик ва фаровонлик рамзи

3. ҚУШ ВА ҲАЙВОНЛАР

Т.р.	Рамзлар	Маъноси
1.	Шер	Мардлик, жасорат, кучлилик, ҳокимлик
2.	Тулки	Маккорлик, айёрлик

3.	Чумоли	Донолик, хокисорлик
4.	Булбул	Садоқат
5.	Хумо	Бахт куши
6.	Бойкуш	Бахтсизлик, вайроналик
7.	Балиқ	Ҳушёрлик, ҳалол луқма
8.	Сичқон	Уй ҳайвонларининг кўпайиш рамзи
9.	Эчки ва кўчқор	Жасурлик, мардлик, покизалик
10.	Ҳотам	Сахийлик
П.	Оқ кабутар	Тинчлик
12.	Оху	Гўзаллик
13.	Тухум	Бирлик
14.	Дев	Маккор, ғазабкор, бузғунчи махлуқ бўлиб, эзгуликка қарши курашувчи, ёмонлик, ёвузлик рамзи
15.	Илон	Ёмонлик
16.	Қуён	Зийраклик

4. БУЮМЛАРНИНГ РАМЗИЙ МАЪНОСИ

Т.р.	Рамзлар	Маъноси
1.	Тақа	Ёмон кўздан асраш рамзи
2.	Ойна	Кўнгил, софлик, акс
3.	Ёй	Ҳукмронлик, мустақиллик

5. РАНГЛАРНИНГ РАМЗИЙ МАЪНОЛАРИ

Т.р.	Рамзлар	Маъноси
1.	Яшил ранг	Она табиат, ислом рамзи
2.	Мовий ранг	Осмон, коинот, тинчлик, ёмон кўздан асраш рамзи
3.	Қизил ранг	Ғалаба, олов, илиқлик, хурсандлик, шодлик, қон
4.	Сариқ ранг	Муқаддаслик, ёруғлик, қуёш, кенглик
5.	Қора ранг	Мотам, чексизлик, мавҳумлик, кўрқув, тушкунлик, ноаниқлик
6.	Зангори ранг	Олий эътиқод
7.	Оқранг	Поклик, озодлик, ёруғлик, бахт, омад

Хуросоннинг хуштабиат аҳлидан ва пешволаридан бўлган ҳамда Мир билан доимо тегишиб қочирим сўзлар айтиб юрадиган мавлоно Бурҳон: – Мен мулоҳаза билан кўлимни тортиб, тилимни тиймоқчиман: мабодо агар сўз қотсам, ҳазрат Мир аразлайдилар ва юзларини буриштириб, қошларини чимирадилар, – деди.

Нозик табиатли ва Мир унга «Латифатарош» деб лақаб қўйган хуросонлик хушомадгўй мавлоно Бадахший бўлса:

– Эй мавлоно Бурҳон, агар беадаблик ва густоҳлик бўлмаганда, сувратдаги Мирнинг қўлларидаги ҳассани олиб бошингга солар эдим, – деди. Ҳазрат Мир:

– Азизлар яхши сўзлар айтишди ва маъно дурларини маъқул сочишди. Агар мавлоно Бурҳон ўша «номаъқул ишини раво кўрмасалар ва дағаллик қилмасалар, мен табоклардаги олтинларни дўстларнинг бошидан сочмоқчи эдим, – деди»¹².

Буюж соҳибқирон Амир Темур ҳам шаҳарларни ҳар томонлама чиройли ва улуғвор қилишга интиланган, тош ҳамда ғиштдан кенг ва равон кўчалар курдирган. Кўчаларда турли хил ҳунармандлар учун дўппичилик, мисгарлик, заргарлик, бешикчилик, пичоқчилик, бўйрачилик, саватчилик, гиламчилик расталари барпо эттирган. Темур Париж, Боғдод, Дамашқ, Шероз, Султония, Қоҳира номи билан аталувчи қишлоқлар, Боғи Нав, Боғи Беҳишт, Боғи Баланд, Давлатобод Сарой боғи, Боғи Чинор каби боғ-роғлар, ажойиб, улуғвор саройлар курдирган.

Жаҳонгир фатҳ этган ўлкалардан жалб этилган кўплаб меъмор-муҳандислар, ғишт терувчилар, ўймакорлик, наққошлик, ганчкорлик санъати усталарининг ижодий меҳнати, тажрибаси Темур пойтахтини жуда мухташам, гўзал, савлатли бинолар билан беаган.

«Самарқанд сўғдининг гўзаллиги ва латофати шу қадар машҳурки, бу ҳақда баҳс очишнинг ҳожати йўқ», – дейди Ҳофиз Абру¹³.

Руи Гонсалес де Клавихо «Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат»¹⁴ деб номланган кундалигида Шаҳрисабздаги Оксарой меъморий безакларини кўриб хайратланиб ёзган фикрларида шундай деган: «Қабулхонанинг деворларига олтин ва ложувард бўёқлар билан сайқал берилган. Бу ердан элчиларни юқори қаватга бошлаб чиқдилар. Бу қаватда бошдан-оёқ зарҳалланган бўлма ва ҳашаматли хоналарни шу қадар кўп кўрсатишдики, таърифни адо қилиб бўлмайди. Бўлма ва хоналарга зарҳал, зангори ва бошқа хил бўёқлар билан заргарона ҳал берилганки, чевар усталарга эга бўлган Париж ҳам бу нақшлардан хайратга тушиши ҳеч эмас. Шундан кейин подшоҳ ва маликалар истиқомат қилишига мўлжалланган бўлма ва ҳарамларни кўрсатдилар. Бу хоналарнинг деворлари, шифти ва таги ҳаддан ташқари ҳашаматли безатилган. Сарой тепасида ҳар хил ҳунарманд усталар ҳамон ишлар эдилар. Шундан кейин элчиларни подшоҳнинг ўз маликалари билан туришига ва базм ўтказишга мўлжалланган жуда кенг ва ҳашаматли залга бошлаб кирдилар. Унинг олдида мевали ва серсоя дарахатлар ўсган, ховузлар ва дид билан бунёд этилган майсазорлар мавжуд, катта боғ яшнаб турарди. Боққа кираверишда анча кенг майдон бўлиб, унда одамлар ёз

¹² Норқулов Н. Камолиддин Беҳзод. – Т., 1964. Б. 15–16.

¹³ Самарқанд. Кириш сузи муаллифлари В.А. Булатова, Г.В. Шишкина. – Т., ф.фўлом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. Б.19.

¹⁴ Руи Гонсалес де Кловихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат (1403–1406 йиллар). –Т.: Ўзбекистон, 2010. Б. 148–149.

ойлари сув бўйича, дарахатлар соясида ҳузур қилиб ўлтиришлари мумкин эди. Сарой шу қадар ҳашаматли қилиб қурилган эдики, уни тавсифлаш учун хоналарнинг ҳар бирини шошилмай кўздан кечирмоқ керак. Мазкур сарой ва масжид подшоҳ томонидан ҳозиргача қурдирилган энг улуғвор бинолар жумласидандир. Буларни подшоҳ шу шаҳарда дафн этилган ўз отаси шарафига қурдирган. Унинг ўзи ҳам шу шаҳарда туғилган.

Қуёш нури кўламида акс эттирилган шер тасвири қадимдан ишлаб келинган бўлганлигини Соҳибқирон Амир Темур даврида Кастилия ва Леоннинг улуғ ва қудратли қироли Дон Энрико III нинг элчиси Руи Гонсалес де Кловихо томонидан битилган кундалигида шундай дейилган: «Шаҳрисабздаги Оқсаройдаги эшикнинг тепасидаги деворининг ўрта қисмида қуёш нури кўламида акс эттирилган шер тасвири бор. Эшикнинг четларига ҳам худди шундай суратлар чизилган. Бу рамзий белги Самарқанд подшосининг расмий тамғаси ҳисобланади.

Мазкур сарой Темурбекнинг буйруғи билан қурила бошлаган, деб айтган бўлсалар-да, бироқ сарой қурилиши, фикримча, Самарқанднинг аввалги подшоси томонидан бошланган бўлса керак. Чунки юқорида кўрганамиз қуёш ва шер тасвири илгариги Самарқанд подшосининг тамғасидир. Темурбекнинг тамғаси эса уч халқа доирадан иборат.

Бу тамға, Темурбек – дунёнинг уч қисми подшоси, деган маънони англатади. Подшоҳ фармойиши билан бу тамға тангаларга ва бошқа салтанат буюмларига зарб этилган эди. Шу сабабли саройни Темурбекдан аввали подшо кура бошлаган, деб ўйлайман»¹⁵.

Таржимон профессор Очил Тоғаев Руи Гонсалес де Клавихонинг «Самарқандаг – Амир Темур саройига саёҳат» кундалиги (1403–1406 йиллар) китобдаги изоҳда ушбу рамзийлик ҳақида шундай дейди:

«Саройни Темурбекдан аввалги подшоҳ кура бошлаган, деб ўйлайман» –Клавихонинг бундай қараш баҳсли. Чунки Шаҳрисабздаги барча йирик меъморий қосоналар Амир Темур даврида, унинг раҳномолигида бунёд этилган. Жумладан, Оқсарой ҳам унинг пештоқида: «Бизнинг куч-қудратимизни кўрмоқчи бўлсангиз, қурган иншоотларимизга назар ташланг» деган сўзлар бежизга битилмаган. Тўғри, Клавихо сарой эшиги устидаги қуёш нури кўламидаги рамзий шер тасвири Амир Темур давридан аввал ҳам мавжудлигидан келиб чиқиб, шундай демоқда. Бу рамзий тасвир қадимдан бор. Айниқса, XIII асрда салжуқийлар султони Ғиёсиддин Қайхусрав (1237–1246) бу тасвирни тангага туширгач, у мусулмон дунёсида янада оммалашган. Кейинчалик элхоний хон Қозонхон (1295–1304), Улжойтухон (1304–1317), Абу Сайд (1317–1335) ва бошқа бир қатор Олтин Ўрда хонлари ўз тангаларида уни акс эттиришган. Бу тасвир XV–XVII асрларга келиб Эронда давлат гербида ҳам гавдалантирилган. Амир Темур ҳам шарққа хос бу рамзий тасвирни қадрлаган бўлиши мумкин»¹⁶.

¹⁵ Руи Гонсалес де Кловихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат (1403–1406 йиллар). -Т.: Ўзбекистон, 2010. Б.147–148.

¹⁶ Ўша ерда. 253–254-бетлар.

Дунёдаги энг кўхна шаҳарлардан бири – Самарқанднинг эски шаҳар маркази – Регистонда савлат тўкиб турган Шердор мадрасасига бир назар солайлик (8, 9, 10-расмлар). Унинг пештоқлари, баҳайбат гумбазлари ва чиройли минорлари, ранг-баранг сирли кошнлари ҳамда нафис, хашаматли, дабдабали ишланган жимжимали қопламаси кишини ҳайратга солади. Ушбу мадраса бошқа меъморий ёдгорликлар сингари ўз мазмун ва тарихига эга.



8-расм. Самарқанд. Регистон ансамбли (1417–1660).



9-расм. Самарқанд. Шердор мадрасасининг умумий кўриниши.

10-расм. Самарқанд. Шердор мадрасаси пештоқидаги безаклар.



1956 ва 1970

томонидаги пайтида сатҳининг аввалги 1976 йидда ортиқ тупроқ қадимий

йилларда Шердор мадрасасининг майдон пештоқ остини қазиб майдон қадимий пайраҳаси (ернинг сатҳи) топилди. Ниҳоят, бу майдондан 2 метрдан олинди. Майдоннинг

сатҳи очилди. Ана шу қазилма вақтида Мирзо Улуғбек мадрасасига киришдаги асосий равоқнинг энига тенг ва бино пойдеворидан олти метр нарироқда сунъий ҳовуз топилди. Ҳовуз деворлари ердан бир метр баландликда бўлиб, сув ўтмаслиги учун махсус қиринди қоришмаси билан тўлдирилган.

Тарихий маълумотларга кўра, бундай сунъий ҳовузга ҳар доим ниҳоятда тиниқ сув тўлдирилиб кўйилган ва ҳар хил рангдаги чиройли балиқлар ташлаб кўйилган. Бизнингча, бундай оқилона усулни яратишдан мақсад – аввало кошнлар қуёш таъсирида қизиб чакнамаслиги бўлса керак. Чунки сувнинг салқини жазирама қуёш таъсирини озайтиришга катта ёрдам қилади. Бундай тадбирнинг яна бошқа томони шундаки, қуёш нурига қарама-қарши турган пештоқдаги кошнлар ярақлашининг акси ҳовузга тушиб, ажойиб тасвир намоён бўлади. Шундай қилиб, қуёш пештоқдан ўтгунга қадар унинг акси пештоққа ишланган нақшда, нақшдаги акс эса ҳовуздаги сувга тушиб, гўё ерда ҳам, пештоқда ҳам қуёш ярақлаб чиқиб турган манзарани кашф

этади, лекин бу тадбирдан ҳам кўнгли тўлмаган хоқон қуёшнинг жазирама иссиғи кошинлар жилосига таъсир этмаслиги учун пештоқнинг энига баробар қилиб, замонасининг чиройли матоларидан жилд ҳозирлатиб, эрталаб қуёш чиқишидан пешингача пештоқни ўратар ва пешиндан кейин олдириб қўяр экан¹⁷.

Регистон майдонидаги Улуғбек мадрасаси, Шердор мадрасаси, Тиллакори масжид-мадрасаси Самарқанд меъморлари ижодий даҳосининг нодир намунаси бўлиб келмоқда. Бу улуғ ер заминида неча-неча мутафаккирлар, зиёлилар, алломалар, пирлар, устозу шогирдлар, олимлар қадамининг изи бор. Уч муборак обиданинг ҳар бири меъморчилигимиз дурдоналари бўлиб ҳисобланади.

Айниқса, Самарқанд ҳокими Ялангтўш Баҳодир ватанпарвар, фидойи инсон саналади. У Регистон майдонидаги Шердор ва Тиллакори мадрасаларини қурдирди. Улар Ўрта Осиё меъморчилик санъатининг мумтоз намуналари бўлиб қолди. Самарқандлик Ялангтўш Баҳодир ким бўлган ва ўзидан қандай маънавий мерос қолдирди?

Мусулмон астрономиясида қуёшнинг Асад буржида бўлиши, «Саъди замон», яъни бахтли замонга ишорадир. Бу тасвирлар салжуқийлар, илхонийлар сулолалари ҳукмдорлари даврида ҳамда XVI–XVII асрларда Эронда ҳам кенг қўлланилган бўлиб, тангаларда зарб этилган ва байроқларда акс эттирилган. Хатто, Амир Темур ҳам Шаҳрисабздаги (Кешдаги) Оксарой пештоқида шер билан қуёшни акс эттиришни буюрган. Шер билан қуёшнинг тасвирланиши ўзига хос рамзий мазмунга эга.

Қуёш оламни билдирса, шер – кучлилик, қудратлилик рамзида ишлатилган. Демак, бунинг рамзий маъноси «Буюк ва қудратли давлат» деган маънони билдиради.

«Тарихда уч машҳур ҳукмдор – Амир Темур, Улуғбек Мирзо ва Амир Ялангтўш Баҳодир ўзлари қурдирган меъморчилик обидалари билан Самарқандни «Ер юзининг сайқали»га айлантирган. Амир Темур Самарқандни пойтахтга айлантириб, нақшинкор бинолар силсиласини қуришни бошлаб берган бўлса, шаҳарнинг юраги ҳисобланган Регистон майдони Улуғбек Мирзо даврида вужудга келгандир. (У вақтда бу майдон «Сардавонак» деб аталиб, тахминан «Сари жўйи давонак» – «Тез оқар арик боши» маъносидадир). Улуғбек бу майдонда мадраса, хонақоҳ ва карвонсарой каби уч бинодан иборат ўзига хос обидалар гулдастасини яратади.

Ўз даврида, Ялангтўш Баҳодир ҳам Улуғбекнинг қурдирган бу бинокорлик мажмуасининг тузилишини бузмаган ҳолда, вайронага айланган хонақоҳ ва карвонсарой ўрнида Шердор ва Тиллакори мадрасаларини қурдиради. Кези келганда шуни ҳам айтиш жоизки, Тиллакори мадрасасининг масжиди ичкарасига сарфланган олтиннинг ўзига бир катта обида қуриш мумкин бўлган (шунинг учун ҳам Мадраса Тиллакори деб, яъни «Тиллодан ишлов берилган» деб аталгандир).

¹⁷ Ҳаққулов А. Таъмир санъати. -Т.: Меҳнат. 1991. Б. 52–53.

Шердор ва Тиллакори мадрасаларини қурдирган Ялангтўш Баҳодир бундан ҳам улуғвор обидалар бунёд этишга қурби етар эди. Бу сўзни шунинг учун ҳам келтираётирмизки, баъзи хорижий ва маҳаллий обидашуносларнинг фикрларича, Ялангтўш Баҳодир Улуғбек Мирзонинг обидаларидан фақатгина кўчирма олиб, гўё бошқача тусдаги обидалар яратишга унинг давридаги усталар қодир эмас эканлар. Ваҳоланки, Шердор билан Тиллакори мадрасалари Самарқанд шаҳрига зеб бериб турган энг кўркем обидалардандир. Ўзининг «Олчин» уруғини темурийларнинг «Барлос» уруғидан кам кўрмайдиган Ялангтўш Баҳодир камтарлик қилиб, темурийларга ҳурмат юзасидан, ўзининг обидаларига Улуғбек мадрасасининг тузилишини нусха қилиб олади, бошқача қилиб айтганда, у Регистон майдонида ҳар хил обидалар қуриб, аралаштириб юбормай, фақатгина бир хил обидалар гулдастасини барпо этишни хоҳлар эди¹⁸.

«Ялангтўшбий¹⁹ Баҳодир Саидқул ўғли, Ялангтўшбий, Ялангтўшбий оталиқ (1578.15.08–1656 йил) Нуротада Самарқанд – аштархонийлар давридаги ҳарбий-мулкдор зодагонларнинг йирик вакили. Олчин²⁰ қабиласидан. Нурота ҳокими оиласида туғилган. 1626 йилдан Самарқанд ҳокими. Шу йили унга оталиқ унвони берилади».

Самарқандлик таникли тарихчи, манбашунос олим Комилхон Каттаевнинг «Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед» деб номланган китобида Ялангтўш Баҳодир ҳаёти ҳақида қуйидаги қизиқарли маълумотлар берилган:

«Ифтихоримизга айланиб қолган кўплаб меъморилик обидаларининг бунёдкори бўлган Амир Ялангтўшбий Баҳодир Самарқанд тарихида жуда катта таъсирли из қолдирган машҳур манзур ҳоким бўлиб, унинг ҳаёти ва фаолияти Даҳбед билан узвий боғлангандир. У зодагон Олчин уруғининг пешволаридан бири бўлган Бойҳожибийнинг ўғли бўлиб, 12 ёшида аштархоний Динмуҳаммадхон лашқарига хизматга ўтади. Ўша даврларда отаси билан келиб, Хожа Ҳошимий Даҳбедийга (Ҳазрати Маҳдуми

¹⁸ Каттаев К. Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед. –Самарқанд: Суғдиёна, 1994, Б. 51–52.

¹⁹ Бий – 1) қабиланинг ёки қабилалар иттифоқининг бошлиғи, тўраси; 2) юқори мансабли кишиларни улуғлаш учун ишлатилган сўз ёки уларга белгиланган унвон; 3) кўчманчи ва ярим кўчманчи туркий халқларнинг уруғ оқсоқолларига берилган унвон. 17–19 асрларда бийлар йирик ўзбек қabila ва уруғларга бошчилик қилиб, фақат марказий ҳукуматга итоат этган; 4) Хива хонлигида оталиқлардан кейин келадиган мансаб. Абулғозий Баҳодирхон ўз ёнидан бийларга тўртта ўрин берган. Бийлар навкарларга саркардарлик қилганлар; 5) Бухоро хонлигида хизмат поғонасининг 9-мансаби; аморат паноҳ унвони бўлган. Бу унвонни олган шахс уни кейинги мансабларни эгаллаганда ҳам ўзида сақлаб қолган. (Ўзбек миллий энциклопедияси. -Т.: Ўзбек миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2001. 2-том, 21 -бет.).

²⁰ Олчин, алчин – бир қанча туркий халқлар таркибига кирган йирик қабил аиттифоқи. Олчинлар қадимги туркий халқлардан бўлиб, милонинг бошларида Олтойда ва Иртиш дарёси яқинидаги чўлларда яшаганлар. Кейинчалик (6-а.дан) Турк ҳоконлиги, Кимақлар давлати, қипчоқлар иттифоқи ва бошқалар таркибида бўлган. Мўғуллар давлати парчаланиши билан олчинлар Нўғай Ўрда ва 16-асрлар ўрталарида эса қозоқ халқи таркибига кирган. Олчинларнинг айрим гуруҳлари бошқирд, Қозон татарлари, Крим ва Шим, Кавказ нўғайлари ва қорақалпоқлар, кичик бир қисми ўзбеклар таркибида ҳам бор. 1926 йил маълумотларига кўра, Бухоро воҳасида (2525 киши), Кармана атрофида (750 киши) ва Қашқадарёнинг қуйи оқимида (Олчин қишлоғида, 300 киши) яшаганлар. Олчинлар алимўали, байули, жетиуру қабилаларига, буларнинг ҳар бири, ўз навбатида, яна бир қанча уруғларга бўлинган. (Ўзбек миллий энциклопедияси. -Т.: Ўзбек миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2003, 2-том, 534-6).

Аъзамнинг набираларига) кўл бериб, мурид бўлади ва унинг тарбиясига киради. Кейинчалик Нақшбандия тариқатининг ўз замонасидаги раҳбари бўлган Хожа Ҳошим ёрдамида Самарқанд тахтини эгаллайди.

Серғайрат саркарда Ялангтўш Баҳодир Бухородаги марказий ҳокимиятга деярли бўйсунмаган. Унинг сўзи аштархоний ҳукмдорлар учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган, у бир неча маротаба мустақил равишда хорижий давлатларга, жумладан, Эроннинг Хуросон вилоятига, Афғонистонга юришлар уюштирган эди. Бундан ташқари, Тошкент ва Туркистон ерларига ҳам сафар қилиб, у ердаги маҳаллий низоларни тинчитган. Умуман олганда, Бухоро давлати лашкарбошиси лавозимида Ялангтўш Баҳодир турган эди, десак адашмаймиз. Шу туфайли кўпгина кўшни подшоликлар Ялангтўшга совға-салом юбориб туришган. Хориждаги юришлардан у кўпгина асир ва хазиналар билан қайтар эди. Хазина тўлғач, у бинокорлик соҳасида ўзини теурийлардан кам кўрмаган ҳолда бойликларини мадраса-ю масжидлар қуришга сарфлади. Қурилишни эса ўзининг пири Хожа Ҳошими Даҳбедийнинг бобоси Маҳдуми Аъзам шарафига Даҳбедда даҳмали хонақоҳ, икки масжид ва 40 дан зиёд хужраси бўлган Мадраса қуришдан бошлайди (мадраса ҳозирги «Ойбарчин» универмаги ўрнида қурилган эди).²¹

Ялангтўш Баҳодир ободончилик, қурилиш ишларига катта эътибор берган. Жумладан, Самарқанддаги Шердор мадрасаси (1619—1636), Тиллақори масжид-мадрасалари (1646—1660), Маҳдумкули Аъзам масжиди, хонақоси (1618) ва бошқаларни қурдирган»²². 1619 йили Шердор мадрасасини Ялангтўш Баҳодир қурдиради. «Ялангтўш қудратининг рамзи Мадраса равоғида қараб турган икки қуёш тагида оҳуларга ҳамла қилаётган шерлар тимсолида ифода этилган. Мадраса самарқандлик меъмор Абдулжаббор²³ лойиҳаси бўйича 19 йил давомида қурилган, уни меъморий безак устаси Муҳаммад Аваз зийнатлаган»²⁴. Уларнинг номлари қираверишдаги мрамор панжарали деразанинг пештоқиға ёзиб қўйилган.

«Улуғбек мадрасаси қаршисига XVIII асрда қурилган Шердор мадрасаси ва тўрдаги Тиллақори масжид-мадраса меъморларнинг доно ижодининг мевасидир. Регистон архитектура ансамбли сифатида асосан бир ижодкор – меъмор Абдулжаббор иродаси ва ижоди билан бунёдга келди». Меъморнинг исми китобларда ҳурмат билан тилга олинди, лекин уни қайси хужжат асосида аниқланди, бу ҳақда ҳалигача тўлиқ маълумот эълон қилинмаган.

Шердор мадрасаси буюк пештоқи, икки қанотдаги пилтавор гумбазлари, бурчакдаги миноралари билан жуда улуғвор ва маҳобатли. Буюк равоқ ҳошиясидаги морпеч, тепасидаги безаклари жозибали. Айниқса, одам башараси қиёфасидаги қуёш, ислимий нақшин – чаманзору чангалзор орасида оҳуни қувлаб кетаётган шерсимон йиртқич тасвири (кошин) парчалари билан териб ясалган деворий монументал санъат асарининг ёрқин

²¹ Каттаев К. Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед. –Самарқанд: Суғдиёна, 1994, Б. 49–50.

²² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд, 2005, 232-бет.

²³ XVII асрда яшаб ўтган меъмор Абдулжаббор. Шердор мадрасасининг меъмори (1619–1636).

²⁴ Самарқанд. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1986, 118-бет.

намунасидир. Диний даргоҳда шундай расмнинг ишланиши меъморнинг улуф жасорати десак хато бўлмайди. Чунки диний жаҳолат авжига чиққан, ҳар қандай тасвирий санъат таъкиб этилган даврда рамзий тасвир ишлаш учун довурак ижодкор бўлиш керак эди.

Равоқ ичкарасидан кошинкор муқарнас ўртасида тўқ қора заминли оқ ёзув кўзга ташланади. Бу меъморнинг дастхат муҳридир; яъни «Ҳазо алиморат бинсанъа-устод мулло Абдулжаббор меъмор».

Араб тилидан таржима этилса: «Бу иморат устод мулло Абдулжаббор санъатидир».

1619 йилда (1028 хижрий) Самарқанд ҳоқими Ялангтўш Баҳодир буйруғи билан қад кўтарган улкан иморат (1619—1635) ўша даврнинг билимдон фозилларидан саналган меъморлар устоди Абдулжаббор томонидан бунёд этилган.

Бундан 15 йилча муқаддам таъмирловчи уста Иброҳим Шермуҳамедов Мадраса пештоқини таъмир этаркан, кошинкор безак ичидаги бошқа бир кичик ёзувга эътиборини жалб этди. Баъзи намуналари, кошинлари тўкилиб кетганлиги учун ёзувни дастлаб ўқиш қийин бўлди. Диққат билан текшириш натижасида қуйидаги сўзлар аниқланди: яъни «Ин амал Муҳаммад Аваз Самарқандий». (Бу Муҳаммад Аваз Самарқандий ишидир.) XVIII аср ўрталарида ижод этган Ўрта Осиё тасвир усталари Муҳаммад Амин, Муҳаммад Муқим, Муҳаммад Шариф каби мусаввирлар қаторида Муҳаммад Аваз (ёки Аваз Муҳаммад) номи ҳам машҳур бўлган. Аваз Муҳаммад қилқаламига мансуб расмлар Низомийнинг «Хамса» (1669 йилда кўчирилган), Саъдийнинг «Бўстон» асарлари (1649 йилда кўчирилган) ичидан топилди. Бизнингча, Шердор мадрасаси безакларида қатнашган Муҳаммад Аваз Самарқандий саройда мусаввир ва наққош вазифасини бажарган бўлса керак.

Устод мулло Абдулжаббор меъмор ҳамроҳи, балки шогирди Муҳаммад Аваз номи ҳам Шердор мадрасаси ижодкорлари қаторидан ўрин олади. Муҳаммад Авазнинг мусаввир наққош бўлганлиги эса, унинг Шердор пештоқидаги қуёш, шер ва оху тасвирларини яратишда бевосита иштироки бўлса керак, деган тахмин асос бўлади. Келажакдаги текширишлар бу каби тарихий муаммоларнинг сирини очишига ишонамиз»²⁵ дейилади.

«Мадраса деворлари ва гумбазларида Қуръони каримнинг еттидан бир қисми ҳисобидаги оятлар ва Ҳадиси шарифдан ҳам калималар келтирилган.

Ялангтўш Баҳодир даврида маданият ниҳоятда ривожланиб, ўнлаб обидалар қурилди. Ялангтўшдан ўрнак олган сарой аъёнлари ва уламолар мадрасалар, масжидлар, ҳаммомлар, хонақоҳлар қураб эдилар.

Подшоликдан кўра, бинокорлик ишларини афзал кўрган Ялангтўш Баҳодир 1656 йилда вафот этади. Ўз васиятига кўра уни Даҳбеддаги Махдуми Аъзам хонақоҳига, пири Хожа Ҳошими Даҳбедий (Махдуми Аъзамнинг неваралари) қабрининг оёқ томонига дафн этишади.

²⁵ Зоҳидов П. Зеб ичра зийнат. -Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. Б. 103–104.

Амир Ялангтўш шундай васият қилган экан: «Мени пирим Ҳазрати Хожа Ҳошими Даҳбедийнинг оёқ томонларига кўмингиз; пиримни зиёратларига келувчилар менинг қабримни босиб ўтишсинким, мен пиримга ярашгулик унчалик хизмат қила олмадим!» Ялангтўш Баҳодирнинг қизлари – малика Иқлимабону ва малика Ойбибининг қабрлари ҳам отаси қабри каби Даҳбед хонақосидадур.

Самарқандни Амир Темур ва Мирзо Улуғбеклар каби бинолар куриб, шуҳратига шуҳрат кўшган вилоят ҳокими Амир Ялангтўшбий Баҳодирдек серғайрат саркарда, шу билан бирга камтарин бинокор инсон Ўзбекистоннинг янги тарихий китобларида ўз ўрнини ҳозирча топа олганича йўқ.

Совет даври китобларида эса уни золим, мадрасаларни қон тўкиб қурган, деган нотўғри фикрлар айтилган. Ахир, золим ва қонхўр ҳукмдор бўлса, унинг даврида маданият, маърифат ва диний, илмий аҳамиятга эга бўлган обидалар қурилармиди?!»²⁶.

Шердор мадрасаси XVII асрнинг биринчи ярмида, яъни 1619–1636 йилларда қурилган. Меъмор Мадраса пештоқига қуйидаги шеърни жимжимадор қилиб ёзиб, беаган:

«Шижоатли амир Ялангтўш одил,
Камолин мадҳида дурлар сочар тил:
Ер нуқтасин осмон авжидан авфо –
Кўтариб Мадраса эттирди бино,
Еру кўк зийнатин бўлди ялови.
Тоқиси – камолот, ақл ўлчови.
Кўп тиришиб, илмдан боғлаб ҳам қанот,
Ақлнинг лочини ечолмас, ҳайҳот!
Минора учига ташлаб ҳам каманд,
Фикрнинг дарвози чиқолмас ҳарчанд.
Тоқига муҳандис берганда орой,
Осмон бармоқ тишлаб, деди: «Янги ой!?!»
Ялангтўш Баҳодир» – тарихига мос»²⁷.

Шеърнинг маъноси қуйидагича: Одил ва мард саркарда Ялангтўшнинг қилган ишлари ва эришган ютуқлари эл орасида дostonдир. У дунёнинг бир нуқтасида осмонўпар бир мадраса қурдирдики, бутун олам гўзаллигининг гавҳари бўлди. Мадраса пештоқи комиллик чўққиси бўлиб, у ақл ўлчови мезонидир. Ҳар қандай ақл-заковатли инсонлар ҳам битилган ҳикматлар сирини ечолмас. Бу безаклар қалбидаги гўзаллик, оламда юксак янгилик бўлди. Ялангтўш Баҳодир қилган эзгу амаллари билан тарихда ўчмас из коддирди.

Мадраса икки қаватлидир. Бош тарзидаги пештоқнинг икки ёнига гулдаста ишланган. Пештоқ ичкарасига кошинкори безак орасида қора заминли

²⁶ Каттаев К. Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед. –Самарқанд: Сўғдиёна, 1994. Б.53.

²⁷ Крюков С. Регистон. -Т.: Ўзбекистон, 1965, Б. 3.

кошинга оқ харфлар билан меъмор Абдулжаббор номи ёзилган²⁸. Мадраса пештоқи симметрик қилиб рамзий нақшлар билан безатилган. Унда қизғиш-зарҳал Шер нозик оқ оху боласини қувиб кетаётгани тасвирланган. Одам қиёфали Қуёш эса зарҳал ёғду билан хошияланган. Улар атрофига нақшу нигорлар чизилган. Қизиги шундаки, кўпгина олимларимиз ўзларининг асарларида «Ислом дини авж олган бир даврда ҳар қандай жонзот, хусусан, одам тасвири қатъиян ман этилган, деб юритганлар²⁹. Ваҳоланки, муқаддас китобимиз Қуръони карим ва Ҳадиси шарифда бунинг ман этилган жойи йўқ. Фақат санамларни яшаш тақикланган. Шунинг учун биз тирик мавжудотларни тасвирлаш ман этилган, деган фикрга қўшилмаймиз. Чунки, сақланиб қолган тарихий ҳужжатлар бу фикрни инкор этади. Масалан, XV–XVII асрларнинг турли адабий ва тарихий асарлари (XV–XVII асрдаги «Шоҳнома»нинг жуда кўп қўлёзмалари, XV асрдаги «Зафарнома» ва бошқалар)даги миниатюраларда дунёвий ҳаёт, меҳнат ва манзаралар ўз аксини топган. Деворларида турли жониворлар расми тасвирланган, лекин йўқ бўлиб кетган меъморчилик обидалари ҳам бунга гувоҳлик беради.

«Меъморчилик ёдгорликларининг баъзи фасадларида жонли мавжудотлар тасвирланган кошинли ва сирли намоёнлар ҳозирга қадар сақланиб қолган. Масалан: Шаҳрисабздаги Оқсарой (1380–1405 йил) пештоқидаги шерлар расми солинган намоёнлар билан безатилган. Анов масжиди (1456 йил) пештоқининг равоғи тепасида аждарлар тасвирланган тимпан бўлган. Бухородаги Нодир Девонбеги мадрасаси асосий фасадининг айвони юқорисига лайлақлар расми солинган ва ҳоказо».

«Тарихнавис Шарафиддин Али Яздийнинг таъкидлашича, Самарқанд яқинидаги 1397 йилда қурилган Боғи Дилкушонинг девор бурчлари тепасида кабутарга ҳамла қилган бургутнинг ҳайкалсимон тасвири бўлган. Шаҳрисабздаги Оқсарой (1380–1405) пештоқидаги шер тасвирини испан элчиси Р.Г. Клавихо кўрган экан. Қадимги Анов (Обинав) манзилидаги меъморий ёдгорлик (XV аср) пештоқида афсонавий аждаҳоларнинг тасвири жуда яхши сақланиб қолган эди, афсуски, 1948 йил зилзиласи вақтида бутунлай бузилиб кетган. Бухоро шаҳридаги Нодир Девонбеги мадрасаси (1622) пештоқида афсонавий семурғ тасвирини ҳозир ҳам кўриш мумкин. Ўратепадаги (Тожикистон) бир мадраса пештоқида қандайдир афсонавий махлуқ тасвири бўлган. Хуллас, монументал иморатлар пештоқларида тасвирий безаклар берилиши XIV–XVII асрлар ёдгорликларида нисбатан оз бўлса-да, учрайди³⁰.

Уста мулла Абдулжаббор нафақат нақш тилини, балки гўзаллик фалсафасини, рамзийликни билган ва мустақил ижодкор уста бўлган. Бундай тасвирнинг улкан бино пештоқида ишланиши билан меъмор қандай мақсадни назарда тутган экан? Бу масалада ҳозиргача тайин аниқлик йўқ. Шу ҳақда тўхталиб ўтмоқчимиз.


²⁸ Зоҳидов П. Зеб ичра зийнат. -Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. Б.103.

²⁹ Крюков С. Регистон. (Самарқанд архитектура ёдгорликлари). – Т.: Ўзбекистон, 1965. 9-б.

³⁰ Зоҳидов П. Меъмор олами. – Т., Қомуслар бош таҳририяти, 1996. 230-б.

Таниқли олим, академик Пўлат Зоҳидов ўзининг «Меъмор олами» китобида Шердор мадрасасининг беағи ҳақида шундай дейди: «Самарқандлик олим Абу Тоҳирхўжа XIX асрнинг 30-йилларида ёзган «Самария» китобида Шердор мадрасаси пештоқидаги тасвирларни бир оз бошқача талқин қилади. У тасвир мазмунини мусулмон астрологиясида кенг тарқалган осмондаги юлдуз буржлари билан боғлаб таърифлайди. Абу Тоҳирхўжанинг айтишича, хуршид – қуёш шакли Шер буржи (юлдузлар туркуми) билан қўшилиб кетган: оҳуни тутмоқчи бўлган Шер ҳамласини қуёш нурларининг тиғи қайтармоқда. Гўёки, нур – зиё офатни даф этмоқда. Ҳар ҳолда, ижодкорлар чуқур ғоявий фикрни рамзий тахлитда беришгани кўриниб турибди. «Лекин, – дейди Пўлат Зоҳидов, – ҳозирча, тасвирнинг талқини ҳақида бошқа бирор аниқ тарихий маълумотга эга эмасмиз»³¹. Ҳақиқатан ҳам ҳозирга қадар Шердор мадрасаси пештоқида безатилган нақш композицияси қиёмига етиб талқин қилиб берилмаган. Чунки, Шердор мадрасаси пештоқи беағидаги мазмун ечимини топиш жуда мураккабдир. Пештоқда битилган шеърнинг ушбу қисмига алоҳида эътибор қаратайлик:

Унда битилишича, мадраса пештоқи комиллик чўққиси бўлиб, у ақл ўлчови мезонидир. Ҳар қандай ақл-заковатли инсон битилган ҳикматни еча олиши жуда мушкул. Шердор мадрасаси пештоқидаги безак мураккаб композиция бўлиб, уни таҳлил қилиш ва ундан тўғри хулоса чиқариш учун санъатшунос олим бир қанча илм турларидан хабардор бўлиши лозим. Масалан, безакни таҳлил қилиш учун олим нақш санъатини юқори даражада билиши, шу билан бирга астрология, психологиянинг икки тармоғи бўлмиш «Физиогномика» (қиёфа илми), ранг психологияси, рамзийликни ҳамда тасаввуф илмидан хабардор бўлиши талаб этилади. Демак, меъмор-наққош Абдулжаббор юқорида айтиб ўтилган илмлардан хабардор бўлгани ўз исботини топади (11-расм).



³¹ Ўша асар. 230-6.

11-расм. Шердор мадрасасини безаган меъмор-наққош Абдулжаббор ва наққошлар юқоридаги илм турларини пухта билганлар.

Ялангтўш Баходир ақл-заковатли инсон бўлиб, ўз бойлигининг кўпгина қисмини халқ фаровонлиги учун сарфлаган. Бунга Шердор мадрасаси ҳамда Тиллақори масжид-мадрасаси ва бошқалар мисол бўла олади.

У ўз халқи учун сармоясини аямади. Ватанпарвар инсон узоқни кўзлаб, халқини зиё (илм) олишга ундайди. Зиё орқали инсонларни руҳий покликка, руҳий поклик орқали комилликка эришади, деган фалсафий фикрни илгари суради. Шунинг учун у меъмор Абдулжаббор олдига шундай вазифа қўядики: «Бўлажак мадраса пештоқида шундай тасвир ишлаш керакки, бу нақш биринчидан, безак қалбидаги гўзалликни акс эттириш шарт. Чунки ўзи ҳам, қилган амали ҳам гўзал бўлиши керак. Иккинчидан, бу тасвир орқали инсонларни зиёли бўлишга, яъни зиё орқали руҳий покликка, руҳий поклик орқали комилликка эришиш мумкинлигини кўрсатиш, учинчидан, менинг ҳақимда, яъни нақш тили билан яшаган давримни ҳамда менинг суратимни ва сийратимни баён этгин», деган, вазифани қўяди. Абдулжаббор ушбу вазифани етук наққошлар гуруҳи билан маслаҳатлашиб, ажойиб, мукамал композиция тузадилар ва ўз олдиларига қўйилган мақсадга эришадилар. Шердор мадрасаси пештоқидаги композицияни юқоридаги рамзий ечимда амалга оширадилар (12-расм).

2.2 Амалий санъат асарларида миллий тимсол ва рамзларнинг қўлланилиши.

БЕЗАКЛАРНИНГ БИРИНЧИ ҚАТЛАМИ МАЪНОСИ ВА ҲИКМАТИ

Меъмор Абдулжаббор Шердор мадрасаси пештоқини меъморчиликдаги бетакрор нақшлар билан безаб, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини тасвирлайди. Ерга иссиқлик ва ёруғлик бериб турувчи қуёшни, комил инсонни акс эттиради (13-расм). Безак қалбидаги гўзалликни чизиқ, шакл ва ранг тили билан халқига етказди. Ушбу гўзаллик инсонларнинг руҳини кўтаради, қалбида ҳаётга муҳаббат уйғотади. У инсонларни эстетик ва ахлоқий руҳда тарбиялайди. Симметрик нақш гўзаллиги орқали инсоннинг тил гўзаллиги билан дил гўзаллиги ҳар доим мос келиши кераклиги тараннум этилади. Бу нақшинкор безаклар инсонларни фоний дунёда гўзал амаллар қилишга, фақат эзгу ишлар билан шуғулланишга ундайди. Кимдандир боғ, яна кимдандир мадраса, масжид, кўприк, шогирд, илм, китоб ва бошқалардан эзгулик қолиш фарзлигини нақш тили билан сўзлайди. Энди тасвирдаги шакл ва рангларни рамзий маънода ўқиб чиқамиз (14-расм).

Ислимий нақшлар – она табиат, табиатнинг гўзаллиги, ноз-неъматлар. Тўлқинсимон ислимий нақш ҳаётнинг нотекислиги, ойнанинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронғу. Буларда ҳикмат аломатлари бор. Инсоннинг куни ва туни, вақтнинг ўтишини, яъни умр ўтишини рамзий англатади. Шунинг учун инсон ҳар бир дақиқани ғанимат билиши шарт.

Оқ гуллар орқали табиатни покиза сақлашга, инсонни рухий покликка ундайди.

Яшил ранг – ислом дини, эътиқоди, имон бутунлиги, улуғлик, валийлик рамзи, табиатни, она ерни билдиради.


Ҳаво ранг – коинот чексизлиги, тинчлик, ёмон кўздан асраш рамзи эканлигини англатади.

Сариқ, зарғалдоқ рангли гул – зиё, гўзаллик, дунё гўзаллиги, қалб гўзаллиги.

Ҳаво рангли навда – инсон ҳаёт чизиғининг ниҳоятда нотекислигини англатади.

Сарғиш зарғалдоқ рангли навда – инсонларнинг зиё йўлида юрган ҳаёт чизиғини ва бу йўл олтинга ўхшаш гўзаллигини билдиради.


Намоён – кўриниш, комиллик, яъни инсоннинг мустақил комилликка эришганлик даражасини кўрсатади.



12-расм. Шердор мадрасаси безакларининг уч вазифаси.



13-расм. Шердор мадрасаси пештоқидаги безаклар.



14-расм. Кластер усулида ислимиий нақшларни ўрганиши.

БЕЗАКЛАРНИНГ ИККИНЧИ ҚАТЛАМИ МАЪНОСИ ВА ҲИКМАТИ

Иккинчи масала, яъни инсонлар зиё орқали рухий покликка, рухий поклик орқали комилликка эришади, деган ғоянинг ечими қуйидагича:

Жониворсимон композицияга зехн билан қарасак, биринчи Шер, иккинчи куёш, учинчи оху, тўртинчи нақшлар ичидаги намоён кўзга ташланади.

Оламда Аллоҳ жонзотлар ичида энг ақдли ва кучли қилиб инсонни яратган.

Шундай экан, ҳайвонот оламида энг кучли килиб Шер эркагини олади.

Йўлбарс танаси эса эпчиллик рамзи сифатида олинади. Аслвда, дунёда


йўлбарс танали шер йўқ. Шерсимон йўлбарс инсон образида акс эттирилган.

Куёш нурлари зиё, яъни илм рамзида фойдаланилган. Оху боласи эса рухий


поклик ўрнида тасвирланган. Намоён эса энг юқорида яшил ва олтин рангда безалган.

Намоён нақшининг рангларини таҳлил қилсак, сарғиш зарғалдоқ ранг – зиё, оқ ранг – руҳий поклик, яшил ранг – валийлик, ҳаво ранг – тинчлик ва хотиржамлик, яъни ҳамма рангни қўшиб ўқисак, комиллик даражаси деган маънони билдиради (15-расм). Намоён комиллик даражаси рамзида ишлатилган. 16, 17, 18, 19, 20-расмларда кўрсатилганидек, инсон зиё (илм) орқали руҳий покликка эришади, руҳий поклик орқали эса комиллик даражасига эришади. Олтин нурларини шерда, қуёшда, ислимий нақшда ва намоёнда кўриш мумкин. Инсон зиё орқали оламни билади ва ўзлигини англайди.

Бу рамзий нақшлар тилсиз овозда илм ҳақида бундай дейди: Аллоҳ таоло Одамга турфа илмларни ўргатган ва бошқа мавжудотлардан фарқлаган.




15-расм. Намоён нақшининг рангларининг илмий таҳлили.



16-расм. Шердор мадрасаси пештоқлари намоёни таҳлили:

1 – эркак шер боши; 2 – зулуксимон қора шакллар; 3 – шернинг оёғи; 4 – шернинг қулоғи; 5 – шернинг тиши; 6 – шернинг сочи; 7 – шернинг қорни; 8 – шернинг думи; 9 – оҳу; 10 – инсон пешонаси; 11 – қуёш нури; 12 – қошнинг қовоғи; 13 – қора соч; 14 – сочнинг гажаги; 15 – инсон яноғидаги холлар; 16 – намоён; 17 – тилла рангли ислимий нақшлар; 18 – оқ ранг; 19 – яшил ранг; 20 – хаворанг; 21 – шернинг тирноғи; 22 – инсон қоши; 23 – инсон бурни; 24 – оқ нуқталар; 25 – шернинг тили; 26 – шернинг кўзи; 27 – шернинг соқоли; 28 – инсон лаби.




17-расм. Мадраса пештоқ беагидаги фалсафий ғоянинг схематик акс этирилиши. Яъни инсон зиё орқали руҳий покликка эриша олади. Руҳий пок инсон комил инсон ҳисобланади.


Илк ояти калиманинг «Ўқи», дея нозил бўлиши Иломда илмнинг юксак мавқега эғалигидан далолат беради. Ҳар бир мусулмон шу туйғу билан ҳаракат қилади. Билмаганларини билиш учун умр бўйи интилади. Инсон илм йўлидан юрса юксалади, акс ҳолда тубанликка юз тутаяди. «Замахшарий бу ояти калимани тафсир қилар экан, шундай дейди: «Аллоҳ таоло инсонларга билмаганларини ўргатиш учун илк оятда «Ўқи» калимасини индирди. Бу эса илоҳий ваҳийнинг илмга берган буюк баҳосидан далолат. Аллоҳ инсонларни жаҳолат ботқоғидан илм йўли билан зиёга чақиради ва уларга буюк неъмат сифатида бу илмларни ёзиш имкониятини ҳам берди»³². Ўқиганлар ва илм сари интилганлар ҳақиқатга эришади. Шу жиҳатдан олим киши жуда гўзал мавқега эга бўлади. Жоҳил эса тубанликка юз тутаяди. Аллоҳ таоло Зумар сурасининг 9-оятда бу хусусида: «Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми?!» дейди.

Алақ сурасининг 1, 2, 3-оятларида: «(Эй Муҳаммад, бутун борликни) яратган зот бўлмиш Роббингиз номи билан ўқинг! (У) инсонни лахта қондан яратди. Ўқинг, Роббингиз эса қарамли зотдир», дея марҳамат қилинади. Бу Расулulloҳ (с.а.в.)га ваҳий бўлган илк оятлар, шунингдек, Исломиётнинг илмга бўлган юксак эътиборидан далолат беради. Расулulloҳ (с.а.в.) ҳам ҳадисларида «Бешиқдан то қабргача илм излангиз», – дея буюрганлар.


³² Исломиёт ва илм. Мусанниф: Салоҳиддинова М. –Т.: Мовароуннаҳр, 2004. Б.9.



18-расм. Шердор мадрасаси пештоқдаги безаклар элементларининг илмий таҳлили.



19-расм. Шердор мадрасаси пештоқидаги нақшларнинг тарбиявий аҳамияти чизма асосида акс эттирилган. Безакларни нақш тили билан ўқисак, унда «Инсон умри давомида зиё орқали руҳий покликка эришади, сўнгра у комиллик даражасига етади» деган фалсафий ғояни илгари сурилган.



20-расм. Инсон зиё орқали руҳий покликка, руҳий поклик орқали комиллик даражасига эришиши мумкинлигини ранглар орқали тасвирлаш модели

Шердор мадрасаси пештоқи безагидаги элементларни бирма-бир чизиб келтириб кўрамиз (21-расм). Шердор мадрасаси пештоқидаги тасвирларнинг ҳар бири бўлақларга бўлиниб, уларнинг элементлари яна бир тизим асосида ёритиб берилган. 2-жадвалда эса баъзи элементларнинг рамзий маънолари қисқача кўрсатиб ўтилган.


Биз учун бу безакдаги ҳар бир нуқта, шакл ёки рангларда ўзига хос ҳикматлар борки, уларни нақш тили билан ўқиш ва улардан тегишли хулосалар чиқариш мумкин.

Инсон илм орқали комилликка эришиш учун Аллоҳ яратган бу ҳикмат дурдоналаридан тўғри фойдаланиши лозим. Бу гўзаллик қалбидаги ҳикматларни бирма-бир ўқиб чиқамиз:

2-жадвал


**ШЕРДОР МАДРАСАСИ ПЕШТОҚ БЕЗАГИДАГИ
ЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ РАМЗИЙ МАЪНОЛАРИ**

№	Рамзлар	Рамзий маъноси
1.	Шернинг боши	Кучлилик ва донолик рамзи ҳамда Ялангтўш Баҳодир буржи
2.	Йўлбарс танаси	Эпчиллик рамзи ҳамда Ялангтўш Баҳодир мучали
3.	Шернинг оёқлари	Мустаҳкам кучга ва аждодларнинг катта маънавий ҳамда моддий асосга эгаллиги
4.	Ёши катта шер	Улуғлик, донолик, ақллилик
5.	Шернинг қулоғи	Ҳушёрлик рамзи
6.	Шернинг тиши	Тафаккурнинг ўткирлиги
7.	Шернинг эркаги	Ҳоким Ялангтўш Баҳодир қиёсланган
8.	Шернинг баданидаги қора чизиқ ва оқ нуқталар	Ҳаёт ёвузлик ва эзгуликдан иборат эканлиги
9.	Шернинг думи	Улуғворлик рамзи
10.	Оҳу	Рухий поклик
11.	Қуёш	Ҳаёт, ёруғлик, жўшқин ҳаёт, давр, яна Ялангтўш Баҳодирнинг қуёш соҳиби эканлиги
12.	Қуёш нури	Нур, зиё, яъни маърифат, билим тарқатувчи
13.	Инсон қиёфаси	Аллоҳ ҳамма нарсани кўргувчи ва билгувчидир
14.	Қора соч	Ёшлик, кучлилик ва гўзаллик рамзи
15.	Сочнинг гажаги	Моддий ва маънавий бойлик, миллийлик
16.	Ёноқдаги хол	Комиллик
17.	Ислимий нақшлар	Она табиат, табиатнинг гўзаллиги, нозу неъматлар диёри эканлиги
18.	Зарҳал рангли гуллар	Гўзаллик рамзи. Гўзал ҳаёт, яъни Аллоҳ гўзалликни яхши кўради. У гўзалдир, зиёлилик
19.	Оқ гуллар	Покизалик рамзи
20.	Яшил ранг	Ислом дини, имон, эътиқод рамзи, юқори чўққи, валийлик
21.	Ҳаво ранг	Коинот, оламнинг чексизлиги, тинчлик ва ёмон кўздан асраш рамзи



21-расм. Шердор мадрасаси пештоқи безагидаги элементлар тизими.

Шер (арслон) бошининг биринчи рамзий маъноси, тирик мавжудотларнинг ичида энг ақлли ва кучли қилиб инсонларнинг яратилганлигига ишора қилинган. Инсонлар фақат моддий озикланиб қолмасдан, балки рухий озикланиши зарурлиги акс эттирилган. Аллоҳ одамга берган илм орқали ҳар нарсанинг сирини билдирган ва барча махлуқот устидан ҳоким қилган (22-расм).



22-расм. Кластер усулида шер калласини таҳлил қилиши.

Эркак шернинг боши рамзий маънода олинган бўлиб, у Самарқанд ҳокими. Бу рамз Ялангтўшга қиёсланиб акс эттирилган. Ялангтўш Баҳодирнинг довьорак,

баҳодир, ақл-заковати, эпчиллиги, зиёли, донолигини билдирса, иккинчи томондан, шер калласи орқали унинг юлдузлар буржи шер, яъни арслон эканлигига ишора қилинган. Бу буржи орқали унинг характери тўлиқ очиб берилган.

Шернинг кулоғи инсонларни хушёрликка ундайди. Дунёда ризқ икки хил бўлади, бири ҳалол луқма, иккинчиси ҳаром луқма. Бу икки луқманинг фарқини хушёрлик билан ажрата бил, чунки охиратда ҳамма амалларнинг жавоби бор, дейилади. Қулоқ ҳақида аждодларимиздан Ҳусайн Воиз Кошифий шундай деган эди:

«Агар кулоқни нималардан беркитиш керак, деб сўрасалар, айтгил, аввал ботил ва бидъат сўзлардан, иккинчидан, беҳуда ва фойдасиз фаҳш сўзлардан, учинчидан, ғийбат ва бўҳтон сўзларни эшитишдан. Чунончи, ғийбатга кулоқ солган ғийбатчининг гуноҳига шерикдир³³.

Шернинг тиши орқали ақл-заковатда, илмда, тафаккурда ўткир бўлиш лозимлиги уқтирилади.

Шернинг баданидаги қора чизик ва оқ нуқталар орқали эса, ҳаёт кун билан тундан яралганлиги, дунёда ёруғлик бор жойда қоронғулик борлиги, фоний дунёда эзгулик билан ёвузлик ёнма-ён юриши уқтирилади ва инсонларни эзгу амалларни бажаришга ундайди.

Шернинг тили – дунёдаги энг ширин ва энг аччиқ нарсадир. «Тилга эътибор – халққа эътибор» деб халқимиз бежиз айтмаган. Ота-боболаримиз: «Киши фоний дунёда яшар экан, сўз одобига ниҳоятда қаттиқ риоя қилиши, ҳамма нарсани гап деб гапиравермаслиги, ўйлаб гапириши, бўлар-бўлмасга сўз қотмаслиги, тилини тийиб юриши зарур, акс ҳолда бошига бало орттиради, ўзига зиён-заҳмат етказди», деган фикрни кўпгина мақоллар

³³ Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. -Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. Б. 50.

воситасида билдирганлар. «Қилич кесолмагани сўз кесади», «Тил тиғи қилич тиғидан ўткир», «Тиғ жароҳати битар, дил жароҳати битмас», Тиғ, пичоқ, қилич кесган яра тезда битиб кетади, аммо тилинг билан (ёмон гапириб) бировнинг дилини яраласанг, бу жароҳат сира ҳам тuzалмайди. Кейин у одамнинг кўнглини олишинг жуда қийин бўлади. Шунинг учун аввало ёмон сўзлама» дейилмоқчи³⁴.

«Тилнинг одоби қайси, деб сўрасалар, бу олти нарсага тилни очиш ва саккиз нарсдан тилни сақлаш, деб айтгил. Тилни очиш керак бўлган нарсалар қайси, деб сўрасалар, айтгил: ҳожат зарурати юзасидан кўнгишларга яшириш бўлган розни изҳор этиш, мазлумлар фарёдига жавоб бериш ва мазлумлар имдоди учун сўз айтиш. Чунки бу орқали золимнинг зулми мазлумлар бошидан кўтарилиши мумкин.

Тилни сақлаш лозим бўлган нарсалар қайси, деб сўрасалар, айтгил: биринчи, ёлғон гапириш, зеро ёлғончи – худонинг душманидир. Иккинчи, ваъдага хилоф гапириш ва мунофиқона сўз айтишдан. Учинчи, ғийбат ва бўҳтон гаплардан, чунки бўҳтон фосиқлар ишидир. Тўртинчи, беҳуда баҳсу мунозарадан, айб қилишдан ва гап ташишдан. Булар шайтон васвасасига киради. Бешинчи, ўзини мақташ ва таърифлашданки, бу худбинликка олиб келади. Олтинчи, навкар ва хизматкорларни лаънатлашдан. Еттинчи, қарғашдан, дуойи бад қилишдан, чунки бу жону дилнинг офатидир. Саккизинчи, мазах-масхара қилиш ва ҳазил-хузулдан»³⁵.

Ёши улуғ шер тасвирининг сабаби, инсонлар ва Ялангтўш Баҳодирнинг доно, тажрибага асосланганлиги; ақл-заковати юксаклик аломатида акс эттирилган.

Йўлбарс танасининг рамзий маънолари: Тирноқ – ер юзидир, яъни комиллар наздида ер юзи тирноқчалиқдир. У ер юзидаги (фоний дунёдаги) ҳар бир сирдан воқифдир. Уни «бўяш» – сир сақлашга ишора. Фозиллар сирни сақлай оладилар (23-расм).

Пештоқнинг чап қисмидаги шернинг бир оёғидаги битта тирноқ тасвирланмаган. Бунинг сабаби шундаки, бу дунё «Бир кам дунё», «Беайб парвардигор», «Гуноҳкор банда», «Ожиз банда» деган фалсафий ғояни беради.



23-расм. Кластер усулида йўлбарсни таҳлил қилиши.

³⁴ Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2001. Б.333.

³⁵ Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. -Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1994, Б. 50–51.

Шернинг динамик, яъни ҳаракатдаги ҳолатининг тасвирланиши ҳам рамзийликка эга бўлиб, инсон зиё олиш учун доимо ҳаракатда бўлиши керак, шунинг учун ҳам пайғамбаримиз (с.а.в.) дедилар:

– Хитойдан бўлса ҳам илм изланг.

– Илм излаш ҳар бир мусулмонга фарз. Бу сўзларда чексиз ҳикмат хазиналари борки, инсон буларни қалби билан англаши керак. Яна пайғамбаримиз (с.а.в.) дедилар:

– Илм – хазинадур.

Шер танасидаги зулуксимон қора шакллар ёвузлик, туннинг рамзий ифодаларидир. Кун тун ва кундан иборатлигини англатади.

Шернинг танасидаги оқ думалоқ шаклдаги тасвирлар эзгуликни, мукамалликни, покликни, ёруғлик ва кунни билдиради. Қора шаклдаги тасвир ва оқ шаклдаги тасвирлар дунё эзгулик ва ёвузликдан иборатдир, деган маънони билдиради.

Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасининг 190, 194-оятларида:

Осмонлар ва Ернинг яратилишида, тун ва куннинг ўрни алмашиб туришида ақл эгалари учун аломатлар бордир. Улар осмонлару Ернинг яратилиши ҳақида фикр юритадилар: «Эй Раббимиз! Бу (қоинот)ни беҳуда яратмагансан».

Шернинг думи орқали улуғворлик акс этирилади, яъни инсон зиё орқали улуғликка эришади, дейилади.

Шернинг қорни – нафс, яъни инсон ҳаром ва шубҳали таомни емаслиги ҳамда пок бўлиши рамзий равишда акс этирилган.

Кўз – қалб кўзининг рамзий ифодаси, инсонда икки хил кўз бўлади. Биринчиси инсон кўзи, иккинчиси қалб кўзидир. Дунёда инсон кўзига кўринадиган ва кўринмайдиган борлиқ мавжуд. Инсон кўзи билан кўрмайдиган борлиқни у қалб кўзи билан кўради ва ҳис этади. Кўзнинг ҳам ўзига хос ҳикматлари мавжуд. Чунончи, «Агар кўзнинг одоби нечта», деб сўрасалар, иккита, деб айт. Биринчидан, кўзни тўрт нарсани кўришдан сақлаш керак. Иккинчидан, тўрт нарсани кўришга кўзни очиш керак». Агар «Кўз кўриши лозим бўлган нарса нима?», деб сўрасалар, айтгил: йўлни кўриб, қадамни қўйишни мулоҳаза қилиш учун аввал йўлга қараш керак... Иккинчидан, ер ва осмонга қараш керак... Учинчидан, ибратли нарсаларга кўзни очиб қараш керак, токи фойдали сабоқ бўлсин...

«Агар кўзни беркитиш зарур бўлган нарсалар қайси?», деб сўрасалар, айтгил: биринчидан, кўзни номаҳрамни кўришдан манъ этмоқ керак. Чунки номаҳрамга назар шундай бир заҳарли ўқки, у қайси дилга бориб тегса, уни шайтон заҳри билан заҳарлайди ва хароб этади. Иккинчидан, кўзни шаҳват кўзғовчи суратлардан асраш керак, аммо агар биров поклик юзасидан бошқа бировга ва ё яхши суратга қараса, бунда ҳеч зиён йўқдир...

Учинчидан, кўзни ўзгалар айбини кўришдан асраш керак, зеро, бировлардан айб излаш энг ёмон хислатдир:

Ўзгалар айбига боқма, ўзингга боқ,

Кўзни ёқага беркит, дил шамъини ёқ.

Тўртинчидан, кўзни бировга ҳақорат назари билан қарашдан асрагил. Ўзгаларни камситиш, мазах қилиш, ожизлар устидан кулишдан сақлан. Чунки, ҳеч ким нуқсондан холи эмас. Хожа Имомиддин Фақиҳ ёзганидек:

Мамлакат шоҳи бўларсан ё илоҳнинг сояси,
Лек боқма сен ҳақорат кўзи-ла бир бандага»³⁶.

Шернинг оёқлари орқали она заминнинг мустаҳкам кучга, катта маънавий ҳамда моддий бойликка эга эканлиги рамзий ифодаланган.

Шер оёқларининг ҳаракатдаги ҳолатда тасвирланиши – инсон рухий покликка эришиш учун доим ҳаракатда бўлиши керак.


Оёқ ҳақидаги ҳикматлар ҳақида Ҳусайн Воиз Кошифий шундай дейди:

«Агар оёқнинг одоби нечта?», деб сўрасалар, иккита деб айтгил. Биринчидан, учта жойга бориш, иккинчидан учта жойга боришдан сақланиш. Агар борилиш лозим бўлган мавзеъ (жой)лар қайсидир, деб сўрасалар, айтгил: биринчидан, хайрли жойга бориш, иккинчидан, қабрлар ва қалблар зиёратига бориш, бирор гуноҳкорнинг шафоати ёхуд беморнинг аёдатига бориш ёки жабр-зулмни даф этиш учун қадам ташлаш.

Агар борилиши ман этиладиган жойлар қайси, деб сўрасалар, айтгил: биринчидан, золимлар ва ҳаромхўрлар уйига бормаслик, иккинчидан қимор-хона ва харобот каби нолойиқ ва тухмат жойларга бормаслик, учинчидан, номаҳрамлар орқасидан қадам ташламаслик»³⁷.

Оппоқ оҳунинг боласи рухий поклик рамзида берилган. Бу рухий покликка инсон фақат зиё, илм орқали эришади, дейилади. Рухий покликка эришган одам комил инсон ҳисобланади (24-расм).

Кийик боласидаги яшил рангли нуқталар – валийлик, кўнгил покизалиги, ислом дини, инсон характеридаги гўзал хулқ-одоб эгасини билдиради.



24-расм. Оҳуни кластер усулида таҳлил қилиш.

Олтинсимон рангли нур – композицияда етакчи ранг, нур, зиё, билим рамзида акс эттирилган (25-расм).

Кўёш – ёруғлик тимсоли, яъни инсон руҳи кўёшдек ёруғ, пок бўлиши керак, инсон зиё, маърифат, билим орқали рухий покликка эришади, дейилади.


Қизғиш зарҳал ранг – шерсимон йўлбарс ва икки исломий нақшнинг бир навдаси ҳам шу рангда тасвирланган. Бунинг сабаби нимада? Мантикий маъноси шундаки, қизғиш-зарҳал

³⁶ Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. -Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994, 50-бет.


³⁷ Ўша асар, 51-бет.

рангли қуёш ёғдуси зиёни билдирса, шернинг ранги шу рангда тасвирланган ислимий нақш, Самарқанд ҳокими бутун оламга билим, маърифат тарқатувчи эканлиги ўз рамзий ифодасини топган.


Олтинсимон нур ёғдуси орқали фоний дунёда яшаётган жамики инсонларни зиё, илм олишга чақиради (26-расм).



25-расм. Ранглари кластер усулида ўрганиши.



26-расм. Нурни кластер усулида таҳлил қилиши.



27-расм. Кластер усулида инсон қиёфасини таҳлил қилиши.

Инсон қиёфаси тасвирининг рамзий маънолари

Инсон қиёфаси орқали «Аллоҳ ҳамма нарсани кўргувчи ва билгувчидир» деган мазмун берилган.

Кўз – маърифат чашмасидир. Тим қора кўз маърифатнинг чексизлигини билдиради (27-расм).

Қошнинг бир-бирига яқинлиги – тақдир йўли яқинлиги, яхшилик аломатидир. Юқорида жойлашган қош – мақсадга интилиш аломати.

Бурун – катта, гўштдор бурун тасвирланишнинг ўзига хос томони – бу бурун эгалари узоқни кўзлаб иш қилувчи кишилар ҳисобланади.

Қора соч – бу ёшлик рамзи бўлиб, у орқали инсонларни ёшлик давридан билим олишга ундайди. «Ёшлиқда олинган билим, тошга ўйилган нақш кабидир» деб бежиз айтилмаган.

Сочнинг гажаги эса инсонларни моддий ва маънавий бойликка эга бўлишга чорлайди.

Инсон қиёфасидаги битта хол – комиллик даражасини билдирса, бу холнинг симметрик тасвирланиши эса, инсоннинг сўзи билан қилган амали бир хилда бўлишига ишора қилинган. Хол сўзи ғайб илмида тасаввуф илмини англайди.

Лабларнинг кичик тасвирланиши – донолик, гўзаллик аломатидир. Физиогномикада, яъни инсон қиёфасини ўқиш санъати китобида бу лаблар «Сезгир лаблар» деб юритилган. «Бундай лабли кишилар очик феъл эгаларидир. Улар келишган бўлишлари билан бирга, инсонда яхши таассурот қолдира оладиган ҳаётбахшлик фазилатига ҳам эгадирлар»³⁸.

Лабнинг рамзий маъноси «Устознинг сўзи, насиҳатини билдиради. Чунки лаб икки қанотга ўхшайди, яъни устоз маърифатидан озиқланган шогирд тафаккур осмонида учади. Оғизнинг кичкиналиги устоз маърифатининг сермазмунлигидан далолат»³⁹.

2.3. Амалий санъат турлари: наққошлик, ганчкорлик, кандакорлик, гиламдўзлик, ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик ва бошқа санъат асарларини бадий таҳлил қилиш тамойиллари.

БЕЗАКЛАРНИНГ УЧИНЧИ ҚАТЛАМ МАЪНОСИ: ЯЛАНГТЎШ БАҲОДИР ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТНИНГ НАҚШЛАР ОРҚАЛИ ТАСВИРЛАНИШИ МАСАЛАСИ

Меъморчиликдаги бу безакларда ўзига хос фарқ қиладиган шундай композиция чизилганки, нақш тили орқали шаҳар ҳокими Ялангтўш Баҳодир афсонавий қаҳрамон, зиё тарқатувчи, ўз халқига фидойи инсон эканлиги моҳирона акс эттирилган. Айниқса, наққош дунёда бўлиши мумкин бўлмаган ҳайвон – танаси йўлбарс, боши шер бўлган ҳайвонни тасвирлаган. Композицияда биринчи шакл шерсимон йўлбарс, иккинчиси оҳу боласи, учинчиси қуёш, тўртинчиси намоён кўзга ташланади. Демак, композициядаги қаҳрамон бу шердир. Асосий қаҳрамон – шерни наққош икки ўринда, яъни кўпликда инсонларни, иккинчи ўринда Ялангтўш Баҳодирни рамзий маънода ифодалаган. Демак, Ялангтўш Баҳодирнинг сурати ва сийратини ҳамда

³⁸ Булатов С. С, Қўчқоров М. Инсон қиёфасини ўқиш санъати. -Т., 2004. Б. 74.

³⁹ Ўша асар, 91-б.

туғилган йили ва ой, куни нақш тили билан ёзилган. Бунинг учун биз тарихга мурожаат қиламиз.

Самарқандлик олим Абу Тоҳирхўжанинг «Самария» китобидаги Шердор мадрасаси пештоқидаги тасвирлар астрология, яъни мунажжимлик илми билан боғлиқ, деган фикрини тўғри деб ҳисоблаймиз.

Тасвирнинг, астрология, мунажжимлик илми билан боғлиқлиги ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Мунажжим илми бўйича буюк донишмандлар шундай дейдилар:

«Мунажжим башоратлари шунинг учун рўёбга чиқадики, кўпчилик одамлар осмон жисмларининг таъсирига тўлиқ бўйсунган ҳолда ўз эхтирос ва майллари ортидан кетаверишади» (Фома Аквинский).

«Юлдузлар ақлсизларни бошқаради, оқиллар эса ўз юлдузларини» (Фалес).

«Инсон қачонки ўзлигини англаб етса, ўзини билсагина озод бўлади. Уни фақат ана шу билим озод қила олади» (Гегель).

«Дунё аъло даражада мойлаб қўйилган механизм ва уни кимдир ҳаракатга келтириб туриши аниқ» (Рене Декарт).

Астрология, илми нужум (арабча – мунажжимлик илми) – айрим кишилар ва халқлар тақдирини осмон ёриткичларининг вазиятларига қараб айтиш билан шуғулланадиган таълимот⁴⁰. Қадимда Сурия, Бобил, Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистонда ва Ўрта асрларда Арабистон, Эрон ва Марказий Осиёда кенг тараққий этган.

Мунажжимлар воқеа содир бўлиш пайтида Қуёш, Ой, Меркурий, Венера, Марс, Юпитер ва Сатурннинг осмон гумбазларидаги вазиятларига ва улар уфқнинг қайси қисмида жойлашганлигига қараб фол очар эдилар. Мирзо Улуғбек мунажжимлик илми билан ҳам шуғулланган ва назарий, амалий асосларини исботлаб берган (Мирзо Улуғбек, «Илми нужум», -Т.: 1994.)⁴¹.

Композициядаги тасвирда наққош Ялангтўш Баҳодирни эркак бошли шер рамзида акс эттирган. Эркак шер боши орқали Самарқанд ҳокими Ялангтўш Баҳодирнинг шарқий толенома асосида буржи, йўлбарс танаси орқали эса унинг мучали рамзий берилганлиги аниқланди.

Шердор мадрасаси пештоқидаги тасвирнинг ғояси самарқандлик олим Абу Тоҳирхўжани астрология илми билан боғлиқлиги ғояси бизнингча тўғри айтилган.

Композицияда шернинг эркагининг олиниши, йўлбарс танасини олиб бириктириб йўлбарссимон шер тасвирланганлигининг сабаби шундаки, йўлбарссимон шер орқали Ялангтўш Баҳодирга қиёсланган ва рамзий безак орқали Ялангтўш Баҳодирнинг мучали ва буржи ифодаланган. Бизнингча, Ялангтўш Баҳодирнинг мучали йўлбарс эканлиги Шарқий мучал жадвали асосида аниқланди. У 1578 йилда туғилган экан. Ўзбек миллий энциклопедияси

⁴⁰ Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1-жилд. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2000. Б. 468.

⁴¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2-жилд. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2000. Б. 121.

диясининг 10-жилди 367-бетида эса туғилган йили 1576 йил деб берилган шарқий мучал бўйича сичқон⁴² (28-расм).

№	Маълумотлар	Ялангтўш Баҳодирнинг туғилган йили	Ой, кун	Вафот этган йили
1.	Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд, 367-бет	1576 йил	15 август	1656 йил
2.	Бизнинг тадқиқотларимиз натижасида	1578 йил	(23 июль – 23 август)	1656 йил
3.	Фарқи	2 йил	–	–

28-расм. Ялангтўш Баҳодир туғилган йили ва ойининг Ўзбекистон миллий энциклопедиясидаги маълумотлар билан бизнинг илмий тадқиқотларимиз натижаларининг кўрсаткичлари

Аждодлар ва машҳур шахсларнинг мучалларини аниқловчи жадвал ҳақида. Милодий 1 йилдан то 2299 йилгача (йиллар тартибини чексиз асрларгача давом эттириш мумкин) бўлган мучал ҳисобини 3-жадвалга қараб осонгина топиш мумкин. Бунинг учун аввал «юз йилликлар», сўнг «ўн йилликлар» қаторидан зарур рақамлар топилади. Ҳар икки рақам кесишган жойдаги мучал сиз ахтараётган мучал бўлади.




Масалан, Ялангтўш Баҳодир 1576 йилда туғилган. Берилган жадвалдаги «Юз йилликлар»дан 15 ни, «ўн йилликлар»дан эса 76 ни топамиз. Ҳар иккови кесишган жойдаги мучал Ялангтўш Баҳодирнинг мучали бўлади. Яъни Ялангтўш Баҳодирнинг мучали сичқон экан. Лекин Шердор мадрасаси беагаи бўйича мучал йўлбарсга ишора қилинган. Ялангтўш Баҳодирнинг туғилган йили бизнингча 1578 йил бўлиб чиқди.

Тасвирга кўра шернинг бошига асосланадиган бўлсак, унинг буржи Арслон, яъни Шер буржи бўлиб, у 23 июлдан – 23 август орасида туғилган экан. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида эса буржи бошоқ бўлиб, 15 августда туғилган деб берилган. 29-расмда юқорида айтиб ўтилган қиёсий таҳлил тасвирланган. Унинг характери ва тақдири қандай бўлган? Юлдуз илми бўйича ўргансак, Ялангтўш Баҳодир характери тақвимий толенома «Тақдир таъбири»⁴³ манбасида қуйидагича баён этилган.

Шамсий (куёш) йили ойлари жадвалига мурожаат қилсак, юқорида айтганимиздек август, яъни Асад ойи бўлса, унсури олов, ҳомий сайёраси куёш (шамс), бошланган ва тамомланган сана 23.07–22.08, буржи Арслон, Шер (4-жадвалга қаранг). Демак, бизнингча, тасвирдаги шер мунажжимлик илми асосида ўз исботини топди.

⁴² Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 10-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2005. Б. 230.

⁴³ Тақдир таъбири. Шарқий толенома. -Т.:Янги аср авлоди, 1999. Б. 21–22.

Шарқий мучал	Бурж бўйича
ЙИЛ	ОЙ ВА КУН
	
1576 йил	15 август
1578 йил	23 июль – 23 август
	

29-расм. Ялангтўш Баҳодирнинг Шарқий мучали, буржлар ва шамсий йил ойлари тасвирланган чизма. Бу чизма йил ўн икки ойдан, ой эса кунлардан, кун эса кун ва тундан иборатлиги рамзий маънода ҳам берилган. Ялангтўш Баҳодир Шарқий мучал бўйича йўлбарс, буржи эса шер экан. У 1578 йил 23 июль – 23 август оралигида, аниқроғи 18 августда туғилган, деган тахминга келамиз.

3-жадвал.

Юз йилликлар:												
0, 3, 6, 9, 12, 15, 18, 21	Май-мун	То-вук	Ит	Тўн-ғиз	Сич-қон	Си-гир	Йўл-барс	Қуён	Ба-лик	Илон	От	Қўй
1, 4, 7, 10, 13, 16, 19, 22	Сич-қон	Си-гир	Йўл-барс	Қуён	Ба-лик	Илон	От	Қўй	Май-мун	То-вук	Ит	Тўн-ғиз
2, 5, 8, 11, 14, 17, 20	Ба-лик	Илон	От	Қўй	Май-мун	То-вук	Ит	Тўн-ғиз	Сич-қон	Си-гир	Йўл-барс	Қуён
Ўн йилликлар:												
Ўн йилликлар	00	01	02	03	04	05	06	07	08	09	10	11
	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23
	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33	34	35
	36	37	38	39	40	41	42	43	44	45	46	47
	48	49	50	51	52	53	54	55	56	57	58	59
	60	61	62	63	64	65	66	67	68	69	70	71
	72	73	74	75	76	77	78	79	80	81	82	83
	84	85	86	87	88	89	90	91	92	93	94	95
	96	97	98	99	–	–	–	–	–	–	–	–

ШАМСИЙ (ҚУЁШ) ЙИЛИ ОЙЛАРИ

Ой номлари (туркийча)	Унсури	Ҳомий сайёралар	Бошлана- диган ва тамомлана- диган сана	Буржлар (зодиак) номи	
				(форсча)	(ўзбекча)
1. Ҳамал	олов	Миррих (Марс) ва Плутон	21.03-20.04	Фарвардин	Кўй
2. Савр (Уд)	ер	Зухро (Венера) ва Хирон	21.04-21.05	Ўрдубеҳишт	Сигар
3. Жавзо	ҳаво	Аторуд (Меркурий) ва Прозерпина	22.05-21.06	Хўрдод	Эгизаклар
4. Саратон (Кучук)	сув	Ой (Қамар)	22.06-22.07	Тирмоқ	Қискичбақа
5. Асад	олов	Қуёш (Шамс)	23.07-22.08	Мўрдод	Арслон, шер
6. Сунбула	ер	Прозерпина ва Аторуд (Меркурий)	23.08-22.09	Шаҳривар	Бошоқ
7. Мезон (Эрантиз)	ҳаво	Хирон ва Зухро (Венера)	23.09-22.10	Меҳрмоҳ	Тарози
8. Ақраб (Чазан)	сув	Плутон ва Миррих (Марс)	23.10-21.11	Обон	Чаён
9. Қавс	олов	Муштарий (Юпитер) ва Нептун	22.11-21.12	Озармоҳ	Ёй, камон
10. Жадй (Ўғлок)	ер	Зухал (Сатурн) ва Уран	22.12-20.01	Деймоҳ	Тоғ эчкиси
11. Далв	ҳаво	Уран ва Зухал (Сатурн)	21.01-19.02	Баҳман	Қовға, челак
12. Ҳут	сув	Нептун ва Муштарий (Юпитер)	20.02-20.03	Эсфанд	Балиқ

Фойдаланилган адабиётлар

1. Paintings: that Changed the World. -Munich. Berlin, London, New York. - 2003.

2. Andrew Paquette. An Introduction to Compyuter Graphic for Artist.- Springer Publihing Company, Incorporated, USA 2013

3.Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception:A Psychology of the Creative Eye.- Univercity of Californiya Press, USA 2004

3-мавзу: Амалий санъат асарларини яратишнинг ўзига хос технологияси. (2 соат)

3.1. Санъат асарлари яратишнинг инновацион ёндашув.

АСРЛАР ДАВОМИДА УНИТИЛГАН МИЛЛИЙ ТИМСОЛЛАР ВА РАМЗЛАР ИННОВАЦИОН ЁНДОШУВ.

Умрида бир карра илҳом чашмасидан баҳраманд бўлиб, дилидан чиқариб расм чизаолган одам бахтли инсондир. Ҳар биримиз ҳам, болалик чоғларимизданок кўлимизга мўйқаламу бўёқ олиб, қуёш, гуллар, қушлар, дарахтларнинг расмини солишга уринамиз. Худди ана шу нарса кишининг бевосита ҳаётдан олган бахтиёр ва фарахли туйғуларинининг ёрқин ифодасидир.⁴⁴

Камолатга эришган рассом эса ўзининг тўплаган тажрибасига таяниб, табиятдан илҳом олиб, гул ва япроқлардан турли-туман шакллар ясайди, уларга жимжимадор бўёқлар беради, турли нақшлар ва чизиқлар билан бежайди. Шу тариқа нақшу нигоралар дунёга келади.

Ўзбекистон бири-биридан гўзал нақшу нигораларга ғоятда бой. Унда биз энг оддийдан тортиб энг мураккабгача бўлган, жуда кичкина ҳажмдан тортиб маҳобатли даражагача етган юксак санъат намуналарини кўришимиз мумкин. Ўзбек усталарининг маҳобатли асарларида халқ маданияти ва турмиши ўз аксини топган. Санъатимизнинг бу тури асрлар оша такомиллашиб келди ва айниқса Ўзбекистоннинг мустақиллик даврида камол топмоқда.

Ўзбекистон маҳобатли безак санъатига оид ажойиб асарларнинг шон-шухрати бутун дунёга ёйилган. Бироқ жаҳонга машхур бу санъат намуналари, асосан Варахша, Тупрққалъа, Болаликтепа, Афросиёб саройларидаги деворий ёзув ва нақишлар ҳамда Ўзбекистон музейларида намоиш этилаётган, сўнгги пайтларда оид уй-рўзғор буюмларидаги нақш ва гуллар билан чекланиб қолмоқда. Ҳолбуки, кўпгина меъморчилик обидалардаги нафосот дудоналари, ёрқин ва қувноқ рангларда ўта юксак дид билан адо этилган безакларнинг рамзий маънолари тўлиқ ўрганилмаган. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Ўзбекистон нақшу нигор санъатининг узок муддатли изланиш ва кашфиётларини бир қур назардан ўтказишўга жазм қилдик.

Президентимиз И.А.Каримовнинг “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” китобига ёзилган сўзбошисида уқтирилгандек, “ўзлигимизни англаш, бизнинг кимлигимизни, қандай буюк аждодларнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва кадриятларга эга эканлигимизни ҳис этиб яшаш” мустақил республикамиз ҳар бир фуқоросининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиб қолди.⁴⁵

⁴⁴ Азимов И. Ўзбекистон нақшу нигоралари. Т., Ғ.Фуллом ном. Адабиёт ва санъат нашрети 1987, 5-бет.

⁴⁵ И.А.Каримов “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар”, -Т.: Қзбекистон, 2000.- 3 б.

Мамлакатимиз худудида бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Уларни Ўзбекистон ва дунё олимлари ҳар томонлама ўрганиб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Лекин ҳозиргача баъзи бир қирралари ўрганилмасдан келинмоқда. Масалан тарихий ёдгорликларни безакларидаги миллий тимсоллар ва рамзлар чуқур илмий тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган. Доно аждодларимизнинг айниқса обидалар пештоқидаги тасвирларни рамзий ифодаси салкам 400 йил бўлибдики, дунё олимлари ҳам Ўзбекистон олимлари сирли тилсимларни ечолмай келмоқда эди. Булардан Самарқанддаги Шердор мадрасаси, Бухородаги Нодир девонбеги мадрасаси, Кўколдош мадрасаси пештоқидаги тасвирлар каби минглаб ёдгорликлардаги миллий тимсоллар ва рамзлар ечими топилмаган. Шунинг учун биз Бухородаги Нодир девонбеги мадрасаси пештоқидаги безагини мантиқий ечими топилди. Ҳозиргача пештоқдаги рамзий тасвир олимларимиз томонидан ўз ечимини топмаган эди. Биз бу ҳақида илмий тадқиқотлар олиб бориб қуйдаги илмий ҳулосага келдик ва ўзимизни илмий фаразимизни баён этамиз. (1-расм.)


Бухородаги меъморий ёдгорлик. Бухоро хони Имомқулихоннинг вазири Нодир девонбегим (Нодир мирзо Тоғай ибн Султон) қурдирган (1622-1623) Нодир девонбеги мадрасаси Лабиҳовуз мажмуасининг шарқий қисмида жойлашган. Дастлаб карвонсарой сифатида қурилган, хоннинг қарори билан мадрасага айлантирилган. Унда мадрасаларга хос айвон, масжид ва катта дарсхона йўқ, ҳовли атрофи 4 томондан 2 қаватли кичик хужралар билан ўралган. Хужраларга ўймақори усулида безатилган эшиклар, эшиклар тепасидаги табодонга панжаралар ўрнатилган. Ҳовлига пишиқ гишт ётқизилган. Бош тарзи майдонга қараган. Олд томонида ҳовуз бор. Пештоғи ўзига хос маҳобатли ва серҳашамдир. Ундаги ўсимликсимон нақшлар орасида қуёшга интилаётган авсонавий хумо қуши ва оёғида олиб кетаётган оппоқ тўнғиз тасвири кошинкори безаклари ёрқин бўйёқларда акс эттирилган. Ҳошияларига, китобасига арабий ёзувлар битилган.




1-расм. Нодир девонбеги мадрасаси.

Хумо – афсонавий қуш бўлиб, бахту-иқбол рамзи ҳисобланади. Шунинг учун хумо тасвирини қадимдан амалий санъат турлари наққошлик, ганчкорлик, заргарлик, зардўзлик, каштачилигида кулолчилик каби турларида ҳамда меъморий безакларида рамзий ҳамда тумор сифатида фойдаланиб келганлар. (2-расм.) Бадиий адабиётларда ҳам хумо қуши қадимдан рамзий маънода ишлатиб келинган. Масалан Алишер Навоий ҳам «Лисон ут-тайр»да қушлар ҳақидаги халқ ҳаёлотини анъаналарига асосланади. Достонда айнан Хумо тимсоли ҳам яратилган. Шоир уни Хумой тарзда тилга олган. Хумо тасвири Ўзбекистон Давлат гербида бахт тимсолида ҳам олинган. Халқимиз орасида шундай гап борки, «Бу қуш кимнинг бошига соя

солса, бахти чопиб у тожу тахт эгаси бўлади» дейдилар. Тасвирдаги ҳумо қушини харам луқма нафсидан ғалаба қилганлиги ва комиллик сари парвози акс эттирилган. Қаносдаги тасвирни симметрик жойлашиши тил билан дил бирлигини билдирса, яна инсонларнинг ҳаётида ҳоҳиш билан имкониятни уйғунликда келишини билдиради. Ҳумо қушининг баданидаги оқ халқалар коинотдаги сайёрлар рамзида ифодаланган. Ҳумо қушини думининг




2-расм. Нодир девонбеги мадрасаси қаносидаги безаклар. Композиция заминида ўсимликсимон нақшларни спиралсимон ҳаракатда берилиши ва коинот ҳаракати билан уйғунликда ҳаракати.



3-расм. Комиллик йўлининг модели тасвирда кўриниши. А-комиллик нуқтаси, Н-ҳумо, S-тўнғиз.

4-расм. Комиллик модели.



Икки чархпалак (Хумо) динамикаси ойна аксидек тасвирланган. S-Комиллик нуқтаси, S1,S2 нуқталар-ҳаром луқма. S1,S2 чизиғи – ҳаёт чизиғи (яъни инсон туғилгандан то ўлгунча инсон ҳаром луқмадан эҳтиёт бўлишлигига ишора).

тўлқинсимон ҳолатда акс эттирилиши, инсон ҳаёт йўли нотекислигини билдиради. Арқонсимон икки думи, ҳаётда инсонларни икки йўл борлигини, бири ҳалол, иккинчиси ҳаром йўлдир. Яъни инсонларни ёвузлик йўлини эмас, балки, эзгулик йўлида юришга

чақирилади. Чунки, яратган ҳамма нарсани кўргувчи ва билгувчидир. Вақти келиб бу ўткинчи дунёда ҳар бир инсон қилган эзгулик ёки ёвузлик ишларига ажри мукофотини олади дейилади муққадас китобларимизда. Ушбу тасвирни комиллик модели орқали мантиқий ечими шакллар воситасида акс эттирилган. (3,4-расм.)

Тўнғиз-ҳаром луқма. Дунёда ҳар-бир жонзод rischi билан туғилади. Шу rischiни топиб йишда эҳтиёт бўлингиз чунки луқма икки ҳил бўлад бири ҳалол иккинчиси ҳаром. Кимки ҳалол луқмага ҳаром луқмани аралаштирса оқибати ёмон бўлади деб такидланади муқаддас китобларимизда. Бу ҳақида кўплаб ривоят, мақол, ҳикоят ва бошқаларда ўз аксини топган.

Қуёш- комиллик даражаси. Руҳий поклик чўққиси. Қуёш ичида тасвирланган киёфа “Аллоҳ ҳамма нарсани кўргувчи ва билгувчи” ояти каримни рамзий маънода тасвирланган.

Ўсимликсимон нақшлар динамик ҳолатда берилиши, бутун олам спиралсимон абадий ҳаракатдан иборатлигини билдиради. Демак инсон ҳар доим комилликка даражасига интилиб, ҳаракат қилиб яшаши кераклигини билдиради. Оқ гуллар руҳий поклик рамзида берилган. Сарик гул эса зиё гулларига ишора. Ҳаво ранг- тинчлик, коинот, чексизлик. Оқ гул- поклик, гўзаллик. Оппоқ тўнғиз- ранги оқ бўлсада лекин ҳаром луқма эканлиги яъни ҳамма нарсалар ҳам оппоқ бўлсада ҳалол луқма бўлмаслиги уқтирилади.

Демак суратига эмас сийратига қара дейилмоқчи. Яшил ранг – табиатни, исломни билдиради. Инсонларни ислом йўлида юришларини ишора қилинган. Сарик ранг – зиёни, илмни билдиради.

Ҳулоса қилиб айтганда Ўзбекистон худудидаги бизга қолдирилган аждодларимизнинг маънавий меросидаги миллий тимсоллар ва рамзлардаги фалсафий асосларини илмий асосида ўрганиш, уларни замонавий

цивилизация ривожда фойдаланиш ҳамда уларни келажак авлодга етказиш ҳар биримизнинг Ватан олдидаги бурчимиздир. Аждодларимиз келажакни ўйлаб ватанпарварлик руҳида ўз сармоясини аямаганлар. Бухорои Шарифда Нодир девонбеги мадрасаси пештоқидаги безакларни миллий тимсол ва рамзлар алифбоси асосида ўқисак комилликни асосий калити берилган экан. Яъни тасвирида рамзий қуйдаги шиор ёзилганлиги бизга аён бўлди: **“Бу ўткинчи яъни синов дунёсида кимки, ўз нафсини харом луқмадан тия олса, у дунёда энг бахтли инсондир.”** Бахтли инсон ким ўзи? “Кимки жамиятда инсонлар орасида ўзининг ҳалол меҳнати, ахлоқ-одоби, бошқалар билан одилона, ҳалол муносабати асосида обрў-эътибор орттирса, ўша бахтли одамдир”⁴⁶

Ушбу шиор инсонларни эзгулик йулида юриб, ҳалол ризқни топиб, ўз нафсини тийиш кераклиги уқтирилади. Тасвири фақат чиройлилигини эмас балки, гўзаллик қалбидаги ҳақиқатни ўқиб, уларни тарбиявий, фалсафий, руҳий ва шифовий қирраларини ёшларимизга етказайлик. Юксак маънавиятли ўқувчи-ёшларимиз бизнинг келажакимиздир.

3.2. Амалий санъат турларини бажариш технологияси.

Санъат асарлари моҳиятини англашга ўргатишнинг назарий асослари

Республикамиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар таълим мазмунини умуминсоний кадриятлар ва халқимизнинг тарихий- маданий анъаналари асосида ташкил этишга кенг йўл очиб берди. Натижада таълим стандартлари, ўқув дастурлари, дарсликларнинг янги авлоди яратилди. Айни пайтда улар такомиллаштирилмоқда, модернизация қилинмоқда. Педагогика олий ўқув юртларида фалсафа, этика, эстетика, мантиқ, психология, математика ва бошқа фанлардан сабоқ берилади. Лекин улар ҳар бир соҳа ихтисослик фанларига мослаштирилган тарзда, ўқитилмайди (1-расм).

Масалан, “Санъат” факультетидаги Тасвирий ва муҳандислик графикаси ва “Амалий санъат” йўналишларида ганчкорлик, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги билан бирга тарих, олий математика, мантиқ, фалсафа, психология, этика каби умум-касбий фанлар ўқитилади. Лекин уларда умум-касбий фанлар тасвирий ва амалий санъат фанлари билан уйғунликда боғлаб ўргатилмайди. Шунингдек, «Санъат» факультетида фалсафа фани ўтилади, лекин унинг тармоғи бўлмиш санъат фалсафаси ўтилмайди. Чунончи, фалсафа фани барча соҳалар каби педагогика университетларида ҳам ўргатилади, лекин ўша мутахассисликни ўзига хос томонлари ҳисобга олиниб ўргатилмайди. Шунинг учун ҳам, тайёрлаётган кадрларимизда махсус фанлар бўйича фалсафий фикрлаш, мушоҳада юритиш етарли даражада шаклланимоқда дея олмаймиз. Бу ҳолни оддий савол-жавоблардан ҳам билиб олишимиз мумкин.

⁴⁶ Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Т., Ф.Фуллом ном. Нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009. 66-б.

Бадий иқтисосликка йўналтирилган кадрларнинг касбий сифатини янада ошириш мақсадида ўқув режадаги фалсафага ажратилган соатларнинг муайян қисмини санъат фалсафасига ажратилиши мақсадга мувофиқдир.


«Фалсафа, - барча фанларнинг отасидир. Фалсафа табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг умумий қонуниятларини ўргатади. У инсоннинг борлиқдаги ўрнини, ён-атрофни идрок этиш йўллари тадқиқ этади гносеологик изланишлари умумлаштиради.

Фалсафани бизнинг фикримизча, ҳар бир ихтисосликка мослаб ўқитмоқ даркор. Ўқитувчи устоз ўз талабасига Амалий санъатнинг қонун ва категорияларини амалий безак санъати мисолида теран таҳлил қилиб бера оладиган бўлиши лозим.

Ҳар бир ихтисосликка фалсафани шу фан йўналиши билан боғлаб, узвий алоқадорликда ўқитиш керак. Бунинг учун дарс берувчи мутахассис рассом-файласуф, амалий санъат устаси-файласуф, тилшунос-файласуф, муסיқашунос-файласуф, химик-файласуф иқтисослик тафсилотларини яхши билган мутахассис бўлиши лозим.

Кейинги вақтларда «соф файласуф» деган атама билан номланувчи олимлар асл мутахассислиги бошқа бўлган файласуфлардан устун қўйилади. Ҳақиқатан ҳам соф файласуф бўлиш мумкинми? У фалсафа фанининг юқорида зикр этилган «кераксиз»лиги учун хизмат қилмайдими? Аслида ҳақиқий файласуф бирор фанни пухта эгаллаши натижасида ўсиб чиқмайдими? Файласуфликнинг илк белгиси бирор фанни пухта эгаллашдан иборат эмасми?

Фалсафий тадқиқотлар сифатида ҳам хусусий фалсафа (диалектика) шакллантирилиши, бунда умумдиалектик қонун ва категорияларнинг аниқ фанларда акс этишининг ўзига хосликлари текширилиши лозим. Бу билан эса олинган умумий қонуниятлар амалиётда текширилади ва тўлдириб мукаммалаштирилади.



1-расм. Тасвирий ва амалий санъат фанлари билан умумтаълим фанлари фанлараро боғлиқлиги.



2 - расм. Сирланган сопол лаганлар XII аср охири - XX аср боши.

3 – расм. Афросиёбдан топилган лаганчага (X—XI асрлар) араб ёзувининг насх турида «илм олишининг аввали аччиқ ниҳояси шириндир», деб ёзилган.

Чунки ўзида ўқтирилишича, фанларнинг ривожланиши билан жараёни "жонли мушоҳада - абстракт тафаккур - амалиёт - жонли мушоҳада - абстракт тафаккур - амалиёт" дан иборат узлуксиз занжирдир.

Бугун диалектика фан сифатида борлиқнинг умумий ривожланиш қонун ва категорияларини аниқлайди. Энди эса навбат ана шу ютуқларни амалиётга татбиқ этиш, уларни хусусий фанлар мисолида текшириб кўришдан иборат".

Масалан: III–XII асрларда ясалган оддий бир амалий санъат асари бўлмиш лаганни олайлик. Логан чиройли қилиб безалган ва бу безакда рамзий маънода балиқлар тасвирланган (мазмундан келиб чиқан ҳолда). Бу санъат асари учта вазифани бир вақтда бажаради дея оламиз (2-расм).

Биринчидан, лаган амалда қуюқ овқат ёки хўл мевалар тановул қилишда ишлатилган бўлса, иккинчидан, безак сифатида, учинчидан, лаган шакли ва безаги орқали фалсафий фикр англатиб, инсонларни маънавий тарбиялаган дейишимиз мумкин.

Лаганни фалсафий мушоҳада қилиб кўрайликчи.

Ўзбек миллий кулолчилик буюмларидан бири лаган. Четлари бир оз кўтарилган, ликопчадан катта, қуюқ овқатлар, хўл мевалар солиш учун мўлжалланган. Лаганлар қадимдан ишлатилиб келинаётган идиш турларидан бири бўлиб, уни кулолларимиз ислимий, гирих, эпиграфик усулида ёзилган ёзувлар, ҳар хил қуш, ҳайвонлар шоҳи билан безаганлар (3-расм).

Лаган насиба рамзи бўлиб, у доира шаклида бўлгани учун оламни билдиради. Яъни инсон бу фоний дунёда хоҳ шоҳ, хоҳ гадо бўлсин ўз насибаси (ризқи) билан туғилади. Ҳеч бир одам бошқа бир инсоннинг ризқини тортиб ололмайди. Муқаддас китобимиз Куръони Каримда ҳам ризқ ҳақида шундай дейилган:

“Ўрмалаган нарса борки, барчасининг ризқи Аллоҳнинг зиммасидадир...” (Худ.6.)

“Ўз ризку рўзини кўтара (ёки топа) олмайдиган қанчадан-қанча жонзодлар бордир. Аллоҳ уларга ҳам, сизларга ҳам ризку-рўз берур. У эшитувчи, билгувчидир” (Анкабуд, 60).

Бойлик – бойлик эмас, қачонки у саҳий инсонда бўлмаса

Ризқ ҳақида ота-боболаримиз шундай ривоят қиладилар:

“Бир вақтлар заиф бир балиқчи ов қилар экан, жуда кучли, катта балиқ қармоғига илинди. Уни тортиб олишга балиқчининг кучи етмас эди. Балиқ қармоқни тортиб кетди. Буни кўрган бошқа балиқчилар: “Шундай балиқ илинган эди, қўлдан чиқардинг-а”, -дедилар.

Балиқчи дўстларига:

-Эй, дўстлар! У балиқ менинг ризқим бўлмаса, балиқнинг эса дунёдан ризқи узилмаса, нима қилай? Унинг ҳали бу дунёда ейишга овқатдан, ичишга сувдан ризқи бор экан! – деди.

Ризқсиз балиқчи Дажлада балиқ тута олмайди. Ажали етмаган балиқ ҳам қармоққа илинмайди, тўрга тушмайди. Ҳар бир одам бу дунёда ўз ризқини ейди. Ризқи битганнинг ажали келади, ўлади”.


“Ҳар бир жонзод ўзи учун тақдир берган ризқи битмагунча ўлмайди. Тақдир томонидан ёзилган ризқ ўз соҳибини (эгасини) албатта топади. Шу сабабдан ризқ учун бошни ҳар тарафга урмаслик керакдир. Аллоҳ ўзи яратган қулларининг ризқини беради. Ҳар бир мўмин буни яхши билиши ва ўзини ёмонликлардан, ёлғондан, хийладан, бировларни алдашдан сақлаши керак. Чунки ризқ Аллоҳга оиддир. Қулининг ризқини ўзи беради”.

Кулолларимиз лаганнинг беагида балиқ тасвирини ишлаганлар. Балиқ хушёрлик ва ҳалол лукма рамзи. Бу безак орқали: инсонлар бу дунёда хушёр бўлинг, ўз ризқларингизни топаётганингизда эҳтиёт бўлинг. Ахир ризқ икки хил бўлади. Бири ҳалол, иккинчиси ҳаром. Сиз фоний дунёда ҳалол ризқингиз билан кун кечиринг. Ҳаром ризқ оқибати ёмон бўлади, дейдилар. (4-расм)

Хулоса қилиб айтганда, кулолчилик буюмлари амалда овқат ёки мева қўйиш учун ишлатилибгина қолмасдан, балки инсонларни тарбиялайди, руҳий озика ва фикр беради ҳамда инсонларни даволайди.

Яна бир мисол талабаларга амалий санъат дарсларида Самарқанддаги Шердор мадрасаси нечанчи асрда, ким томонидан, қандай қурилганлиги, ҳамда унинг безакларининг турлари ва яратган технологиясини ўргатамиз, лекин бу безаклар қалбидаги фалсафани ўргата олмаймиз. Чунки санъат фалсафасидан етарли билимга эга эмасмиз. Чунончи, XVII асрнинг биринчи ярмида қурилган Шердор мадрасаси пештоқидаги инсон қиёфасидаги оддий битта нуқта ҳолнинг ўзиёқ фалсафий маънога эга-ку!

Ваҳоланки юздаги биргина нуқта - ҳол орқали меъмор-наққош шу мадрасани қурдирган, шаҳар ҳокими Баҳодир Ялангтўшнинг комил инсон бўлганлигига ишора қилган, ҳамда инсонларни комилликка чақирган. Демак, бу мадрасани беаган меъмор ва наққош Мулла Абдужаббор санъат фалсафасидан ҳамда психология фанининг тури бўлмиш "қиёфа илми"- дан хабардор бўлган экан-да.




4- расм. Лагандаги балиқ тисвирининг мантиқий ечими ва унинг фалсафий хулосаси.


Шердор мадрасаси пештоқидаги безакнинг мукамал чиқиши безакчи наққошни тарих, фалсафа, математика, тасаввуф, психология, астрология каби фанларни билишини кўрсатади. Шунинг учун ҳам безакка салкам 400 йил бўлди лекин бу композиция ҳозиргача ўз ечимини топгани йўқ.

Тасвирий санъат йўналиши бўйича композиция ўргатилади. Турли мавзуларда композициялар ўргатиш жараёнида талабаларга рассомларн асарларини бадий таҳлил қилиб ўргатилади. Шу ўринда оддий уч предметдан ташкил топган натюрмотни чизиш, бўяш каби тажрибаларни ўргатилади. Шу ўринда талабаларга таҳлил қилиб бериш орқали мантиқий мазмунини тушунтириб бериш керак бўлади. Чизишдан аввал композицияни симметрия, асимметрия, уфқ чизиғи, мувозанат, ҳаракат, турғунлик, ранг,

колорит каби мезонларни тушунтириб берилади. Шулардан кейин натюрморти бадиий таҳлил қилишга ўтилади. Таҳлил қилиш жараёнида натюрморти мазмунини билиш ва ғоясини тушунтирилади. Натюрмортда асосан уч предметдан ташкил топган гулдон, гул ва олма. Уларни рамзий маъноларини аниқлаймиз (6-расм). Кўзада сув бўлади, яъни сув ҳаётни билдиради, гулдаста яъни гул-ғўзалликни билдиради. Олма эса муҳаббатни билдиради (7-расм).



6-расм. Уч нарсадан иборат натюрморт.



7-расм. Натюрмортнинг мантиқий ечими.


Агар биз уч сўзни бирга ўқиб чиқсак натюрмортдаги ғоя чиқади, демак бу “Ҳаётимизда ғўзаллика бўлган муҳаббатимиз ҳеч қачон сўнмасин” деган фалсафий ғояни англатади. (8-расм)

Муҳаббат нима ўзи? “Муҳаббат – бирор шахс ёки кишилар гуруҳига, ғояга ёки амалий фаолиятга нисбатан интим ва кучли туйғу. Шахс ички дунёсининг энг эркин ифодаси сифатида юзага келади. Муҳаббат туйғусининг улуғворлиги ва мураккаблиги шундаки, унда биологик ва маънавий, шахсий ва ижтимоий интим ва умумий ҳолатлар бамисоли бир

нуқтага тўпланади. Платон муҳаббатни икки турга – ҳиссий муҳаббат ва ақлий муҳаббатга ажратади. Унинг фикрича, ҳиссий муҳаббат ташқи гўзалликни ҳис қилишдан ҳосил бўлади ва муҳаббатнинг қуйи босқичини ташкил этади.


Ақлий муҳаббат эса гўзалликни кенг маънода – ахлоқий – эстетик, илмий тушунишдан пайдо бўлади. У ақлий (маънавий) муҳаббатни устун қўяди. Муҳаббат кишининг ота-онаси, қариндош-уруғлари, яқин кишилари, дўстлари, қўни-қўшнилари ўқув ва меҳнат жамоалари, ўз халқ ва Ватан ҳамда умуман башарият билан руҳан яқинлашишнинг кучли воситасидир. Муҳаббат туфайли инсон гўзал феъл-атвори, хулқни ўзида гавдалантириб, муайян жамоа ва жамият олдида юксак кадр топади, бошқаларда ўзига нисбатан самимий меҳр-оқибатни уйғота олади. Муҳаббат одамларни, турли жамоаларни, халқларни, миллатларни бир-бирига яқинлаштиради. Муҳаббат бор жойда мураккаб муаммолар осонликча ҳал бўлади, урушлар ва жанжалларга ўрин қолмайди¹.

Биринчи оддий натюрморт композицияси талаба-ёшларимизнинг маънавий муҳаббатини шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Фикрлаш орқали натюрмортни таҳлил ва синтез қилиш, таққослаш, абстракциялаш, умумлаштириш ва хулоса қилиш сингари хаёлий ҳаракатлар амалга оширилади.



8-расм. Натюрморт қисмларининг рамзий маънолари ва уйғунлиги. “Ҳаётимизда гўзалликка бўлган муҳаббатимиз ҳеч қачон сўнмасин деган” бунёдкорлик фалсафий фикрни беради ва шакллантиради.

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.: 2003, 6-жилд, 181-182 бетлар.



Санъат асарларининг бадиий таҳлили орқали талабаларни фикрлашга ўргатиш уларни, таҳлил, синтез, таққослаш, абстракциялаш, умумлаштириш хулосалашларнинг маъноларини англаб олишларига керак бўлади.

Фикрлаш – таҳлил ва синтез қилиш, таққослаш, абстракциялаш, умумлаштириш ва хулоса қилиш сингари хаёлий ҳаракатлар (операциялар) орқали амалга оширилувчи ақлий фаолиятдир.

Фикрлаш – дарс давомида амалга оширилади, фикрлаш давомида таълим олувчилар ўзлари дуч келган фикрларга ва ўзлари ўзлаштирган маъноларга қайтадилар ва саволлар берадилар, талқин ва таҳлил қиладилар, кўллайдилар, мунозара юритадилар ва ушбу маънони кўллашнинг янги соҳаларига қадар кенгайтирадилар.¹

Шакллантириш – ривожланиб етилмоқ, аниқ мазмун ёки йўналиш касб этмоқ.

Таҳлил (анализ) – манбани, муаммони, натижани илмий ўрганиш услуги. Бунда тадқиқот объекти фикран ёки эҳтимолий равишда таркибий қисмларга ажратилади ёки объектга мос белгилар ва кўрсаткичлар ҳамда уларнинг алоқадорлиги ўрганилади. Кўрсаткичлар (омиллар) орасидаги боғланишларни ўрганишдан мақсад тадқиқот объектини ифодаловчи кўрсаткичлар сонини камайтириш ва уларни асосий ва иккинчи даражали кўрсаткичларга бўлиш масаласи бўйича ўрганилади.

Таҳлил методи – бунга қуйидаги компонентлар киради:

- маълумотларни ахборат кўринишига келтира билиш;
- ахборотларни англаб идрок этиш;
- маълум ва номаълумларнинг муҳим белги ва муносабатларини ажрата билиш;
- элементларга ажратиш ва бошланғич структурали бирликни топиш;
- алоқларни англаш (элементлар ёки ташкил этувчилар орасидаги) ва тушунтириш ҳамда синтез қила билиш.

¹ Ҳасанбоев Ж., Тўрақулов Х ва бошқалар. Педагогика фанидан изоҳли луғат. Т.: Фан ва технология. 2009, 540 бет.

Синтез – (юнун synthesis кўшиш, бирлаштириш) синтез, фикр объекти ҳисобланган нарса ва ҳодисаларнинг таркибий қисмлари, сифат ҳамда хусусиятларини фикран ёки амалий равишда бир бутун қилиб кўшишдан иборат бўлган ақлий операция. Масалан, нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белгилари кўшилишидан яхлит бир тушунча ҳосил бўлади. Синтез тафаккур ҳамда ҳаёлниң ижодий фаолиятини ташкил қилади. Синтез бевосита анализ билан ва умумлаштириш таққослаш, системалаштириш каби ақлий операциялар билан боғлиқдир.¹

Таққослаш – нарса ва ҳодисалардаги тафовут ҳамда ўхшашликни, тенглик ва нотенгликни топа олишга йўналтирилган фикрлаш операцияси демакдир.

Абстракциялаш – (мавҳумлаштириш) нарса ва ҳодисаларнинг айрим белгиси, сифати ёки хусусиятини фикран улардан айриб олиб, уни мустақил фикр объектига айлантиришдан иборат ақлий операция. Масалан, билиш процессида табиат, жамият ва айрим кишиларга хос бўлган “гўзаллик” белгисини айриб олиб, уларнинг гўзаллиги тўғрисида эмас, балки умуман гўзаллик, эстетик категория маъносидаги гўзаллик ҳақида фикр юритилади.²

Умумлаштириш – нарса ва ҳодисаларнинг ўхшаш ҳамда муҳим белги ва хусусиятларини, боғланишларини фикран муайян тушунишга бирлаштириш жараёни ва унинг натижаси.

Умумлаштиришда хусусийликдан умумийликка (индуктив ҳолат) ўтилади ва улар асосида умумий кўринишдаги тушунча, фикр, ғоя, ҳукм, концепция, таълимот, назария шаклланади.

Фанлар орасидаги ривожланиб бораётган алоқадорлик, ҳамкорлик туфайли бир фаннинг тадқиқот методи иккинчи бирида қўлланилмоқда. Натижада фанларнинг ўзаро алоқадорлиги асосида синтезлашган, умумлашган янги соҳалари -кибернетика, глобалистика, сенергетика, биофизика, биомеханика, молиявий математика, кибернетик дидактика, ижтимоий психология, эргономика, информатика, сунъий тафаккур каби ўнлаб ва ҳаттоки юзлаб фанлар вужудга келмоқда. Натижада илм-фанда янги йўналишлар ва мезонлар яратилмоқда. Улар объектив дунё ҳодисаларини янада чуқурроқ ўрганишга имкон бермоқда.

Умумлаштириш методи – қуйидаги компонентларни ўз ичига олади: типик фактларни танлаш, материалдаги асосий ёки “бошланғич ҳужайра”ни ажратиш; қиёслаш, дастлабки хулосалар; катта таърифлаш; катта кодлаш; генезисни, ходисанинг ривожланиш диалектикаси ва умумлаштириш натижаларини белгили расмийлаштириш (хулоса, тенденция, назария, формула, чизма, модель ва ҳ.к.)

Хулосалаш – тафаккурнинг тарихан таркиб топган мантиқий формасидир. Тафаккурнинг мантиқий формаси воситаси билан бир ёки бир неча маълум ҳукмлардан янги ҳукм – хулоса чиқарилади.

¹ Турғунов Қ. Русча – ўзбекча психология терминларининг изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1975. 165 бет.

² Турғунов Қ. Русча – ўзбекча психология терминларининг изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1975. 6-бет.

Хулоса чиқариш – нарса ва ҳодисаларни ўрганиш натижасида ҳосил бўлган фикрлар (тушунчалар)нинг ўзаро мантикий алоқадорлиги ва узвий боғланиши асосида ҳосил бўлган умумий янги ҳукм.

Хулосалаш турлари қуйидагилар:

1. Индуктив хулоса чиқариш, яъни хусусий тасдиқлардан (ҳукмлардан) умумий тасдиқларга ўтиш;
2. Дедуктив хулоса чиқариш, яъни умумий тасдиқлардан хусусий тасдиқларга ўтиш;
3. Аналогик хулоса чиқариш, яъни моделлаштириш ва уларнинг манбани идентификация қилиш орқали хулосалаш.

Талабаларга манзара жанрида композиция ўргатишда мусаввирларнинг асарларини бадиий таҳлил қилиш қуйидагича амалга оширилади.

“Тоғ” деб номланган асар. Асар мойбўёқда ишланган бўртб, тоғ манзарада тасвирланган (10-расм).


Тасвирда асосий икки элемент асосий ҳисобланади. Биринчиси олд планда тикангул, иккинчиси орқа планда тоғ тасвирланган (11-12 расм).

Тикангул бамисоли ёвуз инсонга ўхшайди. У ўз тиканлари билан одамларга ёмонликлар қилади. Улар ёвузлик йўлида юриб умрини ўтказадилар.


Тоғ улуғлик рамзини билдиради. Ҳаётда шундай инсонлар борки, худди тоққа ўхшайди, улар фоний дунёда фақат эзгулик йўлида юриб улуг мартабаларга эришади. Халқнинг орасида яхши ном қолдирадилар. Улар шунинг учун икки умрга эгадирлар. Улар ҳаётлик даврларида инсонларга эзгу ишлар қилиб ўзларидан боғлар, асарлар, яхши фарзандлар, эзгу амаллар қолдирадилар. Улар фоний дунёдан ўтганларидан сўнг уларни қолдирган асарлари, боғлари, санъат асарлари халққа хизмат қилади. 12-расмда “Тоғ” номли манзара асарининг мантикий ечимини қуйидаги чархпалакка ўхшатиш мумкин. Ушбу шаклдан келиб қуйидаги фалсафий ғояга келиш мумкин.

Чархпалак ҳаракати ҳаёт ва ўлим доим такрорланишини, олам эса абадий эканлигига ишора қилади. Шунинг учун ҳам Умар Ҳаём таъбири билан айтганда инсон ҳаётининг жуда қисқалигини қуйидагича таърифлайди. “Инсонларнинг ҳаёти бамисоли карвонсаройга ўхшайди, уни икки эшиги бўлиб, унинг биридан кириб турсалар, иккинчисидан чиқиб турадилар” дейди. У инсонларни фоний дунёга, яъни вақтинча синов учун дунёга келишини уқтиради. Инсон умри худди икки эшик орасидек қисқалиги уқтирилади.


Хулоса қилиб айтганда ушбу асардан қуйидаги фалсафий ғояни кўриш мумкин.



11- расм. Манзара жанрида бажарилган расм. 1-тоғ, 2- тикангул.



12-расм. Манзаранинг муҳим элементларини геометрик шаклларда мантиқан кўриниши.



13-расм. Асарнинг мантиқий ечимини чизмада кўриниши.

Олам эзгулик

ва ёвузликдан иборат деган фалсафий ғояни беради.

Манзара деталларининг рамзий маънолари. 1-эзгулик, 2-ёвузлик.

“Дунё эзгулик ва ёвузликдан иборат. Бу қарама-қаршилик бор экан дунё ҳаракатда ва ривожланишда бўлади. Яна тун билан куннинг рамзий ифодасидур. Тун ва кундаг ҳикматлар кўпдир.

Биз бу асарни сурати орқали сийратини фалсафий таҳлил қилар эканмиз тасвирдаги ҳар бир чизик, шакл ва ранглардан ўзимизга тўғри хулоса чиқаришимиз керак бўлади. Демак асарда, эзгулик ғояси кўтарилганлиги бизга аён бўлади

Шундай экан композициясининг асосий ғоясидан қуйидаги хулоса келиш мумкин. Инсонларнинг фақат бойлик орқасидан қувиб, ҳақиқий бойликни, яъни маънавий, рухий бойликни унутмасликка қаратилган. Инсонларнинг фақат эзгулик йўлида юриши тарғибот қилинган.

Берилган бунёдкор ғоя, яъни инсонни улуғлайдиган, унинг куч-ғайрати ва салоҳиятини ошириб, халқи, Ватан, бутун инсоният учун фойдали ишлар қилишга сафарбар этадиган, ўзида меҳнат, тараққиёт, дўстлик, тинчлик, адолат, ҳалоллик каби эзгу мақсадларни мужассам этадиган ғоя кўтарилган. Тасвирий ва амалий санъат дарсларида талабаларни фалсафий фикрларини шакллантириш модели ишлаб чиқилди (14-расм) Ушбу моделда тасвирий ва амалий санъат дарсларида талабаларнинг фалсафий фикрлашини шакллантиришнинг шакл, восита ва методлари ишлаб чиқилган.

Санъаткор гўзаллик орқали инсонларга ўз фалсафий фикрларини етказа олган. Аммо бу гўзаллик ичидаги фалсафани ҳар ким ҳам ўқий олмаган. Шарқнинг машхур наққоши Моний айтганидек, "Табиатни тасвирлаш - бу

санъатнинг ниҳояси эмас, агар кимки, ҳар бир чизикқа жон бағишлай олар экан, у санъат калитини эгаллаган бўлади" деб бежиз айтмаган.

Бизга маълумки, "санъат - малаканинг юқори чўққиси."

"Гўзаллик эса табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисаларнинг инсон фаолиятининг кишида меҳр-муҳаббат, қувонч, завқ, эркинлик туйғулари ҳосил қилишга қодир бўлган хусусиятларини ифодалайди"¹.

Фалсафа эса "донишмандликни севаман" деган маънони билдиради. Файласуф деганда, "теран ва ҳар томонлама фикрлаш қобилиятига эга бўлган олий маълумотли оқил киши тушунилади".

Хулоса қилиб айтганда, ўтиладиган айрим фанлар фалсафа, математика, психология, она тили, этика, информатика, эстетика, мантиқ сингари фанларни ҳар бир соҳага мослаштириб, узвий равишда ўргатилиши юқори натижа беради. Ўз навбатида тайёрлаётган кадрларимизнинг сифат даражаси янада ошади. Чунки таълим тизимини ҳар дақиқа такомиллаштириб, тўлдириб, ривожлантириб борилишини замон тақозо қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳаётида янгича юксалиш босқичи амалга ошмоқда. Бу жараён жамиятнинг барча жабҳаларида, жумладан, тасвирий ва амалий санъат таълим тизимини ҳам янги сифат босқичига кўтаришнинг омилидир.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Амалий санъат асарларини лойиҳалашда инновацион услублари. (4-соат).

Амалий санъатнинг замонавий услублари ва ўзига хос хусусиятлари. Амалий санъатнинг ўзига хос жиҳатлари ва бадиийлик. Амалий санъатда ижодий услублар. Амалий санъат турлари билан танишиш. Амалий санъат фанларини ўқитишда ахборот технологиялардан фойдаланиш йўллари. Амалий санъат—турларидан бирини ўқитиш жараёни—учун презентация тайёрлаш услублари.

2-амалий машғулот: Амалий санъат турларидан бирини бадиий таҳлил қилиш. (6-соат).

Амалий санъатда анъанавий услублар ва бадиий дидни ривожлантириш. Амалий санъатда анъанавий услубларни таҳлил қилиш. Амалий санъат турларидан бирини таҳлил қилиш учун амалий машғулот ишларини тайёрлаш ва унинг босқичларини асослаш йўллари. Буюк ҳунармандлар ижоди билан танишиш ва яратилган асарлари намуналарини таҳлил қилиш.

Ўймакорлик санъати ҳақида услубий кўрсатмалар тайёрлаш турлари. Ганч ишлаш босқичларини ишлаб чиқиш ва таҳлилий материаллар тайёрлаш. Наққошлик санъатида ислимий ёки гирих шаклидаги туркум безак намуналар

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Т., 3 жилд, 139-бет.

тайёрлаш йўллари ва босқичларини ишлаш. Наққошлик санъатида ислимий безакда рангнинг аҳамияти.

3-амалий машғулот: Амалий санъат асарларини яратишнинг ўзига хос технологияси. (10-соат).

Амалий санъатнинг ривожланиш тенденциялари ва услублари. Амалий санъатда компьютер технологиялари, интернет сайтлари ва репродукциялардан фойдаланиш. Амалий санъатнинг руҳий таъсирчанлигини ошириш йўллари. Амалий санъат турларида машғулоти ишларини бажариш. Ўймакорлик санъати турларидан бирида машғулоти ўтказиш учун технологик босқичларини ишлаб чиқиш ва ўқув кўрсатмалар яратиш.

Ўймакорлик санъати турларининг ўзига хослик жиҳатлари. Наққошлик санъатида янги тараққиёт услубларини яратиш асослари. Кандакорлик санъатида янги тараққиёт услублари. Зардўзлик санъатида безак турлари ва рамзийлик ва тараққиёт асослари. Ганч, ёғоч ўймакорлиги, кандакорлик, мисгарлик, каштачилик, сўзана, наққошлик, кундал, батик каби турларда техника ва технологияларидан бирида ишланмалар яратиш.

Ишдан мақсад: Амалий санъатнинг ривожланиш босқичларини тингловчиларга сингдириш. Амалий санъат ҳақидаги дастлабки трактатлар, нашрлари билан танишиш. XII - XVIII асрларда оригинал яратилган Амалий санъат намуналари асосида янги ишланмалар яратиш ва технологияси тарихи билан тарихчилар, архитекторлар ва замондошларнинг фикрлари билан танишиш. Масалан: Уста Ширин Муродов асарлари ни таҳлил қилиш. Кулолчилик тарихи ҳақида Ўрта асрларда рецептлар ҳақида янги маълумотларга асосланиб амалда қўллаш имкониятини ўрганиш. Устолар фикридан намуна: «Майли кимки янгилик яратса, ҳеч кимга бермайди ўғлидан бошқага албатта, яъни бундан ўзича у юқори ва адолатли иш қилган бўлади ва яна барча сирларни ишончли сақланишига кафолатлангандек ҳисоблайди».

Масаланинг қўйилиши: амалий санъат материаллари ва техникасига оид антик трактатлар бизгача етиб келмаган. Улар айрим муаллифларнинг меҳнатларида, масалан: эрамиздан аввалги III - IV асрларда яшаган устлар шогирди, эрамиздан аввалги I асрда яшаган грек врач Диоскурида, Римлик архитектор Витрувий баёнларини ўрганиш.

Ишни бажариш учун намуна: буюк ҳунармандлар ижоди билан танишиш. Леонардо да Винчи «Рангасвир ҳақида китоб» трактати билан танишиш. Ҳунармандчилик халқимизга ўзи маълум лекин бўлажак устолар шакллар тузилишини ҳамда табиатни ва гулни шунчаки тасвирлаш эмас балки ритм, стилизация каби безак асослари ҳолатини беришдан иборат ва

машғулотлар учун технология босқичлари билан танишиш янги педтехнология га асос бўлади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Кейс.

1. Ёш рассомларни чизматасвир назарияси асослари, перспектива, ёруғлар, ярим соялар, рефлекслар ва соялар назарияси ҳамда чизматасвирнинг техника ва технологияси хақида таништириб бориш;

2. Миллий натюрмортни тасвирий санъат ўқитишнинг замонавий технологиясини қўлланилишини тушунтириш;

3. Келажакдаги мустақил ишлар асосини яратиш учун ёш рассомларга амалий машғулотлар асосида зарурий билимларни бериш.

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гуруҳда).
- ёш рассомларга амалий машғулотлар асосида зарурий билимларни бериш.

Машғулот пайтида:


Тингловчи ва талабаларнинг асосий ва юқори амалий билимлардан қониқиш ҳосил қилишлари учун ўқув устахонаси керакли ёруғлик ва чизматасвирда қўлланиладиган зарур жиҳозлар билан таъминланиши керак.

Ишлатиладиган ашёлар;

хар хил юмшоқликдаги оддий графитли қаламлар, кўмир, соус, сагина.

- планшет, қоғоз, ўчиргич.
- чизматасвир ишлаш учун дастгоҳ (мольберт).

3-илова



ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ ВА КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛИНИ - гуруҳларга қўллаш, ўрганилаётган ходиса, тушунча, фикрларни икки ва ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашни таъминлайди. Тизимли фикрлаш, маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантиради.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши дирасида реферат ёки курс ишини тайёрлайди.

Мустақил иш талаблари ҳар бир тингловчи ўзи танлаган рассом ижоди ёки бадиий асар тақдимотини тайёрлайди.

Мустақил иш тақдимоти қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

- Сарварақ;

- аннотация;
 - мундарижа;
 - асосий қисм: назарий таҳлил;
 - иллюстрациялар иловаси;
 - хулоса;
 - глоссарий;
 - адабиётлар рўйхати.
- Кейслар банки;

Бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.)

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон портфолио” тизимида киритиб бориши лозим.

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглизтилидаги шарҳи
Академизм	академик услубга оид бадиий ёъналиш.	academic style of art direction
Аллегория	мажозий тасвир	word picture
Анималжанр-	хайвонотдунёсини, жониворларнинг асвирловчи тасвирий санъат тури	wildlife, fine arts jonivorlarnitasvirlovchi
Атрибуция	асарнинг ким, қачон, қаерда яратилгани ва бошқа белгиларини аниқлаш	work who, when, where and made other signs
Барельеф	бўртма тасвир	relief image
Деталлаштириш	батафсиллик, иқир-чиқирга эътибор бериш	pay attention to the wishes detail
Рангтасвир	турли хил бўёқлар ёрдамида ишланадиган сурат, асарлар.	converted using different paints picture books
Чизматасвир	тезлик билан дастлабки таасуротларга асосланиб ишланадиган оқ қора тасвир.	Based on first impressions quickly converted to black and white image
Мато	рангтасвир асарини ишлашда фойдаланадиган материал	the operation of the painting material
Графика	санъатнинг кенг тарқалган турларида бири. Бу санъатга оддий қора қаламда чизилган сурат, мавзулик композиция, Штобга ишланган турли суратлар,	Art is one of the common types. This simple drawing qoraqalamda art images, thematic composition, Shtobga made a variety of

	безакрасмлардир.	paintings, decorative pictures.
Натюрморт	жонсиз табиат демакдир	means of inanimate nature
Анималист	(лотинча «ашта» хайвон) - хайвонларни тасвирловчи рассом.	(Latin Ashton animal) - Animals depiction of the artist.
Гризайл	(Французча <i>gris</i> – бир хил рангда мўйқалам ёрдамида бажарилган тасвирий асар)	(French gris - works of art using the brush in a different color)

ТЕСТЛАР

1. Штрих нима?

- А) қаламтасвир усули
- Б) ҳайкалторошлик усули
- С) рангтасвир усули
- Д) мозалиа усули

2. Шахсий соя нима?

- А) сиртдаги енг тўқ соя
- Б) тушувчи соя
- С) рефлекс
- Д) енг оч соя

3. Дизайн сан'ати неча турга бўлинади?

- А) 5 турга
- Б) 4 турга
- С) 3 турга
- Д) 2 турга

4. Интерер нима?

- А) бино атрофи
- Б) бино ташқариси
- С) бино ичи
- Д) бино орқа томони

5. Расим тасвирини қоғозга тўғри тартибли жойлаштириш?

- А) компоновка
- Б) контраст
- С) композитсия
- Д) колорит

6. XIII асрда бино минорасиниг ички қисмига хўроз тасвири қўйилган усулуб?

- А) готика
- Б) роман
- С) барокко

Д) рококо

7. XI асрда қурилган бино ички деворларида текис юзлар кўп усулуб?

- А) роман
- Б) барокко
- С) готика
- Д) рококо

8. Ахроматик ранглар номлари қандай?

- А) сариқ пушти
- Б) кўк сариқ
- С) кора кулранг
- Д) яшил қизил

9. Ҳайвонлар тасвири ишланадиган жанр.

- А) батал
- Б) манзара
- С) натюрмот
- Д) анимал

10. Йирик ҳайкал қандай аталади?

- А) декоратив
- Б) дастгоҳ
- С) бўртма
- Д) маҳобатли

11. Форзатс атамасининг таърифи

- А) муқова астари
- Б) муқова беаги
- С) муқова устки расм
- Д) муқова ранги

12. Фон нима?

- А) орқа режадаги нарсалар
- Б) олд режадаги нарсалар
- С) олд режадаги ёруғ соя
- Д) ён томондаги мато

13. Тарихий жанр нимани ифодалайди?

- А) тарихий воқеаларни
- Б) воқеа ҳодисаларни
- С) табиат лавҳаларини
- Д) мева ва сабзавотларни

14. Амалий санъатга тегишли сўзни топинг?

- А) кулолчилик
- Б) графика
- С) манзара

Д) анимал

15. Тасвирий санъат жанрини топинг?

- А) манзара, бюуст натюрморт
- Б) графика, натюрмортли фото
- С) графика, натюрмортли фото
- Д) натюрморт, манзара, кулолчилик, портрет

16. Натюрморт жанрида нималар тасвирланади?

- А) буюмлар ва мевалар
- Б) далалар ва тоғлар
- С) одамлар ва мевалар
- Д) ҳайвон ва кушлар

17. Камолиддин Беҳзод қачон туғулган?

- А) 1455 йил
- Б) 1445 йил
- С) 1454 йил
- Д) 1601 йил

18. Батал жажрида нималар тасвирланади?

- А) жанг воқеалари
- Б) кушлар ва ҳайвонлар
- С) табиат ҳодисалари
- Д) инсон образи

19. Қадирлар тайёрлаш миллий дастури қачон қабул қилинган?

- А) 1997 йил 16 августда
- Б) 1998 йил 14 апрелда
- С) 1999 йил 16 августда
- Д) 1997 йил 29 августда

20. Портрет турлари бу?

- А) рамкали, рамкасиз портрет
- Б) рангли, рангсиз портрет
- С) маҳобатли, дастгоҳли портрет
- Д) автопортрет, гуруҳли, рухий портрет

21. Оригами бу...

- А) пластилиндан шакил яшаш
- Б) қоғоздан шакил яшаш
- С) мозаика тасвир яшаш
- Д) мева уруғидан тасвир яшаш

22. Ўймакорлик қайси санъат турига киради?

- А) дизайн санъати
- Б) тасвирий санъат
- С) амалий санъат

Д) миниатюра санъати

23. Пиантелизм усулида ишлаш бу...

- А) стек билан
- Б) штрих билан
- С) нуқта ва доғ билан
- Д) мазок билан

24. Натюрморт қайси санъат турига тегишли?

- А) тасвирий санъатга
- Б) меъморчилик санъатига
- С) дизайн санъатига
- Д) амалий санъатга

25. Ҳайкалтарошлик иш қуроллари бу...

- А) лой, пластилин, стек
- Б) қоғоз, бўёқ, стек
- С) лой, бўёқ, сиркул
- Д) қоғоз, гипс, сиркул

26. Дастгоҳли асар бу...

- А) кўчма асар
- Б) бўртма асар
- С) рангли асар
- Д) рангиз асар

27. Гризал бу...

- А) бир рангда ишлаш
- Б) рангли ишлаш
- С) лойда ишлаш
- Д) қоғоздан қирқиб ишлаш

28. Ш. Муродов қайси санъат турида ишлайди?

- А) миниатюрада
- Б) Ҳайкалтарошликда
- С) ганчкорликда
- Д) меъморчиликда

29. Тасвирий санъат таълимнинг мақсади нима?

- А) тасвирий санъатнинг қонун-қоидаларини ўргатиш
- Б) борлиқдаги ва санъатдаги гўзалликларни кўра олиш, идрок этишга ўргатиш
- С) бадий-эстетик маданиятни, тасвирий саводхонликни тарбиялаш
- Д) тасвирий, амалий ва меъморчилик санъати юзасидан асосий тушунчалар бериш

30. Горелеф атамаси бу...

- А) дастгоҳли Ҳайкал
- Б) бюст Ҳайкал
- С) думалоқ Ҳайкал
- Д) бўртма Ҳайкал

31. Ў. Тансиқбоев қандай рассом?

- А) манзарачи

- Б) графикачи
- С) портретчи
- Д) анималист

32. Амалий санъатга киреди.

- А) каштачилик
- Б) натюрморт
- С) манзара
- Д) ҳайкалтарошлик

33. Готика қайси қабилага хос санъат?

- А) Герман қабиласига
- Б) Италия қабиласига
- С) Юнон қабиласига
- Д) Франсуз қабиласига

34. Таълим жараёнининг мақсади бу...

- А) ўқувчиларга билим бериш, тарбиялаш, ривожлантириш
- Б) ўқувчи шахсини таркиб топтириш
- С) ўқувчини маънавий ахлоқий ривожлантириш
- Д) ўқувчиларни ҳар томонлама таркиб топтириш

35. Витраж бу...

- А) рангли қоғоз парчаларидан тасвир яшаш
- Б) рангли ойна парчаларидан тасвир яшаш
- С) рангли бўйоқлардан тасвир яшаш
- Д) рангли тош парчаларидан тасвир яшаш

36. Бюуст бу...

- А) инсонни бош тасвири
- Б) инсонни кўкраккача тасвири
- С) инсонни бўй баробар тасвири
- Д) инсонни бўртма тасвири

37. Импрессионист рассомлар бу...

- А) К.Моне. А.Матисс
- Б) И.Репин. И.Левитан
- С) П. Бинков. Р. Федотов
- Д) И.Да Винчи. Рафаел

38. Блик нима?

- А) буюмни ялтираган қисми
- Б) буюмни ярим сояси
- С) буюмни тушувчи сояси
- Д) буюмни шахсий сояси

39. Натюрморт қайерда пайдо бўлган?

- А) Италияда
- Б) Японияда
- С) Голландияда
- Д) Германияда

40. Портрет санъатнинг қайси турида ишланади?

- А) амалий меморчиликда, дизайн санъатида
- Б) фақат графикада
- С) графика, рангтасвир, ҳайкалтарошликда
- Д) фақат рангтасвирда

41. Нақшлар қандай тасвир усулига асосланиб яратилади?

- А) стилизатсия
- Б) композитсия
- С) нусха кўчириш
- Д) ўзига қараб чизиш

42. Андоза бу...

- А) нусхани бўйовчи мослама
- Б) нусха кўпайтирувчи мослама
- С) нусхани чмзувчи мослама
- Д) нусхани тайёрловчи мослама

43. Периспектива неча хил бўлади?

- А) 5хил
- Б) 3хил
- С) 4хил
- Д) 2 хил

44. Ҳаво периспективасининг луғавий маъносини топинг

- А) тўқ ва оқ нарсалар узоқдан ҳаворанг кўк тусларда кўринади
- Б) тўқ ва оқ нарсалар узоқдан пушти рангда кўринади
- С) тўқ ва оқ нарсалар узоқдан оқ рангда кўринади
- Д) тўқ ва оқ нарсалар узоқдан қора рангда кўринади

45. Камолиддин Бехзод қандай рассом бўлган?

- А) миниатюрачи рассом
- Б) фақат портретчи рассом
- С) тамирловчи рассом
- Д) монументалчи рассом

46. Тарихий жанр нимани ифодалайди?

- А) гуллар, мевалар, сабзавотларни
- Б) муҳум воқеалар ва ҳодисаларни
- С) гўзал табиат лавҳаларини
- Д) муҳум тарихий воқеаларни

47. Меъморчилик санъатига оид сўз қайси қаторда кўрсатилган?

- А) пуантилизм, кубизм
- Б) графика, рангтасвир
- С) ҳайкалтарошлик, горелеф
- Д) готика, шаҳарсозлик

48. Портрет жанрида нима тасвирланади?

- А) мевалар ва сабзавотлар, қушлар
- Б) инсоннинг ҳаракатдаги ҳолати
- С) инсон ташқи ва ички қиёфаси

Д) инсоннинг либос ва буюмлари

49. Натюрморт чизишда қандай қодаларга риоя қилинади?

- А) ўзаро нисбатага, фазовий ҳолатни ўрганишга
- Б) чизишга, бўяшга, кузатишга
- С) ўзаро катта-кичиклигига, илиқ рангларга
- Д) чизиб бўлиш, тез бўяшга, тез битқазашга

50. Дастгоҳли санъат бу...

- А) дастгоҳларда ишланадиган кўчма асарлар
- Б) дастгоҳларда ишланадиган маҳобатли асарлар
- С) дастгоҳсиз ишланадиган рангсиз асарлар
- Д) дастгоҳда ишланмайдиган кичик ўлчамдаги асарлар

51. Гризал бу...

- А) бир рангда тасвир ишлаш усули
- Б) бир материалда ҳайкал ишлаш усули
- С) ҳар хил рангда тасвир ишлаш усули
- Д) шаблон ёрдамида тасвир ишлаш усули

52. Графикада ишлаш нима?

- А) натурани чизишда ёки оқ-қора бўйоклар билан тасвирлаш
- Б) натурани турли чизиклар ёки рангли бўйоклар билан ишлаш
- С) натурани пластилинда ёки гипсда тасвирлаш
- Д) натурани пластилинда ёки рангли қоғоз билан тасвирлаш

53. Горелев атамаси нимани англатади?

- А) бўртма ҳайкални билдириб, текисликда нарсалар ҳажмини ярмидан кўпроқ чиқиб туради.
- Б) бўртма ҳайкалга ўқшаш бўлиб, нарсалар ҳажми текисликда билинмайди.
- С) бўртма ҳайкал эмас, нарсалар ҳажми фазовий кенгликда тасвирланади
- Д) бўртма ҳайкалга ўқшамайди, текисликда нарсалар ҳажми ранг билан тасвирланади.

54. Грих бу...

- А) гул ва баргдан тузилган нақш
- Б) геометрик нақш
- С) анор ва баргдан тузилган нақш
- Д) ойгул ва учбаргдан тузилган нақш

55. Бадий ёзувлар – тасвирий, халқ амалий ва меморчилик санъатининг қайси бирининг қайси турига тегишли?

- А) тасвирий санъат, гафикага
- Б) халқ амалий санъати, мисгарликга
- С) меъморчилик санъати, иншооат қурилишига
- Д) тасвирий санъат, ҳайкалтарошликка

56. Портрет жанрининг турлари қайси қаторда тўғри кўсатилган?

- А) ранингсиз портрет, мозайкада портрет, бўртма портрет
- Б) шоҳона портрет, афто портрет, гуруҳли портрет, психологик портрет
- С) дастгоҳлик портрет, монументал портрет, катта портрет
- Д) дастгоҳлик портрет, хашаматли портрет, бронза бюуст портрет рангли портрет

57. Композитця нима?

- А) лотинча “компонарийс-асар қурилиши, ғояси характери”
- Б) инглизча “комполс-асарни бўяш, оюраз тасвирлаш”
- С) франсусча “компоге-асардан нусха кўчириш”
- Д) немисча “компонес-асарни безаш рамка ўрнатиш”

58. Акварел бу....

- А) франсусча “сув бўёқ” маъносини билдиради.
- Б) лотинча “мой бўёқ” маъносини билдиради
- С) юнонча “қурук бўёқ” маъносини билдиради
- Д) немисча “қаттик бўёқ “маъносини билдиради

59.Автопортрет бу...

- А) рассом томонидан чизилган таниқли шахсинг портрети
- Б) рассом томонидан чизилган оила аъзолаорнинг портрети
- С) рассом томонидан чизилган ўзининг портрети
- Д) рассом томонидан чизилган шоҳона портрети

60. Манзара жанирида нима тасвирланади?

- А) тоғлар, инсонлар, ҳайвонлар, буюмлар
- Б) жониворлар, ҳайвонлар, ўсимликлар
- С) тоғлар, дарёлар, қирлар, далалар, шаҳарлар
- Д) мева ва сабзавотлар, гуллар

61. Борлиқдаги нарсаларни шаклини, рангини, тузилишини тахлил қилиш, ўраниш қандай аталади?

- А) рангларни идрок етиш
- Б) санъат идрок етиш
- С) болиқни идрок етиш
- Д) асарни идрок етиш

62. Ярим соя бу...

- А) ёруғ билан бошқа детал соясидаги тўқ соя
- Б) ёруғ билан тушувчи соя ўртасидаги соя
- С) ёруғ билан рефлекс ўртасидаги соя
- Д) ёруғ билан соя ўртасидаги очроқ тусли соя

63. Тасвирий санъат нима?

- А) борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни фазовий кенгликда ёки текисликда тасвирловчи санъат тури
- Б) борлиқдаги нарсаларни фақат текисликда тасвирловчи санъат тури
- С) борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни фақат кенгликда тасвирловчи санъат тури
- Д) борлиқдаги нарсаларни ҳайкалтарошликда, каштачиликда тасвирловчи санъат тури

64. “Сюжет” сўзини маноси.

- А) тасвирланган рангтасвир графтка
- Б) тасвирланган воқеа, лавҳа, ҳаракат
- С) тасвирланган мисгарлик, каштачилик
- Д) тасвирланган ҳайкалтарошлик, ўймакорлик

65. Ритм тасвирий санъатда нимани англатади?

- А) шакиллар, элиментлар, рангларни оч ва тўқ туслари

- Б) шакиллар, элиментлар, ёрқин рангларни,
- С) шакиллар, элиментлар, рангларнинг такрорланиши
- Д) шакиллар, элиментлар, рангларнинг қўлланилиши

66. “Репродукция” сўзи қандай маънони билдиради?

- А) асар нусхаси ёрдамида композитция чизиш
- Б) асар нусхасини риставратсия қилиш
- С) асар нусхасига қараб чизиш
- Д) асар нусхасини полиграфия усулида кўпайтириш

67. Пуантелизм қандай йўналиш?

- А) доғ ва нуқталар билан ишланадиган йўналиш
- Б) штрих ва мазок билан ишланадиган йўналиш
- С) нам қоғозга ишланадиган йўналиш
- Д) гуваш бўёғи билан ишланадиган йўналиш

68. Пропорция нима?

- А) ўзаро мутаносиблик, ўлчамларнинг муофиқ келиши
- Б) ўзаро боғлиқлик, ўлчамларнинг ҳар хил бўлиши
- С) ўзаро боғлиқлик, ўлчамларни кетма кет бўлиши
- Д) ўзаро боғлиқлик, ўлчамларни кетма кет бўлмаслиги

69. Маиший жанр нимани ифодалайди?

- А) кундалик турмуш воқеа ва ҳодисаларни акс эттиради
- Б) кундалик турмуш ҳодисаларни кузатади
- С) кундалик турмуш воқеалардан завқланади
- Д) кундалик турмуш воқеаларни ўзгартиради

70. Мавҳум санъат тушунчаси

- А) реал тасвирларни рад этмай, манзара жанрида ифодалаш
- Б) реал тасвирларни рад этмасдан, ранглар билан ифодалаш
- С) реал тасвирларни рад этиб, геометрик шакиллар, ранглар билан ифодалаш
- Д) реал тасвирларни рад этмай, геометрик шакиллар, ранглар билан ифодалаш

71. “Колорит” атамасининг маънисини қайси қаторда тўғри кўрсатилга?

- А) асарнинг маълум бир қисмини ёрқин рангга бўялиши
- Б) асарнинг етакчи бўлмаган ранг гаммаси
- С) асарнинг етакчи умумий гаммаси
- Д) асарнинг маълум бир жойдаги ранг гаммаси

72. “Интерер” сўзи нимани англатади?

- А) бинонинг ён томони куриниши
- Б) бинонинг ташқи кўриниши
- С) бинонинг ташқи безаги ва рангини
- Д) бинонинг ички куриниши

73. Иллюстратция нима?

- А) асар воқеаларга алоқаси бўлмаган ҳайкаллар
- Б) асар воқеаларга ишланган безак нақишлар
- С) асар воқеаларни акс еттирувчи ҳайкаллар
- Д) асар воқеаларга тасвирланган расимлар

74. Зардўзлик қандай санъат?

- А) бош кийм, оёқ кийм, ва бошка киймларга, зар ва кумуш иплар билан безак тикиш
- Б) бош кийм, оёқ кийм, ва бошка киймларга сариқ рангда гул босиш
- С) бош кийм, оёқ кийм, ва бошка киймларга пушти рангда гул босиш
- Д) бош кийм, оёқ кийм, ва бошка киймларга қизил иплар билан безак тикиш

75. Жанр тушунчаси

- А) чекланган мавзуни ўзида акс еттирадиган санъат асарлари
- Б) чексиз мавзуни ўзида акс еттирадиган санъат асарлари
- С) чекланган мавзуни ўзида акс еттирмайдиган санъат асарлари
- Д) ноаниқ мавзуни ўзида акс еттирадиган санъат асарлари

76. ”Думболоқ ҳайкал” иборасининг мазмуни?

- А) атрофдан айланиб томоша қилиш мумкин бўлган ҳайкал
- Б) атрофдан айланиб кўриб бўлмайдиган ҳайкал
- С) атрофдан айланиб бир томонни кўриш мумкин бўлган ҳайкал
- Д) атрофдан айланиб икки томонини кўриш мумкин бўлган ҳайкал

77. Дизайн бу.....

- А) қулай шакл, безак, ранг билан лойиҳалаш усули
- Б) қулай шакл, безак, рангсиз лойиҳалаш усули
- С) қулай шакл танланган бўлса, безаксиз рангсиз лойиҳа демакдир
- Д) қулай шакл топилмаси ҳам безак билан лойиҳалаш усули

78. Декоратив санъат нима?

- А) чизиш санъати
- Б) безатиш санъати
- С) кўчириб чизиш санъати
- Д) фотосуратга олиш санъати

79. Тошкентдаги Амир Темур монументал ҳайкалини муаллифи ким?

- А) Б. Жалолов
- Б) А.Мирзайев
- С) И.Жабборов
- Д) А.Бойматов

80. Минятура санъатининг реал тасвирий санъатдан фарқи?

- А) ёруғ-соя перспектива минятурада қўлланилмайди
- Б) ўлчов ва ранг перспективаси икковида қўлланилади
- С) ёруғ-соя перспектива икковида қўлланилади
- Д) фақат перспектива минятурада қўлланилади

81. Декоратив ўйинчоқ ясовчи усталар қайси қаторда берилган?

- А) Х.Рахимова, А.Мухторова
- Б) Ж.Хакимов, Л.Салимжонова
- С) И. Жабборов, Я.Рауфов
- Д) М.Рахимова, О.Файзуллаева

82. Схема нима?

- А) гул ва элементни тўғри жойлаштирувчи ёрдамчи чизик
- Б) гул ва элементни бўйаш учун зарур ранглар
- С) гул ва элементни ёрқин кўрсатувчи ёғон қоғоз

Д) гул ва элементним жойлаштирувчи андаза шаблон

83. Камолиддин Бехзодни биринчи устози ким?

- А) Мирак Наққош
- Б) Султонали Машхадий
- С) Саид Аҳмад Табризий
- Д) Махмуд Музаххид

84. Фанлараро боғланишни қандай тушунасиз?

- А) ўқувчини қизиқтиради, ўқувчи юқори баҳо олади
- Б) ўқувчи бир неча фанни пухта ўзлаштиради
- С) ўқувчини қизиқтиради, фаоллаштиради
- Д) ўқувчини аниқ жавоб беришга ўргатди

85. Интерфаол методнинг афзаллиги нимада?

- А) барча ўқувчилар дарсда тўполон қилмайдилар
- Б) барча ўқувчилар уй вазифаларни бажариб келадилар
- С) барча ўқувчилар мавзу бўйича фаоллашади ва қамраб олинади
- Д) барча ўқувчилар ёзув тахтасида ишлашни ўрганадилар

86. Синфдан ташқари ишлар нима?

- А) мусобақалар, олипиядалар, машғулотлар
- Б) тўгараклар, мусобақалар, очик дарслар
- С) мусобақалар, олипиядалар тўгараклар,
- Д) тўгараклар, экскурсиялар, эрталиклар, кўргазмалар ташкел этиш

87. Композитця қайси санъат турида мавжуд?

- А) мусиқа, рақсда, меъморчиликда
- Б) ҳайкалтарошликда, наққошликда, меъморчиликда
- С) графикада, рангтасвирда, мисгарликда
- Д) кўп санъат турларида: тасъвирий, меъмуар, амалий ва дизайнда

88. Натюрмортни ҳайкалда ва қаламтасъвирда ишлаш қайси фаолият турига киради?

- А) натурага қараб тасъвирлашга
- Б) борликни идрок этишга
- С) санъатни идрок этишга
- Д) композитцион фаолиятга

89. Композитця фаолияти нечи турга бўлинади?

- А) уч турга: рангтасвир, ҳайкалтарошлик, декоратив
- Б) икки турга: рангтасвир, ҳайкалтарошлик
- С) тўрт турга: : рангтасвир, ҳайкалтарошлик, лаштачилик, декоратив
- Д) беш турга: : рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик лаштачилик, декоратив

90. Портрет жанирини тасъвирий санъатнинг қайси турида ишлатиш мумкин?

- А) ҳамма турдарида
- Б) фақат рангтасвирда,
- С) фақат ҳайкалтарошлик
- Д) фақат графика

91. Санъатни қандай идрок эттирилади?

- А) санъат асарларини нусхаларни кўчириш орқали
- Б) санъат асарларини ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали
- С) санъат асарларини томоша қилиш орқали
- Д) санъат асарларини чизиш ва бўяш орқали

92. Борлиқ тасъвий санъатда қандай идрок эттирилади?

- А) кузатиш, таҳлил қилиш орқали
- Б) чизиш, бўяш орқали
- С) ҳайкал ясаш орқали
- Д) кузатиш, чизиш, орқали

93. Третьяков галерияси қайерда жойлашган?

- А) Санкт- Петербургда
- Б) Киевда
- С) Москвада
- Д) Новгородда

94. Денгиз манзарасини ишловчи расом қандай аталади?

- А) манзарачи
- Б) анималчи
- С) мориначи
- Д) натюрмортчи

95. Импрессионистик санъат қайерда ва қачон шакилланган?

- А) XIX аср охири XX аср бошларида Европада
- Б) VI асрда Осиёда
- С) XV аср охири XVI аср бошларида Мовароуннахрда
- Д) XX асрда Осиёда

96. Импрессионистик санъатнинг луғавий маъноси қайси қаторда тўғри талқин этилган?

- А) франсузча “таассурот” маъносини англатади
- Б) лотинча “янги тасвирлаш” маъносини англатади
- С) италянча “соддалаштирилган” маъносини англатади
- Д) лотинча сўз бўлиб “қизиқ” деган сўзни англатади

97. Импрессионист расомлар қайси қаторда кўрсатилган?

- А) К.Моне, О.Ренуар, А.Матисс, П.Сезанн
- Б) К.Брюллов, В.Кипренский, И.Репин, И.Левитан
- С) Р.Бенков, П.Федотов, И.Репин, И.Левитан
- Д) Р.Бенков, И.Репин, И.Левитан

98. Қайси жавоб Бухородаги тарихий ёдгорликларга оид?

- А) Шоҳи Зинда, Улуғбек мадрасаси
- Б) Исмоил Самоний, Минораи Калон
- С) Кўкалдош мадрасаси, Занги ота ансамбили
- Д) Жар қўрғон минораси, Ичан қалъа

99. Қайси жавоб наққошлик санъатига оид?

- А) сиёҳ қалам, ҳал
- Б) арақи, паргор, искана
- С) горелйеф, барелйеф,
- Д) перспектива, рафлекс

100. Қайси жавобда манзарачи рассомлар кўрсатилган?

- А) А.Абдуллаев, М.Саидов, Ж. Умарбеков
Б) И.Левитан, Ў.Тансиқбойев, Н.Карахан
С) Ю. Елизаров, Т.Хрупкин
Д) Х.Рахимова, Қ.Хайдаров.

ТЕСТ КАЛИТЛАРИ

<i>САВО Л</i>	<i>ЖАВО Б</i>	<i>САВО Л</i>	<i>ЖАВО Б</i>	<i>САВО Л</i>	<i>ЖАВО Б</i>	<i>САВО Л</i>	<i>ЖАВО Б</i>	<i>САВО Л</i>	<i>ЖАВО Б</i>
1	А	21	Б	41	А	61	С	81	А
2	А	22	С	42	Б	62	Д	82	А
3	С	23	Б	43	Д	63	А	83	А
4	С	24	А	44	А	64	Б	84	Б
5	А	25	А	45	А	65	С	85	С
6	А	26	А	46	Д	66	Д	86	Д
7	А	27	А	47	Д	67	А	87	Д
8	С	28	А	48	С	68	А	88	Д
9	Д	29	С	49	А	69	А	89	А
10	Д	30	Д	50	А	70	С	90	А
11	А	31	А	51	А	71	С	91	Б
12	А	32	А	52	А	72	Д	92	А
13	А	33	А	53	А	73	Д	93	С
14	А	34	А	54	Б	74	А	94	С
15	Б	35	Б	55	А	75	А	95	А
16	А	36	Б	56	Б	76	А	96	А
17	А	37	А	57	А	77	А	97	А
18	А	38	А	58	А	78	Б	98	Б
19	Д	39	С	59	С	79	С	99	А
20	Д	40	С	60	С	80	А	100	Б

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Махсус адабиётлар

- 1.1. Булатов С. Тасвирий ва амалий санъат асарларини фалсафий - психологик таҳлили. - Т., 2010
- 1.2. Тасвирий ва амалий санъат методикасининг баъзи масалалари. - т., 1975
- 1.3. Тавирий санъат амалиётида педагогларни тайёрлаш.-Т, 2006
- 1.4. Блейк В. Как рисовать фигуру человека. 2005. – 165 с.
- 1.5. Ҳудайберганов Р.А. Рангшунослик асослари. – Т.: F.Фуллом нашриёти. 2006. – 220 б.
- 1.6. Deborah A. Rockman. The Art of Teaching Art: A Guide for Teaching and Learning the Foundations of Drawing-Based Art. - Oxford University Press, England 2000
- 1.7. Andrew Paquette. An Introduction to Computer Graphic for Artist. - Springer Publishing Company, Incorporated, USA 2013
- 1.8. Salvatore Greco. Multiple Criteria Decision Analysis: State of the Art Surveys.- Springer - Verlag New York, USA, 2005
- 1.9. Paintings: that Changed the World. - Munich. Berlin, London, New York. - 2003.
- 1.10. Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. - University of California Press, USA 2004
- 1.11. Charles Soulby. Art and Design: Intermediate and Advanced Level (Art & Design GNVQ). – Longman, England 1995
- 1.12. Finola Kerrigan, Peter Fraser, Mustafa Ozbiling. Art marketing. - Paperback Germany, 2004.
- 1.13. «Art and Design: Intermediate and Advanced Level» Muallif: Klaus Rayhold, Bernhard Graf. - Нашриёт: «Престел Энгланд» Англия, 2003. ISBN(13 рақам): 978 - 3791329864

II. Интернет сайтлари

- 2.2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz
- 2.2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz
- 2.3. Ахборот - коммуникация технологиялари изоҳли луғати, 2004,
- 2.4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz
- 2.5. www.ziyonet.uz.
- 2.6. Ахборот - ресурс маркази <http://www.atsc.uz/>
- 2.7. www.edu.uz
- 2.8. www.pedagog.uz
- 2.9. www.dsmi.uz
- 2.10. www.bimm.uz